

83.4(54)

X-12



Ҳаёт зарварақларида
кечган салмоқли умр


(Домла Сувоиқулов Абдулаҳад Келдиёрович
замондошлари хотирасида)



83,4 (5%)
X-12

ҲАЁТ ЗАРВАРАҚЛАРИДА КЕЧГАН САЛМОҚЛИ УМР

*(Домла Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёрович
замондошлари хотирасида)*



Тошкент
"MUMTOZ SO'Z"
2021

УЎК: 821.512.133(092)
КБК 83.4(5Ў)

Ҳаёт зарварақларида кечган салмоқли умр.

Домла Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёрович замондошлари хотирасида.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д. Жалолиддин Жўраев. Т.: 2020, - 200 б.

Ушбу тўплам Сангзор воҳасида бошланғич синф ўқувчилари ва ўқитувчилари учун ўзига хос математик қўлланмаларни яратган олим, педагогика фанлари номзоди, доцент Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёровичнинг хотирасига бағишланган.

Тўпламга А.Сувонқуловнинг устозлари, ҳамкасблари, синфдош ва курсдош дўстлари, шогирдлари, қариндошлари ва бошқа яқиндан билган кишилари томонидан ёзилган хотиралар жамланган.

Тўплаб наширга тайёрловчи:

Жамшид СУВОНҚУЛОВ

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчиси,
3-даражали юрист

Масъул муҳаррир:

Жалолиддин ЖЎРАЕВ

филология фанлари доктори

Таҳририят аъзолари:

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,

Ҳанифа САРИМСОҚОВА

олий тоифали ўқитувчи

Тақризчилар:

Йўлдош ЖЎРАЕВ

юримдик фанлари доктори, профессор,

Турдикул БОБОМУРАТОВ

тиббийёт фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-5568-7-3

© «MUMTOZ SO‘Z», 2020

КИРИШ

“Муқаддас китобларимизда, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик эканига алоҳида урғу берилади... Бу олижаноб, донишманд ва бағрикенг инсон, қандай суронли синовларга дуч келган бўлмасин, юксак гуманистик ғояларга доимо содиқ бўлиб, халқимиз қалбида яхши ном, сўнмас хотира қолдирди”.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах шаҳрида
Шароф Рашидов ҳайкалининг очилишига
бағишланган тантанали маросимдаги
нутқидан.*

06.11.2017 йил.

Муҳтарам Шавкат Миромонович томонидан айтилган ушбу фикрлар барча яхши инсонлар, хусусан, домла А.К.Сувонқулов тўғрисида ҳам айтилгандек, гўё!

А.К.Сувонқуловнинг қарийб 40 йиллик умри А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти билан чамбарчас боғлиқ. У киши фаолияти давомида бир қанча услубий қўлланма, илмий мақола ва китоблар нашр эттириб, мамлакатимиз, хусусан, Жиззах воҳаси илм-фани ривожига катта ҳисса қўшди.

Ёрқин истеъдод ва тафаккур эгаси бўлмиш бу заҳматкаш инсон ўз илмий фаолияти жараёнида кўплаб ёшларга устозлик қилди ва уларнинг хурматини қозонди. Мана шундай олижаноб ишлар қилган домланинг хотирасини ёритиш учун Жиззах давлат педагогика институти мутасаддилари, Республика ва маҳаллий газета тахририятлари, оммавий ахборот воситалари ўз ёрдамларини аяшмади. Жумладан, “Жамият” газетасининг 2017 йил 1 декабрь сонида устоз Абдулаҳад Келдиёровичнинг ўғитга айланган сўзлари нашр этилди.

2017 йил декабрда домланинг хотираси учун Жиззах вилояти Бахмал тумани “Барлос” ҚФЙ томонидан чиқарилган йиғилиш қарори билан домла барпо этган футбол майдонига унинг номини бериш тўғрисидаги фуқароларнинг таклифлари маъқулланди.

2018 йил 27-29 апрель кунлари Жиззах давлат педагогика институтида 9 май – “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан А.К.Сувонқуловнинг хотирасига бағишлаб шахмат бўйича ўтказилган мусобақада қатнашчилар қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Бу воқеа ЖДПИнинг “Зиё чашмаси” газетасида ёритилди.

Замондошларининг фикрича, А.К.Сувонқулов характери бир сўз билан ифодалаб бўлмайдиган шахс. У кишида яхши ном, сўнмас хотира қолдириш учун барча эзгу хусусиятлар мужассам: ажойиб турмуш ўртоқ, намунали ва ҳақиқий устоз, чин дўст, ватанпарвар ва иймонли зот, ғурурли ва иродаси мустаҳкам шахс, ғамхўр, садоқатли ва суюкли ота, китобсевар ва спортсевар киши, қатъиятли ва истеъдодли олим, виждони пок, камтарин, содда ва самимий инсон, ижодкор ва талабчан методист, масъулиятли ва жонкуяр ўқитувчи, илмпарвар ва моҳир педагог.

Доцент Абдулаҳад Сувонқулов ҳақидаги ушбу китобни тайёрлаш, хотира тарзидаги мақолаларни ёзиш ва нашр этилишини кўплаб професссор-ўқитувчилар, устознинг дўстлари, синфдошлари, курсдошлари, шогирдлари, қариндошлари кўллаб-қувватлашди. Бунинг учун барча мутасадди ҳамда ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Ш.С.Шарипов,
ЖДПИ ректори,
педагогика фанлари
доктори, профессор.**

ДОМЛА А.К.СУВОНҚУЛОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Абдулаҳад Сувонқулов 1957 йил 18 сентябрь куни Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида хизматчи оила-сида дунёга келган. Дастлаб Булунғур туманидаги А.Фадеев номли 20-сонли ва А.С.Пушкин номли 60-мактабда ўқиди. Ўрта таълимни Бахмал туманидаги Алишер Навоий номли 32-мактабда намунали хулқ билан тамомлаган.

Отаси – Сувонқулов Келдиёр (1930-1999) кўп йиллар Бахмал тумани Тонготар жамоа хўжалигида шафёр бўлиб ишлаган.

Онаси – Сувонқулова Сора (1936-2003) уй бекаси бўлган.

Оилада домла биринчи фарзанд бўлиб, иккита укаси, ол-тита синглиси бўлган. Укалари Маҳмуд ва Шуҳрат қурувчи ва тадбиркор. Сингиллари Шаҳрибону, Меҳринисо – оилавий тад-биркор, Сайёра – уй бекаси ва оила ҳамшираси, Раъно эса ўқитувчи. Сингиллари – Муҳаббат (1968-1988) ва Барно (1977-2011) бевақт вафот этган.

Турмуш ўртоғи Ҳанифа Саримсоқова 1987-1992 йилларда ЖДПИ “Педагогика ва бошланғич таълим методикаси” йўна-лишида сиртдан таҳсил олади. У Бахмал тумани Барлос қиш-лоғидаги 32-мактабда, Жиззах шаҳридаги 19-мактабда бош-ланғич синфларга дарс бериб, келажак авлодни намунали тар-биялашга улкан ҳисса қўшган. Ҳозирги кунда 32-мактабда жа-моатчи фаол аъзоси ҳамда набиралар тарбияси билан машғул.

Домланинг 6 нафар фарзанди бор. Катта фарзанди Шерзод Сувонқулов 1981 йил 16 июнда туғилган. У Жиззах политех-ника институтини 1998-2002 йилларда таҳсил олиб, ҳозирги кунда ички ишлар органларида хизмат қилади. Бир нечта фахрий ёрлиқ билан мукофотланган ва 2018 йилда майор ун-вонини олди.

2014 йилда ҳам Шерзод юрт тинчлигини таъминлашдаги фидокорона хизмати ва жиноятчиликка қарши курашишидаги юксак касб-маҳорати учун шаҳар ички ишлар бўлими томони-дан тақдирланган.

Шерзод шахмат бўйича турли мусобақаларда қатнашиб ке-лади. Жумладан, у 2018, 2019 йилларда Жиззах шаҳрида ўтка-

зилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўрта-сидаги ўтказилган мусобақада фахрли 2-ўринни, 2020 йилда 1-ўринни эгаллаган. Унинг икки нафар фарзанди бор: Азизбек ва Одина.

1982 йил 6 сентябрь куни домланинг иккинчи фарзанди Жамшид дунёга келган. Оиладаги яхши тарбия туфайли босиқ, билимли, интилувчан, садоқатли инсон бўлиб вояга етган. 2006 йилда СамДУ юридик факультети бакалавриати, 2009 йилда ЎзМУ юридик факультети магистратураси, 2012 йилда эса аспирантурасини тамомлаган. Айни пайтда ота касби – ўқитувчиликни давом эттириб, докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Шунингдек, у Адлия вазирининг 2019 йил 5 февралдаги буйруғи билан юридик хизмат соҳасидаги фаолияти учун “3-даражали юрист” махсус унвони билан тақдирланган. Жамшиднинг уч фарзанди бор: Рухсора, Элбек ва Ақобир.

1984 йил 25 майда домланинг учинчи фарзанди – Жаҳонгир туғилган. Жаҳонгир илмий, ташкилотчилик ва тадбиркорлик қобилиятига эга. У ЖДПИ Тарих факультетини 2007 йилда тамомлаган ва ҳозирги кунда Бахмал туманидаги 32-мактабда тарих фани ўқитувчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Жаҳонгирнинг учта фарзанди бор: Фарангиз, Абир ва Сарвиноз.

Тўртинчи фарзанди Малика чақалоқлигида касалликка чалиниб вафот этган.

Бешинчи фарзанди Дурдона 1989 йил 13 июнда дунёга келди. Унинг ҳам ўқишга интилиши кучли бўлиб, ЖДПИ Хорижий тиллар факультетини тамомлаб, ҳозирда Шароф Рашидов туманидаги 25-мактабда инглиз тили фани ўқитувчиси ҳамда яхши бир оиланинг бекаси. Дурдона, Хушнудбек ва Севинч исмли болаларини тарбияламоқда.

Олтинчи фарзанди Соҳиба 1990 йил 29 декабрда туғилган. У ҳам опаси сингари ЖДПИ инглиз тили бўйича мутахассисликни эгаллаб, ҳозирги кунда Шароф Рашидов туманидаги 22-мактабда инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. Соҳиба ҳам яхши бир оиланинг бекаси. Асадбек исмли ўғли бор.

Устоз фарзандларининг билим олиши, ўқишга кириши, ҳаётда ўз ўринларини эгаллашлари учун барча шароитларни яратиб берди ва доимо қўллаб-қувватлади.

Домла 1973-1975 йилларда Жиззах вилояти, Бахмал тумани “Рассвет” совхози ишчиси бўлиб ишлаган. 1975-1979 йилларда Жиззах давлат педагогика институтини математика йўналишини имтиёзли диплом билан тугатиб, математика ўқитувчиси квалификациясини олган.

1979-1980 йилларда Бахмал туманидаги 32-мактабда математика ўқитувчиси сифатида ёш авлодга математика фанидан таълим берган. 1984-1990 йилларда Жиззах давлат педагогика институти “Педагогика ва бошланғич таълим услуги” кафедраси ўқитувчиси сифатида талабаларга бошланғич синфларда математика ўқитиш услубиятини ўргатган.

У 1990-1993 йилларда Россия Федерациясининг Россия педагогика фанлари академияси аспиранти бўлди ва Монахов Вадим Макариевич раҳбарлигида “V-VI синф математика дарсларида иқтисодий таълим-тарбия бериш хусусиятлари” мавзусида тадқиқот ишини бажарди. Мазкур тадқиқот иши асосида 1995 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан Тошкент давлат педагогика институтидаги ихтисослаштирилган кенгаш тавсиясига кўра, А.Сувонкуловга педагогика фанлари номзоди илмий даражаси берилди.

1993-1999 йилларда Жиззах давлат педагогика институти “Бошланғич таълим услуги” кафедраси катта ўқитувчиси, 1999-2005 йилларда эса Жиззах давлат педагогика институти “Бошланғич таълим услугиёти” кафедраси мудир лавозимида ишлади.

2002 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан Жиззах давлат педагогика институти илмий кенгаши тавсиясига кўра, А.Сувонкуловга доцент илмий унвони берилган.

Домла кейинги йиллар давомида педагогика фанлари доктори, профессор Жўра Икромов раҳбарлигида “Бошланғич синф математикасини такомиллаштиришда ўқув-методик мажмуаларини яратишнинг илмий педагогик асослари” мав-

зусида докторлик диссертацияси устида илмий изланишларни олиб бораётган эди.

А.Сувонкулов 2005 йил 26 августдан Жиззах давлат педагогика институтининг “Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти лавозимида самарали меҳнат қилган. 2005-2015 йилларда Жиззах вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти, 2005 йилдан то умрининг охиригача Жиззах давлат педагогика институтининг “Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти бўлиб самарали фаолият олиб борди.

I боб. УСТОЗЛАР ВА ҲАМКАСБЛАР ХОТИРАЛАРИ

*Ғофуржон Муҳамедов, кимё фанлари доктори, профессор,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби*

ОРИЯТЛИ, ОҚИБАТЛИ, ТЎҒРИСЎЗ ВА КАМТАРИН ДОМЛА

Мен Жиззах давлат педагогика институтида қарийб 8 йил давомида ректор бўлиб ишлаган даврларимда педагогика фанлари номзоди, доцент Абдулаҳад Сувонкулов билан бир жамоада меҳнат қилганман. Ушбу инсоннинг тўғрисиўзлиги, қатъийлиги, камтаринлиги, ҳалоллиги, оқибатлилиги, ишчанлиги ҳар қандай ишни кўзини биладиган раҳбарнинг эътиборини тортмай иложи йўқ эди. Мана шундай олижаноб хислатлари бўлган инсон – Абдулаҳад домла 1999 йилда Жиззах давлат педагогика институти Бошланғич таълим услубиёти кафедраси мудир лавозимига тайинланди. Бу тайинлов ўз самарасини берди. Кафедрада илмий, ижодий муҳит янада жонланди, таълим сифати юқори босқичга кўтарилди. Бу эса институтнинг илмий салоҳиятига ҳам катта ҳисса қўшди. У киши нафақат илмий соҳада, балки спорт соҳасида ҳам қобилиятли киши эди. Домла ҳам илмни, ҳам спортни бирдай олиб борарди. Вақтни қадрларди, ундан унумли фойдаланарди. Кейинчалик, мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига, ундан кейин Ўзбекистон Миллий университетига раҳбарлик қилдим. Аҳад домла нафақат менга, балки барча инсонларга бир хил муносабатда бўларди, у кишидаги оддийлик ва самимийлик менга ёқарди ва шунинг учун ўзимга яқин олардим. Домладаги бу хислатларни унинг фарзандларида ҳам кўрдим. У кишининг ўғли юрист Жамшид Сувонкулов ҳам маълум муддат мен билан бирга Миллий университетда фаолият олиб борган. Муҳими, Жамшид ҳам отаси изидан кетаётганлиги мени қувонтирди. Унга аспирантура даврида юридик фанлари номзоди, доцент Равшан Икромов илмий раҳбарлик қилди.

Абдулаҳад домлага институтда ҳар йили ўтказиладиган спорт мусобақаларида, хусусан, шахмат ўйинларида доимо биринчи ўринни олиб келгани ҳамон эсимда. Ўшанда у кишига эришган ютуқлари учун фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари бериб келганмиз. Аҳаджон укамиз мана шундай эътирофга ва эътиборга лойиқ инсон эди. Менимча, бундан ортиқ бахт бўл-маса керак. Ҳа, домла доимо нафақат раҳбариятнинг, балки, та-лабаларнинг, устоз ўқитувчиларнинг, шогирдларининг ва бошқа яқинларининг эътиборида ва эъзозида бўлди.

А.Сувонқулов ҳамиша институт раҳбарияти томонидан бе-рилган топшириқларни ўз вақтида аъло даражада бажарарди ва уддалай оларди. У олим сифатида ҳам, одам сифатида ҳам, раҳбар сифатида ҳам ўзини бошқаларга намуна қилиб кўрсата олди ва ўрнак бўла олди. Домла кафедра мудири, факультет бош методисти, илмий-услубий ва ўқув-услубий семинар раиси, факультет спорт кенгаши раиси сифатида ҳам жонқуяр-лик билан фаолият олиб борди.

Унинг яна бир самимий одатларидан бири шу эдики – ўз яқинларигагина эмас, балки касбдошлари, жамоадошларига ҳам доим эътиборли эди. Институт жамоасидан жуда кўпчилик соғлиги билан боғлиқ муаммога дуч келса, табобатдан анча-мунча хабардор Абдулаҳад домла нафақат уларга далда бўлар-ди, балки уларга доривор гиёҳлар, аччиқбодом ёғлари келти-риб берганининг бир неча бор гувоҳи бўлганман.

Абдулаҳад меҳнат фаолиятида раҳбарият ишончини тўла оқлаган эди, институт байроғини доим юқорига кўтарарди деб айтсам, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Мен мана шундай инсон билан бирга ишлаганимдан фахрланаман ва ғурурланаман. Домланинг бевақт вафот этгани барчамизни қайғуга солди, унинг оила аъзоларига яна бир марта сабр-тоқат ва матонат, самарали ва сермазмун умр тилайман.

Домланинг хотирасини абадийлаштириш учун фарзанд-лари ва яқинлари томонидан қилинаётган мана шундай хайр-ли иш учун улардан миннатдормиз. Ва, бу барчамизни эзгу му-лоҳазага чорлайди. Абдулаҳад домланинг хотирасига чуқур ҳурмат билдирамиз.

*Тоир Қулмуродов, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби,
педагогика фанлари номзоди, доцент*

ИСТЕЪДОДЛИ ШОГИРД

Шогирдим Абдулаҳад жуда меҳнаткаш, илмга чанқоқ, интилувчан, ўз олдига қўйган мақсадларига эриша оладиган ва бунга кучи ва билими, ақл идроки етадиган инсон эди.

Абдулаҳад 1990-1993 йилларда Россия Федерациясининг Россия педагогика фанлари академияси аспирантурасида ўқиди. Албатта, унинг Москвада ўқишига, оила аъзолари, онаси, турмуш ўртоғи Ҳанифа қўллаган, фарзандлари билан Ўзбекистонда қолишга рози бўлган. Бу эса ёш олимнинг илмий салоҳиятини оширишга жуда катта куч эди. Буни ҳозирги кўпгина ёш оилалар тушунмайди.

У ерда педагогика фанлари доктори, профессор Монахов Вадим Макариевич раҳбарлигида “V-VI синф математика дарсларида иқтисодий таълим-тарбия бериш хусусиятлари” мавзусида илмий тадқиқот ишларини тайёрлаган эди.

Ўшанда, мен Россия Фанлар академиясининг кутубхонасида ишлар эдим. У тинмай китоб билан машғул бўлар, кутубхонада кўпроқ ишлар, илмий ишини вақтида ниҳоясига етказган эди.

Бироқ, ўша пайтда Россияда тегишли илмий кенгашлар фаолияти тўхтатилгач, мазкур илмий ишни Ўзбекистонда ниҳоясига етказиш ва ҳимоя қилишга тўғри келади.

Ўзбек халқи “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, дейди. Бу мақолнинг ҳикмати шуки, игна билан қудуқ кавласанг, бир жойдан тешиб чиқасан, бинобарин, илм ҳам игна билан қудуқ кавлашдек гап. Бу йўлда Абдулаҳад жуда яхши ўтди, илмнинг гўзал қирраларини сабот ва матонат билан эгаллади, кўплаб мақолалар, қўлланмалар, рисоалар, монографиялар, услубий кўрсатмалар чоп эттирди, ўз ишининг устасига, кучли ирода эгасига айланганлигини кўрсатди. Абдулаҳад одамлар ҳавас қиладиган намунали оиланинг бошлиғи – ота, ўқитувчи-педагог, математик олим, шогирд ва устоз, спорт устаси, тўғрисуз ва ҳалол, камтарин инсон бўлди. У барча масалаларни

оқиллик билан ҳал этарди. Абдулаҳад ҳақида қанча кўп гапирсак, шунча оз. Унинг вафоти, бир эзгулик нурини сочиб турган чироқнинг сўниши каби барча эзгу қалбларни ларзага келтирди. Мен бу шум хабарни эшитиб, анча вақтгача ўзимга келаолмай юрдим. Бу мен учун ҳам, бошқалар учун ҳам жуда катта йўқотиш бўлди. Фарзандлари отасининг қилган ишларидан, қолдирган эзгу меросидан фахрланиб юришади ва отасининг эзгу ишларини давом эттиришмоқда. Бу жуда катта ғурур ва ифтихор. Абдулаҳад илм-фан ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг яратган илмий мероси Ватанимиз равнақи йўлида ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди. Бунинг учун ҳар қанча фахрлансак ва ғурурлансак арзийди. Унинг хотираси қалбимизда мангу қолади.

*Йўлдош Жўраев, ЎзМУ профессори,
юридик фанлари доктори*

МОСКВА ИЛМ ЎЧОҚЛАРИДА ТОБЛАНГАН ОЛИМ

Менинг Абдулаҳад билан танишиш, дўстлашиш ва мулоқот қилиш давронларим болалик, аниқроғи талабалик йилларидан бошланган. Йўқ, мен у инсон билан бирга талабалик гаштини сурмаганман. Гарчи, қариндош бўлсак ҳам бир манзилда яшамаганмиз.

Абдулаҳад Жиззах давлат педагогика институтининг 4-курсда талаба бўлиб юрганларида синфдоши Тоҳир Ибрагимов билан биргаликда 4 жомодон тоғ лоласи кўтариб менинг талабалик ётоқхонамга – Тошкентга келишган. Танишувимизга ана шу “лола бизнеси” сабаб бўлган. Ўшанда менинг хаёлимга келган биринчи фикр – узоқ қишлоқда яшаб, шаҳар олийгоҳида ўқишдек улуғ мартабага ҳар ким ҳам сазовор бўлаолмайди, демак бу йигитда айримларга қараганда қандайдир сифатлар мавжуд, бу тенгдошим замонамизнинг илғор ёшларидан бири, деган фикр эди.

Бежизга Абдулаҳад тўғрисида шундай хулоса қилмаган эканман: Жиззах давлат педагогика институтида ишга қол-

дирилиши уларнинг нафақат илғор талаба, балки узоқ илм чўққиларини кўзлаган, азму-қарори қатъий педагог-олим бўлишдек мартабага интилганлигининг далолатидир. Улардаги ҳаракатчанлик, тиришқоқлик, доимо илғорликка интилиш, албатта, беҳуда кетмаган. Ёш педагог-олимга тегишли салоҳиётга эришгани учун Институт раҳбарияти ҳақли равишда уларни Москвага аспирантурага жўнатган.

Мен Москвада аспирантурада ўқиган чоғларимда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг “Рязанский проспект” метро станцияси яқинидаги ётоқхонасининг 15-қават 23-хонасида яшаганман. Орадан 5 йилдан сўнг Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов шахсий ташаббуси билан 100 та бошқа докторантлар билан бир қаторда яна Москвага докторантурага қайтиб бордим. Яна ўша ётоқхонага жойлашдим. Ётоқхонага жойлашиб олганимдан сўнг илгариги яшаган хонамни зиёрат қилиш мақсадида 15/23-хонага чиқдим. Эшикни тақиллатдим. Қайси кўз билан қарайки, мен яшаган хона эшигини дўстим Абдулаҳад очди. Мен унинг Москвадаги ётоқхонада яшаётганини билар эдим, лекин айнан илгарилари мен яшаган хонада яшашини билмасдим. Ҳаёт йўлларимиз Москвада туташгани тақдирнинг туҳфаси эди. Шушу Абдулаҳад ва унинг жиззахлик ҳамкасблари билан биргаликда кўплаб ҳамтовоқ ва ҳамсуҳбат бўлганмиз.

Ўтган аср 90-йилларнинг бошларида Москвадаги ҳаёт ҳавас қиладиган даражада эмас эди. Россия давлат раҳбарлари бозор иқтисодиётига дарҳол ўтиш сиёсатини амалга ошира бориб нарх-навони эркинлаштирган, давлат мулкани ялпи хусусийлаштириш авж олган, давлатнинг иқтисодиётни бошқариши жуда сусайиб кетган ва натижада, жинойтчилик ҳамда ижтимоий-иқтисодий танглик ўта кучайган давр эди. Эсимда, 1993-йили 4-ноябрда Р.И.Хасбулатов бошлиқ Россия Федерацияси қонун чиқарувчи органи (Давлат Думаси) нинг ҳокимиятни қўлга олиш бўйича уринишлари туфайли юз берган ғалаёнларда ётоқхонани ҳарбийлар бронетехника билан ўраб олган ва биз – аспирантлар-у изланувчилар қамалиб қолганмиз. Ўшанда, ҳарбийлар ётоқхонага қараб автомат ўқталиб

турса-да, Абдулаҳад домла: “Ташқарига чиқиб футбол ўйнаймиз”, – деб ҳаммани руҳлантирган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, у кишининг қизиқиш магнитудаси (математик бўлганлари учун шу сўзни ишлатдим) айримларга қараганда анча узун эди. Авваламбор, жуда ҳаракатчан бўлганлари учун спортга, айниқса, футболга қизиққан. Футбол деса, “қип-қизил ўрис” бўлиб қолар эди. Шахматдан ном чиқарган уста бўлганлари учун унинг орқасидан ҳамкасблари “қувиб” юрган. Уларга деярли ҳеч ким тенг келаолмасди. Биргина форишлик Ўткир “хохол” (Украинада талаба бўлгани учун украинча сўзларни кўп ишлатар эди) ғирромлик ва зўрлик (“тентаклик”) қилиб аҳёнда ютиши мумкин эди.

Иқтисодий танглик сабаб Москвада кун кечириш қийин бўлиб қолганидан аксарият аспирант, изланувчи ва докторантлар ё Ўзбекистонга қайтиб кетишган ёки ўша ёқларда қолиб тирикчилик қилиб кетишган эди. Ётоқхона хувиллаб қолган. Қадрсизланиши туфайли пул етишмаган. Шаҳар магазинлари бўм-бўш. Озиқ-овқат магазинларида айрим маҳсулотлар сотилиб қолса, тумонат одам йиғилиб, навбатнинг келиши амри маҳол эди. Шундай дамларда Абдулаҳаднинг эпчиллиги, уддабуронлиги ва ўзгаларни ўзига ром қила олиши иш берар эди. Ур-йиқит бўлиб турган магазиндан албатта бирор нарса кўтариб чиқар эди.

Мақтаб ва институтни ўзбек тилида тамомлаган ва ўзлари ҳам асл ўзбек бўлганлари учун (айримлар “миллати барлос”, деб ҳам аташган) Москвада рус тилини ўрганишга алоҳида эътибор берган. Шу ишга уларнинг кўп вақти ва кучи кетар эди. Тил ўрганишга шунчалик берилиб кетган эдики, гоҳида “ошириб” юборган вақтлари ҳам бўлган. Бир куни улар мендан бурун яшаган хоналаридан “кўч” ини ташишиб юборишимни илтимос қилдилар. Мен уларга “фалон вақт ишдан келаман, ўшанда ёрдам беришим мумкин”, – деб ваъда бердим. Келишдик. Бироқ, мен ваъда вақтига етиб келаолмадим. Келсам, улар нарсаларини деярли ташиб бўлган, лекин роса қийналганлиги ва ғазабланганлиги билиниб турарди. Мени кўриши билан койиндилар, “ваъдабозсан”, дедилар. Сўнгра бир русча гапни

айтдилар: “бекорга айтмас эканда “скупой платить дважды”, дедилар. Мен ҳайрон бўлиб: “Абдуалҳад, қизғанчиқликнинг бу ишга нима алоқаси бор”, дедим. Улар эса: “Мен Сизни қизғанчиқ демадим, ваъдабоз, деб айтдим, дедилар.” Мен уларга “скупой” сўзининг маъносини тушунтирсам, кулиб юбордилар. Ҳазил-мутоиба жойига тушди.

Илмий мавзулари, янглишмасам, математика фани ютуқларидан иқтисодий муносабатлар қонуниятларини моделлаштириш ёки истиқболни белгилашда фойдаланишга тааллуқли эди. Мавзу жуда оғир бўлиб, уни тадқиқ қилишда мавҳум ёки боши-оёғи йўқ муаммолари жуда кўп эди. Мен уларга: “Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлса, аллақачон бу мавзудан воз кечар эди,” – дердим. Улар менга: “шу ишга сарфлаган шунча меҳнатим ва умрим нима бўлади,” – деб айтар эдилар. Уларда қатъийлик ва сабр-тоқат жуда кучли эди. Кўп гапларни, ҳаёт “зарбалари”ни вазминлик билан ичига ютарди.

У киши Москвада “илм кўчасига кириб” москвалик устози ва бошқа олимлар билан ишончли муносабатлар ўргатганлар. Улар билан тенгма-тенг мулоқот қилиш даражасига ўсиб чиққанлар. Куни билан институтда бўлар эдилар-да, кечқурун ётоқхонага келганларида устозлари ва ҳамкасблари билан телефонда мулоқот давом этар эди. (Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Москвадаги ўша ётоқхонасида бошқа айни шундай ётоқхоналарга қараганда уй телефони бор эди. Бошқаларнинг ҳаваси келарди.) Мен уларга: “Ишдан сўнг ётоққа келиб дам олиш керак, Сиз бўлсангиз мияга дам бермайсиз,” – десам, улар менга: “Биз математикларнинг ҳисоб-китоб қилишимизда кундуз-кеча, деган гап йўқ, у охирига етмагунча иш тўхтамайди”, – дердилар.

Абдулаҳад домла математика фанини жуда севган, математик деган номга ҳар доим содиқ бўлиб, ўзлари ҳам ҳаётда ҳақиқий математикларга хос хусусиятларга эга бўлганлар. Улар математика фанини улуғлаш учун ҳар нарса қилишга тайёр эди. Улар: “Математиклар тайинли одамлар, улар математика сингари аниқ, ҳисоб-китоблари бор одамлар, Сизга ўхшаган юристлар ўзгарувчансизлар, қонунлар ўзгарса сизларнинг гапларингиз ҳам ўзгариб кетаверади”, деб математиклар

мартабасини юқорига кўтарарди. Жуда кўп тортишувлар бўларди. Мен уларга бўш келмас эдим: “Ҳаёт ҳисоб-китоблардан эмас, қонун-қоидаларни бажаришдан иборат, инсон тафаккурининг замирида ҳаракат ётади, у қонун-қоидаларсиз натижа бермайди, жуда қадимдаёқ донолар адолат, қонун, тартиб-интизом тўғрисида гапирганлар, математиклар қонун бор жойда бемалол ижод қила олганлар, қонун – бу яшаш ва ишлаш кафолатидир”, – деб ўзимнинг касбимни улуғлашга уринардим. Ўшанда балки бекорга тортишиб, юристлик касбини мақтаган эканман. Абдулаҳад: “Юристлик шунчалик зўр бўлса, мен фарзандларимни ҳуқуқшунос қиламан”, – деб қарор қилган шекилли, мана иккинчи фарзанди Жамшид ҳуқуқшунос бўлиб етишиб чиқиб, ота касбини танлаб Жиззахдаги улуғ дорулфунунда талабаларга ҳуқуқшунослик фанларидан дарс бериб келмоқда. Ота изидан бориб, менинг илмий раҳбарлигимда долзарб мавзуда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Москвада ўқиш ва илмий тадқиқотлар қилиш учун бежизга борилмас эди. Собиқ Иттифоқ давлати Москва шахрини илмфан ва таълим марказига айлантириб, уларда дунёга танилган олимлар ва домлалар фаолият юритишар эди. Кўплаб илмий мактаблар Москва шахрида барпо этилган бўлиб, уларда ўқиш, илмий тадқиқотларда иштирок этиш нафақат катта шараф, балки алоҳида куч, салоҳиёт, масъулият ва фидойиликни талаб этарди. Албатта, бундай шараф ва хусусиятлар ҳар кимга ҳам насиб этавермасди. Тўғри, Москвага илмий “ўринга” бориб 3-4 йил ўйин-кулги қилиб, ҳеч қандай илмий иш қилмасдан келганлар ҳам бўлган. Абдулаҳад Москвадаги имкониятлардан тўғри фойдаланган. Улар ўзлари ўқиган институтнинг кўпчилик алломалари билан мулоқот қилишга ва улардан керакли билимни олишга муваффақ бўлганлар.

Абдулаҳад домла билан Москвадаги ўқиш ва яшаш даврларидан кейин Тошкентда, Жиззахда ва Бахмал туманида бир неча бор мулоқот қилишга сазовор бўлганман. Улар Жиззах давлат педагогика институтида обрўли, фаол катта домла бўлиб, ҳамкасбларининг айтишича, талабаларга нисбатан қаттиққўл ҳамда шу билан бирга меҳрибон, ишда принципиал ва жонкуяр бўлганлар.

Афсуски, Аллоҳнинг иродаси экан мудҳиш ўлим уларни орамиздан эрта олиб кетди. Аллоҳ раҳмат қилсин. Улардан сўнг барчага ибрат бўладиган ишлар, келажак авлодлар фойдаланадиган ва фахрланадиган илмий мерос, қобил ва ҳавас қиладиган, ота номини доимо улуғлаб, ундан фахрланиб юрадиган фарзандлар қолди. Шу фарзандларга Абдулаҳад отанинг мартабасидан ҳам улуғ мартаба насиб этсин. Унинг номини хотирлаш ва улуғлашдек мана шундай ишларни доимо амалга оширишда ҳеч қачон чарчамасинлар.


Холбўта Тўрақулов, техника фанлари доктори, халқ таълими аълочиси, Халқаро педагогик таълим ва "Турон" фанлари академиялари академиги, А. Г. Небольсин номидаги халқаро мукофот лауреати, ЖДПИ профессори

КАСБГА ФИДОЙИЛИКДА ИБРАТЛИ УСТОЗ

Маълумки, ибрат-намуна – бу ҳаёт дорилфунунидир. Бу аксиома, яъни исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Шу сабабли ҳам биз фарзандларимиз ва шогирдларимиз тарбиясида ибратли инсонларни намуна қилиб кўрсатиб, ўша йўналиш бўйича олиб бориладиган тарбияни самарали равишда амалга оширамиз ва бу тарбияда таъсирчан воситалар, деб юритилади. Шунингдек, ибрат-намунанинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, маълум ва машҳур кишилар ҳаёт фаолияти орқали келажак авлодни эзгулик сари, ва айниқса, “*Эзгу ўй → эзгу сўз → эзгу амал*” тизимига ихлос ва эътиқод руҳида тарбиялаш самарали кечади.

Тайёрланаётган мазкур мақола ҳам ана шундай устозлардан бири педагогика фанлари номзоди, бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти, жонкуяр ва фидойи мураббий Сувонкулов Абдуаҳад Келдиёрович тўғрисидадир.

А.К.Сувонкулов ҳақиқий маънода, яъни инсонийликнинг барча жабҳалари бўйича ибрат-намуна бўла олган инсон эди. Бу фикрга қатор асосларим бор. Бунга сабаб мен Абдуаҳадни 1976 йил, яъни Жиззах давлат педагогика институтини мате-



матика факультетининг иккинчи курсида таҳсил олаётган пайтидан бошлаб танийман ва уларга ўша йили “Алгебра ва сонлар назарияси” фанидан дарс машғулотларини олиб борганман.

Табиийки, таълим жараёнида таълим олувчиларнинг фаоллари ва айрим ҳолларда қолоқлари тез кўзга ташланади.

А.К.Сувонқулов эса бундай ҳолатда фаол таълим олувчилар сифатида кўзга ташланди. Бунга қуйидагилар далил бўла олади: биринчидан, у илмга чанқоқ эди, яъни илм сирларини эгаллашга доимо ҳаракатда бўлар эди, иккинчидан, жамоат ишларида фидойи бўлган, топшириқларни бажаришда юзакичиликка йўл қўймас эди, учинчидан, курсдош (гуруҳдош) – ўртоқлари орасида алоҳида (қайд қилса арзийдиган) ўринга эга эди, тўртинчидан, доимо устозларига ҳурматда бўла олган, уларга ўхшашга ҳаракат қилиб, уларга ихлос қилиб бориши негизида профессор-ўқитувчиларнинг севимли талабалари қаторидан жой олган эди, бешинчидан, фан олимпиадаларининг фаол иштирокчиси эди, олтинчидан, факультет биносида ўрнатилган “Билимингизни синаб кўриб” номли стенд фаолиятини оптималлаштиришда асосий ташкилотчи ва иштирокчи эди, еттинчидан, спорт тўғараklarининг (айниқса, шахмат ва футбол бўйича) жонкуяр ташкилотчиси ва иштирокчиси бўлган, саккизинчидан, мулоқотда маданиятли бўлган, у ўз фикрини мустақил ва эркин баён қила олар эди ва энг асосийси, ўз фикрини танқидий жиҳатдан асослаб бера олар эди, тўккизинчидан, у бировларга ёрдам бериб, бу ишидан ўша одамдан ҳам кўпроқ қувона олар эди, ўнинчидан, унда талабалик давридаёқ ижодкорлик яққол сезилиб турарди ва шу каби хислат ва фазилатларни янада давом эттириш мумкин.

Ундаги ижодкорликка бўлган иштиёқ унинг илмий-педагогик мутахассис бўлишига дастлабки пойдевор эди. Биз профессор Олимжон Жўраев билан маслаҳатлашиб унга иқтисодий кибернетика билан шуғулланишни маслаҳат бердик ва шу йўналиш бўйича ижодий ишларни бошлади. Бу жойда ҳам юқорида келтирилган далиллар ўз кучини кўрсатди. У иқтисодий кибернетикада бошлаган ишларини таълим олувчиларга иқтисодий тарбия бериш муаммоси билан уйғунлаштирди

ва ушбу соҳа бўйича олимлик (педагогика фанлари номзоди илмий даражасини) даражасига эга бўлди. Шунинг билан унинг ҳаётида илмий ижодда юксак парвозлар бирин-кетин амалга ошаверди. У республикамиз миқёсида бошланғич таълим йўналиши бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаол иштирокчисига айланди ва ушбу соҳада чоп этиладиган ўқув адабиётлари муаллифлари ундан маслаҳат сўрайдиган бўлди. Бунга сабаб у ўз ижодий фаолият соҳасидаги ҳар бир ҳаракатни (босқични) мукамал ўрганиб, таҳлил қилиб кейин хулоса билдирар эди.

1997 йилдан бошлаб А.К.Сувонқулов билан яна бирга ишлашга тўғри келди ва бу ердаги ишлаш фаолиятимда уни янада яхшироқ кашф этдим, десам хато бўлмайди. Унинг қуйидаги йўналишларда менга, ва албатта, факультетдаги таълим-тарбия жараёнига катта фойдаси теккан.

1. Сувонқулов А.К. – кафедра мудири сифатида факультет таълим-тарбия жараёнини мукамал қилиб олиб боришда фаол иштирокчи бўлди. Унинг кафедраси бошланғич таълим услубияти ва спорт тарбиявий иши йўналиши бўйича етакчи кафедра эди.

2. Сувонқулов А.К. – факультет илмий-методик кенгаши раиси сифатида профессор-ўқитувчиларнинг барча иш-касбий фаолиятига боғлиқ хужжатларининг мазмунан мукамал бўлишида фидойилик кўрсатар эди.

3. Сувонқулов А.К. – битирув малакавий ишларни дастлабки экспертизадан ўтказишга мутасадди сифатида битирувчилар тадқиқот ишларининг тайёр бўлганлигини уларнинг иштирокида эринмасдан ўрганиб чиқар эди.

4. Сувонқулов А.К. – очиқ дарсларни ташкил этиш ва муҳокамасида намунали ишларни олиб бора олди. Унинг ушбу соҳадаги фаолияти бошқа факультетларда ҳам оммалаштирилди.

5. Сувонқулов А.К. – институт билан ўрта умумтаълим мактаблари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам фидойилик кўрсатиб, жонбозлик билан ишлади.

Одатда “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, деган фикрлар эл орасида учраб туради. Доцент А.К.Сувонқулов эса

ҳам олим, ҳам одам эди – бу нур устига нур эмасми? У ўз ҳаёти даврида бундай олқишларга сазовор бўлиб бўлган эди. У охириги нафасигача ҳам одам, ҳам олим бўлиб яшади, ўз касбий фаолиятига ва жамоасига, қолаверса, юртига ҳамда элига садоқат билан хизмат қила олди. Айниқса, унинг профессор-ўқитувчилар (уларнинг ёшлари) ва талабалар жамоалари ўрта-сидаги ўрни ва нуфузини тарбиянинг барча йўналишларида ибрат-намуна қилиб кўрсатса бўлади.

Ҳа, Абдуҳад Келдиёрович Сувонқулов чин маънода ибрат-намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган одам, олим, фидойи ва жонкуяр мураббий, оилапарвар ота эди ва у қайд этилган маънавий унвонларга лойиқ инсон бўлган. Унинг охирати обод бўлсин!

*Турдиқул Бобомуратов, Тошкент тиббиёт академияси
проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Турон
фанлар академиясининг академиги*

БИЛСАЛАРДА, БИЛМАСАЛАРДА МАҚТОВЛАРГА МУНОСИБ БЎЛГИН

Абдулаҳад Келдиёрович Сувонқуловни захматкаш инсон, илм фидойиси ва математика фанининг билимдони сифатида нафақат Жиззах давлат педагогика институти, балки Республикамиз олимлар ва педагоглари аҳли, кенг жамоатчилик яхши танир ва эъзозлар эди.

Мен Абдулаҳад акани болалигимдан, мактабда ўқиб юрган давримдан биламан. У киши ўнинчи синфда ўқиган кезларида биз биринчи синф ўқувчиси бўлганмиз. Бунга қарамай катта ёшдаги ўқувчиларга синчковлик билан қарар эдик. Абдулаҳад ака аъло ва яхши ўқиганлиги, дунёқарашини кенг бўлганлиги учун у кишининг расми мактабнинг аълочилар пештахтасига қўйилганди, синфдошлари, мактаб жамоаси олдида аълоҳида ҳурматга эга эди. Очиғини айтсам, шу йили улар билан ўқиган йигит қизларнинг барчаси бошқа йилларда ўқиган ўқувчилардан ажралиб туришган.

Олийгоҳни тамомлагандан кейин Рассвет жамоа хўжалигининг спорт ишларини бошқарди. Ўша йиллари қишлоқ футбол майдонида деярли ҳар ҳафта камида бир марта бошқа жамоа хўжаликлари билан мусобоқалар бўлганда. Абдулаҳад ака ҳам футболчи, ҳам тренер сифатида иштирок этиб барча қишлоқдошларини ўзининг яхши ўйини ва тренерлик маҳорати билан хурсанд қилар эди.

Мактаб ва олийгоҳда олган чуқур билими, дунёқараши кенглигини оддий суҳбат вақтларида ёшларга, суҳбатдошларига, шу жумладан менга берган саволларида намоён бўлар эди. У киши математика фани мутахассиси бўлса-да, тарих, география фанлари бўйича чуқур билимга эга бўлганлиги учун бўлса керак, мен у киши билан жуда кўп марта дискуссия ва вазиятларда бўлганман.

Умрни оқар дарёга қиёслашади. Бу ҳаётда ҳар бир инсон учун лозим бўлган, аммо ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган икки мўътабар неъмат бор. Биринчиси, камтарлик ва меҳнатсеварлик, иккинчиси, халқнинг ишонч ва эъзозига эришиш бахти. У киши шунинг учун ҳам бахтли эдики, Аллоҳ бундай суйган бандасини ана шу икки бахтдан бебахра этмаганди. Абдулаҳад ака чинакам зиёли, хушфеъл, тили билан иши бир, покиза инсон, оиласидаги фойзга, фарзандларию, набираларига, қариндош уруғлари, дўстларига кўрсатган меҳр оқибатга кўпчиликни ҳаваси келарди. Инсонлар билан суҳбатлашиш маданияти, уни ўзига ишонтириш қобилияти, керакли сўзларни топиб, ўз ўрнида ишлатиш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. Энг асосийси, Абдулаҳад ака педагогликда ҳам, ташкилотчиликда ҳам оддий инсоний муносабатларда ҳам ниҳоятда диёнатли, у одамларга яхшилик қилиб завқланарди.

Абдулаҳад Келдиёров илмий-услубий ва касбга тайёрлашнинг ҳамма босқичларидан ўтган ва юксак даражадаги мутахассис ҳисобланади. Олий ўқув даргоҳида 30 йил мобайнида улкан педагогик тажриба тўплаган, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этган. Маълумки, олимлик мезонлари унинг асарлари ва шогирдларининг адади билан ўлчанади. У киши кенг кўламда илмий тадқиқотлар олиб борган сермахсул олим. 1995 йилда йилда номзодлик диссерта-

циясини ҳимоя қилган. Кўплаб илмий ишлари, рисолалар чоп этилган, улар орасида дарслик, ўқув қўлланма, монографиялар ҳам бор. Олим томонидан яратилган бошланғич таълимга оид адабиётлар, ўқитиш услубларидан бошланғич таълим синфлари ўқитувчилари ўқувчиларга, талабаларга узоқ йиллардан буён дарс бериб келмоқда.

Замон билан ҳамнафас яшаш, ёшларни ўз ортидан эргаштириш, уларни улкан кашфиётлар яратишга илҳомлантириш ҳаммага насиб этавермайди. Абдулаҳад Келдиёрович саодатли умрнинг муҳим воситаси ҳисобланган вақтнинг ва бахтнинг қадр-қимматини англаган, юртига ва юртдошларига садоқат билан хизмат қилган саодатманд инсонлардан бири деб биламан.

Ҳалқимизда “То фазлу ҳунарингла безанма инсон, қайси бахт эшиги очилмиш қачон” деган ҳикмат бор. Ҳақиқатдан ҳам мукамал эгалланган касбу-кор инсонни комиллик даражасига кўтара билади. Унинг ҳаёти мазмунига айланадию ана шу мазмун номимизни, шаънимизни белгилайди. Бу машаққатли ҳаёт йўлида эса, чин инсоний фазилатларининг тараннуми ўз ифодасини топади.

Эзгулик нурига йўғрилган йўлни босиб ўтган, юзидан нур аримайдиган, суҳбатдошини ҳар бир сўзини эътибор билан тинглайдиган, дардига малҳам бўлган бундай инсоннинг босиб ўтган ҳаёт йўлидан бугунги ва келгуси авлод ибрат олиши лозим.

Фания Ахмедшина, тарих фанлари доктори, ЖДПИ “Тарих ўқитиш методикаси” кафедраси профессори

ДЎСТЛАР ВА ШОГИРДЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ИНСОН

Дўстлар ва шогирдлар меҳрини қозониш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Унинг замирида ўз соҳасини яхши билиш, меҳнатсеварлик, фидойилик, ташаббускорлик, меҳрибонлик, ўзгаларга, ёру-дўстларига, оқибатлилиқ ётади.

Аҳад (мен уни эркалаб, ўзимга ўғилдай билиб, шундай мурожаат қилганман) дунёдаги энг шарафли ва улуғ касб бўлган ўқитувчилигида катта обрў-эътиборга эга бўлди.

У дўстлар ва шогирдлар меҳрини ҳам, хурматини ҳам қозона олдн. У шарафли меҳнати ва фидойилиги билан элда эъзоз топди, устоз деган улуғ номга лойиқ яшади ва ижод қилди.

Маълумки, таълим олувчига яхши билим бериш учун таълим берувчининг ўзи кенг ва теран билим эгаси бўлиши керак. Абдулаҳад баркамол авлод тарбиясини ўзининг муқаддас бурчи деб билди, талабаларни назарий ва амалий билимлар билан қуроллантиришга жиддий эътибор қаратди. Талабаларга ва институтни тамомлаб, ўқитувчи бўлиб ишлаётган мутахассисларга ёрдам беришга қаратилган методик қўланмалар, услубий кўрсатмалар, ўқув-услубий мажмуалар, методик тавсияномалар яратди. Хусусан, 1989-1992 йилларда Москвада чиққан “Некоторые вопросы современного экономического воспитания школьников на уроках математики”, “Роль задач экономического воспитания учащихся V-VI классов”, “Методические рекомендации для работы математических кружках”, “Особенности применения задач экономического содержания” каби номзодлик иши доирасидаги мақолалари, 1996-1997 йилларда Жиззахда чоп этилган “Бошланғич синф математика дарсларида қизиқарли масалалар ечишнинг таълимий аҳамияти”, “Математик ўйин-таълим методи сифатида”, “Мактабда педагогик амалиёт бўйича ҳужжатлар” каби методик тавсияномалари ва бошқа қатор мақолалари, 2001-2015 йилларда Тошкентда нашр этилган “Мутахассис муаян мақсад билан тайёрланса...”, “Ўқув адабиёти ва талаба”, “Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикасидан амалий машғулотлар”, “Бошланғич синфларда интерактив методлардан фойдаланиш”, “Математика дарсларида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш”, “Уч хонали сонларни ўқиш ва ёзишни ўрганиш”, “Ёшларнинг таълим олишга оид ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари”, “Графикавий кўникмаларни шакллантириш – самарали ўқитиш усули” каби илмий-услубий мақолалари, 2008 йилда Самарқандда чоп қилинган “Ўқувчи-

ларни математикага қизиқтиришда муаммоли таълим ва тест тизимидан фойдаланиш”, 2008 йилда Сирдарёда чоп қилинган “Бошланғич синф ўқувчиларида кўп хонали сонларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш кўникмаларини шакллантириш масалалари”, 2015 йилда Навоийда чоп этилган “Дидактик ўйинлар – таълим самарадорлигини таъминлаш воситаси” каби илмий-услубий мақолалари ва услубий ишланмалари, методик қўлланмалари математика ва уни ўқитишнинг турли усуллари ва воситаларини қўллашга, дарс сифати самарадорлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Абдулаҳад узоқ йиллар Жиззах давлат педагогика институтида ишлаган даврида ишга бўлган чуқур масъулияти, қатъияти, ўзига бўлган талабчанлиги, сабр-қаноати ва тиниб-тинчимаслиги унинг хизмат пиллапояларидан тобора юқорилаб боришига кўмаклашди. У институтда ўқитувчи, доцент, “Бошланғич таълими услуги” кафедраси мудир, декан муовини лавозимларида сидқидилдан фаолият юритди. У инсон раҳбар лавозимларида эмас, оддий ўқитувчи бўлиб доимий ишлашни кўпроқ хоҳлар эди ва шунга эришди.

Математика ўқитувчиси сифатида Абдулаҳад талабаларга чуқур билим бериш, уларга бошланғич синфларда математика ўқитиш, методикасини яхши ўзлаштиришларига кўмаклашиш, дарсларини юқори савияда ўтказиш, янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, ўргатишни ҳамиша бош масала деб, ҳисоблади ва шунга амал қилди. Унинг ўқув-услубий қўлланмалари, тавсиялари ҳозирда фанни чуқур ва мукамал ўзлаштиришларида шогирдларига ва бошланғич синф ўқитувчиларига ёрдам бермоқда.

Мен Абдулаҳад билан танишганимдан буён ўтган вақт давомида у ҳақда фақат илиқ сўзлар эшитганман. Ёш ўқитувчилар ундан маслаҳат сўраб, келгусида уларга керакли йўл-йўриқлар берганининг шоҳиди бўлганман. Иқтидорли талабалар одатда, билимли, қаттиққўл ва ёрдамга тайёр устозларга талпинади. Абдулаҳаднинг атрофида жуда кўп талабаларнинг тўпланиши, ундан нималарнидир сўраб, аниқлашлари мени ҳамиша қувонтирган. Институтда учрашиб қолганимизда анча суҳбат қуриб қолардик ва иккимиз ҳам “окно”га тўғри келгани-

мизни ҳазил-хузул билан “яхши бўлди, кўришдик, суҳбатлашдик”, деб қайд қилардик.

Шу суҳбатлар давомида камтарин инсон Абдулаҳад ўзининг илмий изланишлари ҳақида гапириб берарди. Биз бўлажак ўқитувчиларга турли илғор методларни қўллаш, малака ва кўникмаларини шакллантиришнинг аҳамияти ҳақида жуда кўп бора салмоқли ва сермазмун фикрлар алмашар эдик.

Мен унга доим илмий фаолиятдан тўхтамаслиги кераклигини таъкидлаб турардим ва оила ташвишлари, иш жараёнидаги қийинчиликларга қарамай илмга интилиш керак деб, уқтирардим.

Абдулаҳаднинг ўғли тарих факультетида талаба эди. У мендан “Ўғлимнинг ўзлаштириш даражаси Сизни қониқтирадими? Агар қониқтирмаса, сусткашлик сезсангиз, ўзимга айтинг”, – деб тез-тез тайинлар эди.

У фарзандларининг ўқишларига беътибор бўлмаганлиги учун улар ўқишларини муваффақиятли яқунладилар. Айниқса, фарзандларининг ичида Жамшид илм чўққисига қараб кетаяпти. Уни мен юридик олийгоҳга тарих фанидан ўқишга тайёрлаганман. Уни 1999 йилда тест олиб, (ўшанда, Жамшид 36 та тестдан 34 тасини тўғри ечиб берган эди) репититорлик қилишга розилик билдирганман. Жамшид табиатан ўжар ва инжиқ бўлиб, унинг илмга бўлган шундай хусусияти ҳамда тинимсиз меҳнати, ҳаракати, изланувчанлиги ва тиришқоқлиги уни юридик олийгоҳларга ўқишга етаклади ва яхшигина карьера қилишига, нафақат кучли юристлар қаторида, балки, илм-аҳли қаторида ҳам яхши ном билан танилишига хизмат қилмоқда.

Мен, 2007 йилда Аҳадга ўғли Жамшиднинг илмга чанқоқлиги учун магистратурада ўқишини давом эттиришини истаб, “Жамшидни ўқит деганимда”, у менга “Агар, унинг ўзи хоҳласа, ҳаваси бўлса, илмга қизиқса ўқишига тўсқинлик қилмайман, лекин, ўзида қизиқиш, интилиш бўлмаса, мажбур қилмайман. Мени Москвада аспирантурада ўқишимга шароит яратиб берган ота-онам ҳам шундай деган эдилар” деб, жавоб берган эди.

Жамшид отасининг изидан бориб, суд органларидаги ишини қўйиб, Тошкентда магистратурада ўқиди, илмий иш устида ишлай бошлади. Абдулаҳад бундай жуда рози ва хурсанд бўларди.

Лекин, 2015 йилда унинг бевақт ўлими уни орамиздан жисмонан олиб кетса-да, унинг илмий мероси эса маънан биз билан бирга ва боқийдир.

Унинг йўқлигини жуда сезаман, теран фикрларини тинглагим, эшитгим келади. Уни синаш учун бирон воқеа ҳақида фикрини билишни истаганимда берган жавоби мени қониқтирарди ва унинг одамийлиги, ўзини турли жанжаллардан узоқ тутиши менга ёқарди, унга бўлган чуқур ҳурматим мустаҳкамланарди. Ўзим унинг ҳақида адашмаганимдан жуда мамнун бўлардим.

Аҳадимиз, суюкли олимимиз, ажойиб педагогимиз, ижодкор ўқитувчимиз, бутун институт жамоаси фахрланадиган бу оташин инсон орамизда йўқ! Лекин, унинг азиз хотираси биз билан. Қисқа умри давомида ҳамкасблари, шогирдлари қалбида қоларлик даражада мазмунли яшаган ва ижод этган Абдулаҳад Сувонкуловнинг охирати обод бўлсин!

*Ўтқир Толипов, педагогика фанлари доктори, профессор,
Халқаро педагогик таълим фанлар академиясининг академиги,
халқ маърифати аълочиси*

ОЛИМ ҲАҚИДА ОЛТИН СЎЗ

*Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолғусидир яхши номи-ю иши
Саъдий Шерозий.*

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, чин инсоний хислату фазилатлари билан уй тоқига нур таратаётган чироққа ўхшайди. Унинг ёруғидан барча бирдай баҳраманд. Устоз ҳам шундай – унинг ҳаётий сабоқларидан, кўрган-кечирганларидан, эзгуликка сафарбар этувчи илму амалидан сабоқ оладилар.

Дарҳақиқат, бу дунёда ҳеч ким мангу қололмайди. Фақатгина унинг эзгу амаллари, агар илму-маърифатда фаолият олиб борган бўлса, ажойиб шогирдлари, яратган асарлари ва эзгу ишлари қолади, холос. Ўзидан ўчмас из қолдирган ана шундай инсонлардан бири бу – Абдулаҳад Сувонкулов.

Абдулаҳад Сувонкулов билан мен фаолиятимизни Жиззах давлат педагогика институтида бошлаганмиз. Асосий биргаликдаги фаолиятимиз Москва шаҳрида собиқ Иттифоқ Педагогика фанлари академиясида тадқиқотчилик ва аспирантурада ўқиш даврига тўғри келади.

Аҳаджон билан Москвада Рязань хиёбонида жойлашган Ўзбекистон Фанлар академияси ётоқхонасида бир хонада турганмиз ва бирга ижод қилганмиз. Ўша йиллардаги ҳаёт қувончлари-ю ташвишларини бирга баҳам кўрганмиз. Ҳафта давомида Химки шаҳридаги диссертациялар сақланадиган кутубхонада ёки Ленин номидаги катта кутубхонага қатнаб ижод қилар эдик. Шанба ва якшанба кунлари ётоқхонада яшаётган аспирант ва докторантлар билан футбол ўйнар эдик. Абдулаҳад футболни яхши ўйнар эди. Жуссаси кичик бўлганлиги учун тез ва чаққон ҳаракат қилар эди.

А.Сувонкулов тўғрисиўзлиги, адолатпарварлиги, самимийлиги ва айни пайтда касбдошларига нисбатан меҳрибонлиги билан жамоа орасида ҳурматга сазовор бўлган. У ўз ишига масъулият билан ёндашадиган малакали мутахассис эди.

Аҳаджон ўта хушчақчақ, камтарин ва ҳеч кимдан ёрдамини аямайдиган жонкуяр инсон эди. Ўз олдига мақсад қўйдими, унга албатта эришишга бор кучи ва салоҳияти билан ҳаракат қилар эди.

Номзодлик ишини ҳимоя қилгандан кейин институтда тўлақонли фаолият олиб борди. Мен Тошкентда бўлсам ҳам уни фаолиятини кузатиб бордим. Умумий ўрта таълим учун математика фанидан дарсликлар яратиш, уларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган республика миқёсидаги йиғилиш ва семинарларда фаол иштирок этарди ва ўзиниг фикр ва мулоҳазалари билан ажралиб турарди. Афсуски, у орамиздан эрта кетди.

А. Сувонқуловдан Саъдий Шерозий ёзганидек яхши номию иши қолди. Унинг номи дўстлари, касбдошлари ва шогирдлари қалбида абадий яшайди.

*Абдуназар Нурманов, педагогика
фанлари доктори, ТДПУ бўлим бошлиғи*

ДЎСТИМ АЖОЙИБ СПОРТ УСТАСИ ЭДИ

Сувонқулов Абдулаҳад домла билан мен 1987 йилда, яъни А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти йўлланмаси асосида Москва давлат педагогика университетига стажировкага келган вақтимда танишган эдим. Биринчи суҳбатданок унинг оддий ва самимийлиги эътиборимни тортган. Ҳақиқий дўст мусофирчиликда билинади дегани бизнинг аспирантлик йилларимизда ҳам кўп марта синовлардан ўтгани рост. 1987-1993 йиллар давомида биз биргаликда дунёнинг энг катта мегаполис шаҳарларидан бири Москвада номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бориб, аспирантурада ҳам таҳсил олдик. “Москва слезам не верит” номли бадиий фильмни ўша вақтлар томоша қилмаганлар бўлмаса керак. Биз эса ҳаётда, энг навқирон ёшлик йилларимизда турли хил ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини енгиб ўтаётиб, авваламбор ўзимизга, қолаверса бошқаларга “Москва слезам не верит” деб таъкидлаб кўяр эдик.

Шундай инсонлар борки, қисқа умр кўрадилар, лекин жуда кўп ва келгуси авлодлар учун салмоқли ишлар қилишга улгурдилар. А.Сувонқулов ҳам ўз фарзандлари, невара-чеваралари, умуман, юртимиз ёш авлоди учун бирмунча ишларни амалга оширишга улгурган. Ўз соҳасида педагогика фанлари бўйича номзодлик илмий даражасини олган, кўплаб илмий мақолалари хорижий ва республикамиз журналларида чоп этилган, олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этган.

Абдулаҳад домла яхшигина спортчи эканлигини, футболни жуда яхши кўришини, ўзи ҳам футболни жуда яхши ўйнаган-

лигини биламан. Футбол бизнинг аспирантлик йилларимизда бизни кўп асраганлигини таъкидлашим мумкин. Авваламбор, соғлигимизни мустаҳкамлашда, бўш вақтларимизни мазмунли ва фойдали ўтказишда унинг аҳамияти жуда катта бўлган. Стол теннисини мен Аҳад домладан ўрганган эдим. Шахмат ва шашка бўйича у нафақат Жиззах давлат педагогика институтида, балки вилоятда ҳам энг кучлилардан бири эди. Домла биз дўстлари хотирасида абадий қолади.

*Маманазар Жумаев,
Низомий номидаги ТДПУ профессори*

ФИДОЙИ ИНСОН АБАДИЙ ХОТИРАСИ

Шундоғам аразда биздан муҳаббат,
Биздан кечиб кетган ахир мурувват,
Қамраб олмасидан инсонни нафрат,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Пок ишқнинг минг-минг тиллоси ўзинг,
Ахир жаннатларнинг калити ўзинг,
Мўмин инсонийлик кўзгуси ўзинг,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Сенинг дўстлигинг бор савобларга ҳам,
Ҳали кераксанку инсонларга ҳам,
Қариндошсан ахир адолатга ҳам,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Подшосан сен ахир меҳр шаҳрига,
Яна қайта жойлан инсон бағрига,
Одамсимон ҳайвонларнинг касрига,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Баъзилар сени ҳам пулга чақишар,
Сени маржон қилиб дилга тақишар,

Сен кетсанг нокаслар хурсанд бўлишар,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Тиконни афзал дер гоҳо гуллардан,
Сени қизғонишар бир-бирларидан,
Илтимосим ранжима ҳеч одамлардан,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Разим сол, не бўлди кўчаю кўйда,
Ҳамма бойлик давлат ҳашамат ўйда,
Бизлардан аразу гинангни кўйда,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Кетмагин инсонга кўлингни узат,
Қалбимиздан ҳасад иғвони кузат,
Меҳр бериб инсонлар қалбини тузат,
Бизни ташлаб кетмай тургин оқибат.

Ҳасан Шералиев

Мен Абдулаҳад билан 1994 -1995 йилда Низомий номидаги ТДПИ да математика ўқитиш методикаси кафедрасида, мутахассислик фанидан номзодлик имтиҳони тошириш жараёнида танишганман. У киши билан суҳбат чоғида янги мавзуларда, шижоат билан ишлашга даъват этади. Унинг умр йўлларига назар солсак, ана шу ғайрат, интилиш, ишга масъулият билан ёндашиш доим ҳамроҳлари бўлганини англаймиз. Ҳаётда ҳар бир учратган одамани муаллим, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини дарс деб билган Абдулаҳаднинг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, ўғитлари билан ўртоқлашишларини яхши кўрамиз. Айтишадик, кимнидир суҳбатидан қочасан, кимнидир суҳбатига ошиқасан. У киши билан суҳбатлашишга ошиқар эдик ва тез-тез телефон орқали ҳамсуҳбат қилиб турардик.

Абдулаҳад кўплаб бадий асар ўқигани ва математикани яхши кўришини суҳбатидан сезиш мумкин эди. Кўп йиллик педагогик тажрибалар уни илм сари етаклаганлиги сир эмас. Дўстим Москвада аспирантурани ўтаган. Шу сабабли у билан Москвада илмий тадқиқот ишлари захираси, кутубхонлар, ку-

тубхонадан фойдаланиш техникаси, самарадорлик натижалари ҳақида таасуротлари билан ўртоқлашардик.

Абдулаҳад 1995 йилдан бери битта кафедрада - "Бошланғич таълим методикаси" кафедрасида ишлаб келган. Бунда ҳам у кишининг бир фазилати - содиқлиги намоён бўлган. Абдулаҳад ўз сўзига содиқ қолиб, бошқа кафедраларга ва коллежларга директорлик лавозимларига таклиф қилишларига қарамасдан, ўз мақсадига амал қилиб кафедрада ишлаб юрарди. Сухбат чоғида шогирдлар тарбиялаш, дарслик тайёрлаш, дарсликларни таҳлил қилиш, тезкор методик тавсиялар ёзиш каби амалиёт учун зарур манбалар топиш каби муаммолар домланинг фикру хаёлини доим банд қилиб турганига амин бўлдим.

Абдулаҳад илмий-педагогик фаолиятининг бир йўналиши - олий ўқув юртларига кирувчилар учун ўқув қўлланмалар яратишдир. Бир қараганда, бу соҳа иккинчи даражалига ўхшайди. Лекин факультет талабалари, ҳатто бошқа ОТМ дан ҳам домла Сувонқуловни кўриш ва китоблари учун ўз миннатдорчиликлари изҳор қилиш учун атайлаб келганларининг гувоҳи бўлганимиз. Ана шунда бу кишининг катта аҳамиятга эга бўлган ишни амалга ошираётганини тушундик ва ҳурматимиз янада ортди. Баъзан, ўша талабалар домланинг ўқиладиганидан титилиб кетган китобларини олиб келиб кўрсатишади ва бу қимматбаҳо китобни ўз жигарларига, дўстларига ва танишларига тавсия қилганларини ҳикоя қилишади. Ана шундай қилиб домла Сувонқулов Абдулаҳад ўз китоблари туфайли бутун республикамизга ва ҳатто ундан ташқарида ҳам машҳур бўлди ва жамоасининг фахрига айланганлигини ҳис қилдим.

Домла А.Сувонқулов академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида касбга йўналтириш бўйича катта ишлар олиб борарди. Битирувчилар билан учрашувлар ўтказарди ва уларнинг математика фани юзасидан берган сон-саноксиз саволларига батафсил жавоб берарди. Унинг битта одати бор: яхши савол берган ўқувчиларга китобларидан совға қиларди. Бу доимо қизиқишга сабаб бўлади. Ҳар йили математика фани (мутахассислик фанлари) бўйича ўтказиладиган республика олимпиадаси жюрисининг аъзоси, ДТМ вакили

сифатида, Халқ таълими вазирлиги эксперт гуруҳи аъзоси сифатида адолатли фаолият кўрсатиб келган.

Таълим ва тарбия ҳар куни ўқиб-ўрганишни талаб қилганидек, олимлик ҳам доимий мутолааю ўз устингда тинмай меҳнат қилишни тақозо этади. Ижод – бу билим ва тажриба билан бирга бир лаҳзалик илҳомнинг маҳсулидир. Олимлик эса узоқ ва машаққатли меҳнат, темир интизом ва ўзни танлаган соҳасига бутунлай бахш айлаб, шу ғоя йўлида фидокорона яшашнинг натижаси. Яъни, зўр олим бўлиш учун киши бисотидаги энг қимматбаҳо “матоҳ” – умрини тикишига тўғри келади. 2015 йил сентябр ойининг ўрталари, ўша машҳум кун эсимда, пойтахтда тахминан тушлар атрофида телефонда сўзлашдим ва кечга яқин учрашишга келишдик. Лекин, афсус эртаси эрталаб дўстимдан жудо бўлганимни эшитиб эсанкираб қолдим. Кўзимдан тирқираб тушган кўз ёшимни кўрган ўртоқларим нима бўлди, деб саросимага тушишди. Мен фақат “Аҳад, Аҳад”, деганимни биламан. Улар: “Ўтган ҳафта иккита шогирдини етаклаб келган йигитми?” – дейишди. “Ҳа ўша”, деёлдим.

Педагогика фанлари номзоди, доцент А.Сувонқулов 2015 йилгача, бундай сон саноғи йўқ ютуқларини ёнма-ён туриб гувоҳи бўлганман. Таълимга замонавий компитенциявий ёндашув муаммоси ўрганилаётганда барча инсоний фазилатлар мукамаллигини у кишида ҳис қилдим ва кўнглимда ўрناق бўладиган инсон, ҳаёт “эталони” деб қараш мумкинми деб ўйлаб қоламан. Ана шундай фурсат довонидан ошиб ўтаётган устозга қараб кўнглим тўлиб, кечагина ҳали унча кўп вақт ўтмади, бир шогирди Республика ёш олимлар илмий - амалий анжуманида биринчи ўринни олган, яна бир шогирди республика олимпиадасида биринчи ўринни олган, талаба, магистр, ҳамкасалар учун беминнат маслаҳатгўй, жамоа ўртасида чексиз ҳурматга сазоворлиги ва иззатли инсон эканлиги кўз ўгимда гавдаланди. Ҳаётнинг жўшқин шижоати ва силсила-сида маржондек тизилган, илмга бағишланган, бундай баракали умр ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Фан, таълим ва тарбия устоз олимнинг қисматига айланганига бугун заррача шубҳа йўқ. Домланинг ҳаёти мисолида уққанам бош ҳикмат

шундан иборатки, инсон чинакам илмга қандай садоқат билан хизмат қилса, илм ҳам ўз навбатида худди шундай муҳаббат билан унга жавоб берар экан. Фақат жавоб олим ёзган, ёзаётган бебаҳо асарларнинг кейинги умрию унинг тарбиясини олган шогирдларнинг фаолиятида зухур топар экан.

Биз – у кишининг ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари, танишлари азиз дўстим Сувонқулов Адулаҳад Келдиёровичга ётган жойингиз жаннат бўлсин, дўстлар хотирасида абадий қоласиз, деб тиловат қиламиз.

*Рашид Холмуродов, ЖДПИ доценти,
тарих фанлари номзоди*

ИЛМ ВА МАЪРИФАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Мен Сувонқулов Абдулаҳадни Жиззах давлат педагогика институтига талабалар сафига қабул қилинганидан буён биламан. Ўша пайтда мен институт ёшлар кўмитасининг раиси эдим. Анъанага мувофиқ, энг қори баҳолар билан қабул қилинган талабалардан 5-10 тасига ўқиш бошланишининг дастлабки куни “Комсомол билети” берилар эди. Шунда Абдулаҳадга бу билетни мен топширганим эсимда. У бу ҳақда кези келганда менга айтиб юрарди.

Абдулаҳад ўқиш давомида аъло ўқиши билан бирга спортга ҳам қизиқувчанлиги юқори эди. Ҳали биринчи курс талабалиги пайтида ҳам талабалар ўртасида ўтказилган шахмат биринчилигида у биринчи ўринни эгаллаб, менинг кўлимдан шахмат мусобақасининг ғолиби сифатида соврин олган эди.

Орадан анча йиллар ўтди. Мен, аспирантурани битириб, 1984 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб келганимда Абдулаҳад Сувонқулов институтни битириб, бир неча йиллар мактабларда дарс бериб, ўқитувчилик қилган экан. У 1984 йилда институтга ўқитувчи бўлиб ишга кирганди.

Тақдир тақозосими ёки объектив ҳақиқатми биз яна институтда ўқитувчилар ўртасида бўлиб ўтаётган шахмат доскаси устида учрашдик.

Ақли зукко, теран қобилиятли бу инсон ўтказилган шахмат биринчилигида бир неча бор ғолиб деб топилди.

Сувонкулов Абдулаҳад бор жойда нафақат спорт, баъзан ўзбекларнинг этник тарихи устида ҳам қизғин баҳс-мунозара бўлиб кетар эди. У математик бўлишига қарамасдан, тарихга ҳам қизиқувчан эди. Мунозараларнинг бирида кимдир, “Барлосларнинг ўзбекларга алоқаси йўқ, улар мўғуллардан экан” деб, профессор тарихчи Г.Ҳидоятонинг 1994 йилда газетада босилган бир мақоласини пеш қилди. Чунки, Абдулаҳад барлос уруғидан бўлиб, баъзан мақтаниб ҳам қўяр эди : “Мен Амир Темур авлодиданман, бобом Амир Темур ҳам доимо ёнида шахмат олиб юрган ва кўпчиликни мот қилиб юрган” деб, айтар эди.

Ўз тарихини ўзбекларнинг ўзи ёзмаса, ҳар кимнинг дунёқарашини, ёзган тарихини шундай экан, деб қабул қилсак, уни ҳар томонлама таҳлил қилиб ўрганмасак, ҳеч ким бизга ўргата олмайди. Аксинча, ҳар кимнинг манфаати учун ҳар нарса дейишдан тоймайди.

Тарихимизни, ўзимиз битмас эканмиз, ҳеч қачон ўзлигимизни англай олмаймиз. Мен, тарихчи сифатида бундай мунозарани асл илдизига етишга ҳаракат қилдим.

Шу ўринда ёзувчимиз Примқул Қодировнинг асарларидан бирида шу ҳақдаги бир ёзувга кўзим тушди. У кишининг барлослар ҳақидаги мулоҳазасида шундай дейилган экан: “Барлослар ҳеч қачон мўғул эмас, у турк, барлослар ҳозирги ўзбекларнинг бир уруғи холос, улар ҳеч қачон ўзларини мўғул деб, ҳисобламаган, доимо ўзларини туркий деб келган”, деб айтиб ўтган эканлар. Ҳақиқат - ана шу. Ҳақиқатда, Амир Темур ҳам, авлодлари ҳам, ҳеч қачон ўзларини мўғуллардан деб, айтмаган. Туркийлар яшаган ҳудуд ниҳоятда катта ва улкан. Чингизхон билан туркийлар кўп келган, улар ичида барлос ҳам, уйғур ҳам, қирқ ҳам минг уруғлари ҳам келган. Бу ҳудудларга мўғуллар келмасидан аввал ҳам ўзбек уруғларидан барлос ҳам, калтатой ҳам, қанғли каби барча уруғлар бу ерда яшаган.

Нега деганда, барлослар мўғуллар билан келган бўлса, орадан 50-100 йил ўтиб, дарров, В.Бартольд ёки Г.Ҳидоятон ёки

бизни айрим тарихчиларимиз айтгандай, мўғуллар туркка айланиб қолар эканми. Ҳа, В.Бартольддан бу атамани суриш-тирмай, нетмай ҳар жойда айрим тарихчиларимиз гўё, В.Бартольд ҳақ деб, айтаверди. Ёки олайлик, яқингача Бобур ва бобурийларни Ҳиндистонда тузган империясини, юқоридагилар ҳатто, “Мўғуллар империяси” атайвердилар. Тарихий ҳақиқат юзага чиқдику, теурийзода Бобур Мирзо барпо қилган империя мўғуллар империяси эмас, “Бобурийлар империяси” эканлигини бутун дунё тан олди-ку. Ёки айтайлик, сак, скиф, массагетларни Геродот форслар деб ёзган, ўзининг “Тарих” китобида. Тўғри, у Ўрта Осиёга келмаган, Турклар ким, Эрон ким билмаган ҳам. Лекин, ўзи билмай туриб, скифларни сўзлашув тилини туркий эканини сўзларида исбот қилган.

Ҳа, Абдулаҳад келиб чиқиши тарихидан ҳар қанча ғурурланса, арзир эди. Бунга яна бир мисол. 2011 йил 26-29 декабрида Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида Республикада етук тарихчиларнинг семинари бўлиб ўтди. Шунда бир маърузачи барлослар ва мўғуллар ҳақида ноўрин гапирди. Мен ўрнимдан туриб, у кишининг сўзига қатъий эътироз билдириб, ўз фикр-мулоҳазамни баён қилганимда залдагилар менинг сўзимни маъқуллаб, қарсак чалиб юборишди. Мен, залда Амир Темурнинг “Бизлар ким, мулки Турон амири Туркистонмиз, бизлар ким миллатларнинг энг улуғи ва энг қадими, туркларнинг бош бўғинимиз”, деб вақтида айтиб ўтганку, яна мўғулларга нима бор, деб айтиб ўтгандим. Шунинг учун зал мени қўллаб-қувватлаганди ва бу пайт шу ҳақда маъруза ўқиётган маърузачи ўз маърузасини тўхтатганди ва менга юзланганди.

Эсимда, 1996 йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги бўлаётган эди. Обкомнинг мажлислар залида тумонат одам бор эди. Бу ерда 5-6 та маърузачи ва мен ҳам бор эдим. Маърузачилардан бири Амир Темур ҳақида гапириб, “Амир Темур Жиззах вилоятига бор-йўғи 4 марта келган, бунга тарихчилар эътибор бермаган”, деб юборди. Йиғилиш тугагандан сўнг, сўз берувчи залга юзланиб, “яна борми сўзга чиқувчилар” – деб қолди. Шунда бир зарбдорлик тарих ўқитувчиси сўзга чиқди. У ҳалиги маърузачига “Амир Темурнинг Жиззах вилоятига 4

марта келганини қаердан биласиз? Амир Темур дастлаб Бахмалнинг Барлос қишлоғи ҳудудидан унаштирилган эди, шунинг учун у шу қишлоқнинг ўзига 100 марталаб келиб, кетган”, -деди. Шунда мудраб ётган залдагилар гуруллаб қарсак чалиб, юборишди.

Бу гапларни Абдулаҳадга айтганимда у ҳа, деб ҳурсанд бўлиб кетарди ва мен Барлос қишлоқларингни Амир Темур поччаси ҳам экан десам, у “бу аниқ, ўша тарихчини билсангиз, танисангиз Амир Темурнинг қайниларида бири салом айтди”, деб айтинг деган эди.

Абдулаҳад ўз мутахассислиги бўйича аспирантурани битириб, фан номзоди, доцент бўлди. Мураббий сифатида катта ҳурматга сазовор бўлди.

Умрни оқар дарё дейишади. Одамга қанча узоқ яшади деб, баҳо беришмайди, оз яшаса-да, элга, халққа қилган хизматига қараб баҳолашади.

Абдулаҳад домла ўзининг қисқа умри давомида илм-фанни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшди, меҳнат қилди.

У илдам давр муҳитини ҳисобга олган ҳолда, ўз устида тинмай изланишлар олиб борди. Изланишлардан тўпланган маълумотлар базасини амалиётга татбиқ қилиш ҳам таълим, ҳам тарбия самарадорлигини оширишга ҳаракат қилди.

Абдулаҳад ҳақли равишда илм кишиси, забардаст олим, ўз мутахассислигининг ҳақиқий билимдони эди. Китоб ўқиш ва ўқитишни яхши билган устоз, талабаларга жуда-жуда ёқимлидир. Ёқимли инсон билан эса ҳар доим суҳбатлашгинг, баҳс-мунозара қилгинг келади. Суҳбатлашаётан кишинг ақли зукко, доно бўлса, у билан суҳбат қургинг, унинг билим хазинасидан маълумот олгинг келади. Шунинг учун ҳам талабалар доимо Абдулаҳадни аудиторияда зўр иштиёқ билан кутиб олар эди.

Ўқитувчилик шундай ажойиб касбки, олдин ўз ўқувчисини ёқимлантиради, кейин суҳбатга чорлайди. Абдулаҳад мана шундай мураббийлар сирасига кирар эди. У бутун ўқитувчи ва талабалар ўртасида катта обрўга эга бўлди. Ундаги камтаринлик, садоқатлилик бошқа ёш ўқитувчи ва талабаларга ибрат намунасини ўтади.

Илм-фан соҳасида ҳам, Республикамиз педагогика фанларининг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Авваламбор, Абдулаҳаднинг ўзи “Бошланғич синфларда математикани ўқитиш методикаси” фани бўйича етук мутахассисга айланган эди. Чунки, у 1990-1993 йилларда Россия педагогика фанлар академиясида аспирантурани ўтаб, 1995 йилда фан номзоди бўлган эди. У институтда кафедра мудири, доцент лавозимларида ишлаш билан бирга педагогика фанлари бўйича докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар қилаётган эди.

Абдулаҳад домла илмий фаолияти давомида 100 дан ортиқ ўқув қўлланма, илмий-услубий мақола муаллифи эди. У талабаларнинг битирув малакавий ишларига, магистрларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиб, шогирдларининг илмий изланишларни амалга оширишларига туртки бўлди ва маслаҳатлар бериб турди.

Унинг “Стажёр ўқитувчилар учун методик қўлланма”, “Математик ўйин-таълим методи сифатида”, “Бошланғич синфларда математик кечани ташкил қилиш”, “Бошланғич синфларда математикани ўқитиш методикасидан амалий машғулотлар”, “Математик ифодаларни ўрганамиз” каби илмий ва услубий қўлланмалари диққатга сазовордир.

Шунингдек, “Ўқитишда янгича ёндашув”, “Икки хонали сонни ўзлаштириш хусусиятлари”, “Инновация – янгича ишлаш демакдир”, “Бошланғич таълимда дидактиканинг ўрни”, “Бошланғич синфларда интерактив методлардан фойдаланиш”, “Минг ичидаги сонларни ўрганиш”, “Мутахассис муайян мақсад билан тайёрланса”, “Математика дарсларида иқтисодий масалалар” каби илмий мақолалари шубҳасиз ўқитувчи ва талабаларда фан сирларани ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Абдулаҳад тинмай ижод қилиб, самарали изланишлар олиб борди. Илм ва тарбия бериш мақсадида юзлаб ёшларни ўз фарзандидай кўрди, сидқидилдан меҳнат қилди. У ўз жамоаси ўртасида ҳурмати баланд бўлди, унга нисбатан ҳамкасбларининг иззат-эҳтироми чексиз бўлди.

Ҳаётда ҳамкасблари билан елкадошлик ва ҳамфикрлилик, илмий соҳада кенг қамровли олимлик, шогирдларига нисбатан талабчанлик, педагогик фаолиятда моҳир ташкилотчилик – булар ҳаммаси Абдулаҳаднинг инсонийлик фазиларлари эди.

Абдулаҳад оилада меҳрибон ота сифатида 5 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди, барчасини олий маълумотли қилди.

Ўғли Жамшид ота изидан бормоқда. У 2007-2009 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети юридик факультетида магистратурада ўқиб, юридик фанлари доктори, профессор Шухрат Жалилов раҳбарлигида магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Ундан кейин эса, 2009-2012 йилларда аспирантурада ўқиб, номзодлик диссертацияси устида иш олиб борди. У шу давр мобайнида ташкилотчилиги ва изланувчанлиги туфайли ЎЗМУ ректори проф. Ғ.И.Муҳамедовнинг назарига тушиб, у киши билан ҳам бирга ишлашган. Ўша вақтларда илмий ишларни ҳимоя қилишдаги сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришлар туфайли ҳозирда юридик фанлари доктори Йўлдош Жўраев раҳбарлигида докторлик диссертацияси устида изланмоқда ва бу иш якунига етиш арафасида.

Абдулаҳад теран ақли ва заковати туфайли узоқ йиллар давомида оила бюджети учун аста-секинлик билан ферма ташкил қилди. Ўғли Жаҳонгирга ушбу ферма ишини юритишни топширди ва улар бу тадбиркорлик орқасидан оиласини тўқ ва бадавлат қилишди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бир сўзи бор: “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади”, деганларидек, домла бу ферма ишини ривожлантирди. Бу ҳам жамият ва давлатнинг, фуқароларнинг озиқ-овқатга бўлган талабларини қисман бўлса-да, қоплаб турмоқда.

Абдулаҳад бугун орамизда йўқ, аммо, унинг шижоатли ишларини, олий мақсадларини давомчилари бор. Унинг порлоқ хотираси коллективимизда, шогирдлари, оила аъзолари ва барча яқин қариндошлари хотирасида абадий яшайди.

*Ойбек Мамараҳимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси*

ТАКРОРИ ЙЎҚ КАСБ ЭГАСИ

Абдулаҳад ака билан дастлаб 1995 йилда Жиззах давлат педагогика институтини битирар чоғим, у кишининг эндигина институтга ишга келган вақтида учрашганман. Мен ўша йили институтни битириб устозим Умарқул Раҳмонқуловнинг таклифи билан Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника илмий-текшириш институтига аспирантурага кириш мақсадида ҳужжат тайёрлаётган эдим. Аспирантура борасида жуда кўп устозлардан маслаҳат олганман. Чунки, эндигина институтни тамомлаган ёшларда бу борада малака бўлмаганлиги учун олдиндаги улкан ишлар ҳар қандай инсон юрагига очиғи гулғула солади. Менга маслаҳат берувчилар ичида айрим инсонлар (*кечагидек эсимда*) сенда бундай қобилият йўқ, бориб нима қиласан дейишса айримлари маслаҳат беришга ҳам қийналишган эди.

Тошкентга кетадиган куним эди, институт ҳовлисида чикаётганимда “Қаршимдан ким чиқса, ўша кишидан охириги маслаҳатни оламан”, деб ўзимга ўзим ваъда бердим. Институт ҳовлисида ёши улуғ бўлган Ўзбек тили ва адабиёти факультети профессори Олимжон Жўраев билан Абдулаҳад Сувонқулов турган экан. Профессор Олимжон Жўраев илмий иш олиб боришим учун шундай маслаҳат бердики, юрагимда бир умр муҳрланиб қолди. Энди кўчага қараб юрганимда ортимдан Абдулаҳад ака етиб келиб, бекатгача бирга юрдик. Абдулаҳад ака ҳам аспирантурадаги илмий фаолияти юзасидан қисқача гапириб: “Ука, аспирантурага албатта ўқишга боргин, мана мен яқинда номзодлик дипломимни олдим. Худо хоҳласа, шу даргоҳда ишлайман. Бу такрори йўқ касб, вақти келиб сен ҳам шу даргоҳда устозлар қаторида турасан”, деб оқ йўл тилагани ҳамон ёдимда.

Абдулаҳад домла билан яқиндан таниш бўлмасак-да, гоҳида институтга келганимда мenden ҳол-аҳвол сўраб, илмий ишлар юзасидан маслаҳатларини аямас эди. Илмий ишимни

ёқлаб, яна ўзим ўқиган институтга ишга қайтдим ва яна Абдулаҳад ака билан рўбарў келдим. Тушлик устида ўтган ишлар ва таълимнинг бугунги кун муаммолари тўғрисида гаплашдик. Ўшанда, Абдулаҳад ака бир фикрни айтди: “Биринчидан, ўқув дастури замондан орқада қолган ва у замонавий Ўзбекистон жамиятининг эҳтиёжларига жавоб бера олмайди. Ўқув дастурининг муаммолари асосан 1990 йиллар охирида ва ундан олдинги икки ёки уч авлод ўрганган билимларни ўрганишда давом этмоқдамиз. Дунёнинг кўп мамлакатларида талабалар замонавий математик ва илмий билимларни фаолиятига асосланган таълим орқали ўзлаштиришади, бизнинг талабалар эса илмий тушунчаларни ёдлаш усули билан билишга мажбур қилинади. Ҳали-ҳануз талабаларнинг асосий ихтисосига умуман алоқаси бўлмаган мажбурий дарслар мавжуд.

Иккинчидан, ўқув дастурлари тузишда мутахассис бўлмаган шахсларнинг қатнашуви таълим тизимига зарар келтиришини аниқ биламиз. Жорий ўқув дастурлари тузиш жараёни муайян мақсад ва вазифаларга мўлжалланган бутун мамлакат учун ягона сиёсатга асосланган деган фикр илгари сурилиши мумкин. Бироқ, мамлакатнинг турли минтақаларига ягона таълим сиёсатини баробар жорий қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Шунинг учун, экспертлар томонидан талабаларнинг ҳозирги кундаги мақсадлари ва дунёдаги янги йўналишларга асосланиб таълим соҳасидаги муаммолар ечимини ҳисобга олган ҳолда янги таълим сиёсати ишлаб чиқиш лозим. Назария ва амалиёт орасидаги бўшлиқни имкони борича қисқартириш мақсадида амалиётчи мутахассисларни ҳам жалб қилиш лозим.

Учинчидан, дарсликлар тузиш учун ўтказиладиган академик тадқиқотларнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ўқув дастурлари тузишдаги муаммодир. Ўқув дастурлари идораларида ўтирган экспертлар олий ўқув юртларда дарс ўтиш учун материалларни ўзлари хоҳлаганча танлашини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Аксар ҳолларда танланган мазмун талаб даражасига жавоб бермаслигини айтиб ўтишим лозим. Мамлакатда ўқув дастурлари идораси тизими томонидан тасдиқланган дарслик китоблари ўрганиб чиқилганда, ўқув дастурларини

қайта кўриб чиқадиган тегишли тадқиқот баҳолаш тизими яратилмаганлиги аниқ бўлишини билдирди”.

Абдулаҳад ака бу гапларни айтганига бир йил ҳам ўтар - ўтмас режали равишда институт давлат аттестациясидан ўтиш жараёни ҳам бошланиб кетди. Мен бу орада институтдаги магистратура бўлими бошлиғи лавозимида ишлаётган эдим. Очиги, Абдулаҳад ака ўша кезде гапирган гапларнинг тўлиғича тушиниб етмаган эканман. Аттестацияга тайёргарлик жараёнида ҳақиқатдан бизнинг таълим тизимимизда жуда катта бўшлиқ борлиги сезилиб қолди. Бўлим бошлиғи сифатида янги иш бошлаганман, Абдулаҳад ака яна менга ўз маслаҳатларини аямади. Тошкентдаги таянч институтлардан охириги йилларда магистратура йўналишига нима тегишли бўлса олиб келишим ва тегишли профессор-ўқитувчилар билан бирга иш юритишим кераклигини уқтирдилар. Уч ой мобайнида айтилганлар ўз натижасини берди, сабаби магистратурага йўналишларини тегишли барча материаллар билан янгидан таъминлашга улгурган эдим. Якунида аттестация жараёнида магистратура бўлими ва йўналишлари аъло даражада ўтди. Ҳа, бу ишларни ижобий яқунланишига Аҳад аканинг ўз вақтида узоқни кўра билиши ва менга берган дўстона йўл-йўриқларининг натижаси эди. Айтгандай, ўша жараёнда магистратура йўналишларининг барчаси аттестациядан аъло даражада ўтди. Лекин, институти-миздаги 18 та бакалавр йўналишидан бор йўғи 9 та йўналиши аттестациядан ўтган бўлиб, 9 таси ўтаолмади. Бу ҳолатга кўпчилик ҳайрон қолган. Чунки, юқори билим олмаётган бакалавр келгусида магистр бўлгач аттестациядан қандай қилиб ўтиши мумкинлиги марказдан келган текширувчиларнинг ҳам бошини қотирди. Аслида, кўпни кўрган У.Раҳмонқулов, Х.Мавлонов, С.Эсонқулов, Б.Мамажонов, Х.Тўрақулов, Н.Умиров, А.Сувонқулов ва яна бир қатор устозларнинг йўл-йўриқлари билан магистратура йўналишлари орасида республикада юқори кўрсаткичга эришган эдим.

Кўп ўтмай тақдир экан фаолиятимни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида депутат сифатида давом эттирдим. Бу дунёни қайтар дунё дейдилар, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонун лойиҳалари юзасидан

ишчи гуруҳлари йиғилиши чоғида бир йигит кўринишидан менга кимнидир эслатди. Йиғилиш якунида олдимга кириб илмий иши ҳақида гапириб берди ва маслаҳат сўрагани. Мен шу чоғда дарҳол Абдулаҳад домлани эсладим. Очиги, бу йигит ҳам кулиб фамилияси Сувонқулов эканлигини айтди. Мен эса қаршимда ўз қадрдон устозимнинг ўғли Жамшидни кўриб турганимдан мамнун эдим.

Ўқитувчилик бир қарашда оддий касбдай кўринади: уйдан институтга, институтдан уйга қатнаш, талабаларга йиллар давомида такрорланиб, сийқаси чиққан мавзуларни тушунтириш. Бу ташқаридан қараганда шундай. Аслида эса билимини ошириш учун изланишдан, илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишдан тўхтаган ўқитувчи ўз олдига қўйилган талаб - ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашдек улуғвор вазифанинг уддасидан чиқолмайди.

“Ўқитувчилиكنинг нони қаттиқ, аммо такрори йўқ касб, - деб таъкидларди, устоз, - бу соҳада обрў орттириш ҳам, эътибордан қолиш ҳам мумкин. Ўқиб, изланиб, талабаларинг онгига фан сирларини бир умр эсдан чиқмайдиган қилиб муҳрласанг, минглаб шогирдлар қалбидан муқим жой эгаллаб, устоз деган улуғ мақомга эга бўласан, акс ҳолда эса яхшиси вақтида ўрнингни бошқа соҳадан излаганинг маъқул...”

Дарҳақиқат, бу топиб айтилган гаплар шогирднинг қулоғи остида ҳамиша жаранглаб турса, у изланиши, меҳнати эвазига албатта такрори йўқ касбга муносиб бўлади. Мен домлани ана шу хотиралар билан доим эслаб тураман.

Бизга Абдулаҳад акадан фақатгина яхши хотиралар қолди. Шундай инсонлар билан бир юртда яшаганимизга минг шукр қиламиз.

*Фурқат Ахмедов, Жиззах ДПИ
Жисмоний маданият факультети декани*

ТАЖРИБАЛИ ПЕДАГОГ ВА ИБРАТЛИ ИНСОН ЭДИ

Бу ўткинчи дунёда бугун ёнингда сен билан бирга ишлаб бир ҳаводан нафас олиб ҳамфикр, ҳамсуҳбат бўлиб юрган одам аччиқ ўлим туфайли ҳаётни тарк этади. Бу қисмат ҳар бир кишининг бошида борлиги аниқ. Фақат бу ҳодиса қачон ва қай тарзда содир бўлиши ёлғиз Аллоҳга аён. Инсон ҳаётининг мазмуни унинг узоқ умр кўргани билан эмас, унинг бу ўткинчи ҳаётда қилган яхши амаллари билан баҳоланади. Абдулаҳад Суванқулов ҳам ҳаётини сермазмун ўтказди ва яхши амаллари кўп бўлган инсон эди.

Мен дастлаб, А.Суванқуловни 1990 йилнинг охири 1991 йилнинг бошларида таниганман. Яқиндан танишишимиз 1994 йилнинг январь ойида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг 4-ётоқхонасида илмий ишлар ташвиши билан юрганимизда бўлган. Ўшанда мен эндигина фан номзодлиги учун иш бошлаганимда Абдулаҳад ака фан номзодлиги учун ёзган диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида эди. У киши билан маълум муддат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг 4-ётоқхонасида бирга яшадик. У киши ўша кунлари фан номзодлиги учун ёзган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиш баробарида биз каби ёш аспирантларга ўзининг қимматли маслаҳатларини берганлиги ҳали ҳамон ёдимда. Жумладан, у киши шундай деб бизга далда бериб: “Тўғри, ҳозир замон қалтис, қимматчилик, етишмовчилик бўлиб турган бир пайтда илмий иш қилиш оғир, лекин бу вақти соати келиб ўзининг ижобий натижаларини беради”, – деб тушунтирар ва илмий иш қилишимизни қўллаб-қувватлар эди.

Кейинчалик биз А.Суванқулов билан бирга институтда кўп йиллар биргаликда фаолият олиб бордик. У киши нафақат билимдон, зукко ва ташаббускор ўқитувчи, устоз олим, балки маҳоратли спортчи ҳам эди. Кўп йиллар мобайнида А.Суванқулов билан рақиб жамоа сифатида факультетлар ўрта-

СИД
МАЗ
ХОЛТ
МУС
КЕЛ
ДАВ
ТАЪ
БИЛ
БОШ
АБД
МУН
МАС
ФАКУ
АБДУ
РИҚ
ДЕ
ВА И
А
ИШЛ
КИТ
АХА
САЛК
ИШ
УР
А
САЁТ
СОБ
МОНЛ
ИРАС

ўтказиладиган футбол мусобақаларида иштирок этган киши раҳбарлигида Бошланғич таълим факультети кўп рада бизнинг Жисмоний маданият факультети билан ақанинг асосий жамоалари сифатида қарама-қарши н.

2014-2015 йиллар Бошланғич таълим факультетида декан имида ишлашим А.Суванқулов билан бирга ишлаш, м тизимини такомиллаштириш, ёшларга тарбия бериш бирга бир жамоада футбол ўйнашни ҳам насиб этган. анғич таълим факультетига раҳбарлик қилган давримда аҳад акага у кишининг билим салоҳияти ва ишга бўлган абатини ҳисобга олган ҳолда топшириқлар берар эдим. ан, кафедралар фаолиятини ўрганиш ва маълумотларни ьтет Илмий Кенгашига олиб чиқиш каби. Шунда аҳад ака: “Менгаку топшириқ берасиз, мен бу топши- рни бажариш учун баъзи одамларни ҳафа қилиб қўяман”, айтарди. Бу ҳам Абдулаҳад Суванқуловнинг тўғрисиқлиги га бўлган муносабатининг жиддийлигида эди.

ен маълум муддат Абдулаҳад ака билан раҳбар сифатида ан бўлсам-да, у кишини тажрибали, билимдон ва зукко вчи сифатида доимо ҳурмат қилдим ва у кишидан мас- тар олардим. А.Суванқуловни нафақат етук педагог олим, намунали оила бошлиғи сифатида ҳам яхши биламан. У инг барча фарзандлари олий маълумотли бўлиб ҳаётда ини топган.

дулаҳад домла қисқа яшади. Аммо мазмунли, намунали ечирди. У кишининг ҳаёти ва фаолияти барчага ўрناق ламан. Ҳақиқий педагог олим, меҳрибон устоз ҳар то- ма етук шахс бўлган Абдулаҳад ака Суванқуловнинг хо- т қалбларимизда абадий яшайди.

НИГОҲИДА ҚУЁШ БОРЛИГИДАЙ ҲАҚИҚАТНИ КЎРДИМ

Математик олимлар бирор оламшумул кашфиёт яратса, уни талабага англашмоқ учун бу кашфиётини тафаккур юксакликлари кундалик турмуш заминига олиб тушмоғи, мавҳум ва мураккаб формулалар тилидан, жўн кўникилган тушунчалар, оддий тасаввурлар тилига кўчирмоғи лозимлигини тушуниб етган математик олим Абдулаҳад Сувонқулов шундай исонлардан эди.

Абдулаҳад бетакрор ўз математик оламини яратган улуғ математиклар сирасига киради. У ижодини ўтган асрнинг 80-йиллари охири – 90-йилларининг бошларида Москвада аспирантурада бошлади.

У айниқса, математикани талабаларга қандай қилиб етказиб бериш соҳаси билан қизиқиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг математика журналларида, кўплаб мақолалари билан иштирок этиб, ҳаммани лол қолдирди.

Абдулаҳад нафақат етук истеъдодли тадқиқотчи, математик олим, айни чоғда математикани, ўқитувчилик санъатини пухта эгаллаган моҳир педагог олим ҳам эди. Талабалар уни яхши кўришар ва унинг теварагидан аримас эди. У ҳам талабаларни ғоятда ҳурмат қиларди. Бироқ, бу ҳурмат ҳар нарсада уларга ён босишда, уларни етаклашда эмас, аксинча, математик маърузаларнинг сифатида, уларда ҳар гал қандайдир илмий янгиликларга интилишида, математика тарихидан олинган аниқ мисолларнинг бойлигида, чуқур изланиш талаб қиладиган мавзунинг ниҳоятда кенглигида кўринарди.

Абдулаҳад талабаларни ҳар қанча ҳурмат қилмасин, уларга нисбатан талабчанликни асло бўшаштирмас эди. Унинг фанидан имтиҳон топшириш ниҳоятда қийин эди. Бироқ, бу қийинчилик домланинг ўринсиз инжиқлигидан туғиладиган сунъий қийинчилик эмасди. Ўзлаштирилиши лозим бўлган мавзунини талаба ўзлаштирмаса, домладан ижобий баҳо олиши мумкин

эмас эди. Домла доим адолат билан иш тутар, имтиҳонни талабадан ўч олиш қуролига айлантирмасди.

Эҳтимол институтда бунақа талабчан домла жуда кам бўлгандир. Ҳар ҳолда талабаларнинг домла ўтадиган “Математика ўқитиш методикаси” фанидан олган билимлари пухта-пишиқ бўларди. Домланинг талабчанлиги ўз фанини жуда яхши кўрганидан, унга садоқатидан туғилган эди. Қани энди ҳамма домлалар шундай бўлса, менимча таълим сифатини ошириш биринчи навбатда домланинг талабчанлигига боғлиқ эканлигини Абдулаҳад Сувонқулов услубида тўла ишонч ҳосил қилдим.

Янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган олим Абдулаҳад Сувонқулов илм тафаккур – кишиларни эзгуликка бошлайдиган беқиёс куч эканлигини англаган ҳолда 1990-1993 йилларда Москвада илм ахтарди. Илмий ечимларни ва олинган натижаларни амалда қандай қўллаш масаласида москвалик устози Монахов Вадим Макариевич хонадонида кўп бор меҳмон бўлган эди. Ана шундай меҳмондорчиликларнинг бирида москвалик гроссмейстер Л.Макаревич ташриф буюради ва у Абдулаҳад Сувонқулов билан шахмат ўйнаб зўрға дурранг қилишга улгуради ва А.Сувонқуловга ўзбекистонликлар ҳам шахматни зўр ўйнай олишлигини айтиб, уни мақтаб, гапирган экан. Ҳақиқатан ҳам, Абдулаҳад домла шахмат сир-асрорларини чуқур ўзлаштириб, Жиззах давлат педагогика институтининг бир неча йиллар давомида узлуксиз чемпиони бўлиб келган, ҳамма тан олган буюк шаматчи инсон эди.

Инсон қалбининг сирларини ҳар қанча кашф этган билан сира поёнига етиб бўлмайди. Забардаст олим Абдулаҳад Сувонқуловнинг илмий педагогик ҳаёт йўлига назар солар эканмиз, у киши яратган мактаб даврлар оша инсоннинг онги ва тушунчаси ўсиб ўзгариб борган сари сафдошлари орасида мангу қолади.

Кунлар ўтмоқда ҳаётимнинг Абдулаҳад билан биргаликда кечган дамлари хира тортмайди, унут бўлмайди, файзли сиймоси хотирам кўзгусида янада нурланиб, жиловланиб бормоқда. У гўёки, мен билан институт аудиторияларида менга

далда, малҳам, қувончларимга шерикдек, доскага ёзган формулаларимни тасдиқлагандек, ҳис қиламан.

Абдулаҳадни 2015 йил сентябрда сўнгги йўлга кузатар эканмиз, у яна ўзи севган, ардоқлаган Аллоҳнинг даргоҳига кетмоқда, деб ўзимизга таскин берамиз.

Охиратинг обод бўлсин, руҳи покинг олдида бош эгамиз, деб сафдошларинг.

*Бахтиёр Миркомиллов,
тарих фанлари номзоди, доцент*

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ ИНСОН, ШОГИРД, УСТОЗ ВА ДЎСТ

Жиззах давлат педагогика институтида иш бошлаганимга қирқ йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида кўплаб одамлар билан мулоқотда бўлдим, улар билан иш, ҳаёт ва илм-фан соҳасида ҳамкорлик қилдим, муносабат олиб бордим. Улардан кўп яхши хислатларни ўргандим, кези келганда ўргатдим. Аммо, афсус билан эслайман, уларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳаёт эмас, аччиқ қисмат уларни бизнинг орамиздан олиб кетди. Лекин, уларнинг порлоқ хотираси ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди. Ана шундай ажойиб инсонлардан бири Жиззах давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари номзоди, ажойиб устоз ва мураббий, талабаларни севимли дўсти ва мураббийи Абдулаҳад Сувонқулов эди. Айрим инсонлар, кўплаб яхши хислатлар соҳиблари ҳақида ёзиш, анчагина қийин ҳисобланади, сабаби бу инсонни бир ажойиб хислати ҳақида гапирсанг ёки эсласанг унинг иккинчи хислати янада ёрқинроқ намоён бўлаверади. Жамиятнинг ҳақиқий бойлиги бу инсон, инсон авлодидир. Инсон дунёдаги мураккаб олий мавжудот, табиатнинг юксак маҳсулидир. Аслида оламда инсондан қудратли куч йўқ, бўлмайди ҳам. Менинг назаримда, Абдулаҳадда ҳам ана шундай хислатлар мужассам эди. Эсимда, Жиззах олийгоҳида ишга келганимда, бу 1970 йилларнинг охирларида эди, математика факультети-

нинг биринчи курс талабаларига дарсга киргандим. Шунда гуруҳлардаги талабалар билан аста-секин таниша бошладим. Шу йилларда тийрак зеҳнли ва ҳаракатчан талаба, кейинчалик олий маълумот олиб, шу даргоҳда устоз даражасига кўтарилган шогирд инсон ва дўст, устоз-домла олим, математика фанларининг билимдони Абдулаҳад Сувонқулов билан танишган эдим. Тўғриси, бу инсон ҳақида гапирганда кўз ўнгимда унинг бир қатор ажойиб хислатлари намоён бўлади. Улардан бири унинг камтарлиги эди. Менинг назаримда, у чуқур билим соҳиби, яхши педагог эди. Сабаби, у ўз иш жараёнида яхши мутахассис педагог, тажрибали методист ўқитувчи бўлиб шакллана олди. Узоқ йиллар Педагогика ва БТМ факультетининг методика кафедрасини бошқарди. Жамоада дўстлари ва коллектив орасида обрў қозонди, талабаларга ва дўстларга ўзининг ёрдамчини аямади, кўплаб дўстлар ва шогирдлар орттирди. Инсон ўзининг шу яхши хислатлари туфайли, ҳаётдаги ҳал қилиши керак бўлган ҳар қандай муаммоларни ечаолади. Бундай инсонларни биз ҳеч иккиланмай ақл - фаросатли, илмзаковатли ва қобият соҳиблари деб атаيمиз. Улар: олимлар, ихтирочи, тадбиркорлар, ақлли ва билармон, доно ва ташаббускорлардир. Булар ҳар бир жамиятнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб, унинг тараққиётида муҳим ўрин эгаллайдилар. Мен ҳурмат билан Абдулаҳадни эслаганда, бу порлоқ сиймони яхши дўст, шогирд ва устоз, меҳрибон мураббий ҳамда ажойиб оиланинг бошлиғи, қобил фарзандларнинг отаси сифатида эслайман. Бундай ибратли инсоннинг хотираси ҳеч қачон унутилмайди, йиллар давомида яшайди.

*Содиқ Усмонов, иқтисод фанлари номзоди, ЖДПИ
“Информатика ўқитиш методикаси” кафедраси доценти*

ВАТАНПАРВАР ОЛИМ

Сувонқулов Абдулҳад 1957 йил Жиззах вилояти Бахмал туманида оддий ишчи оиласида туғилган. Мен билган пайтларим, эслаган даврим 1996 йилларга бориб тақалади. Ўша

пайтлари Абдулаҳад илмий ишларини ёқлаб келган, мен эса, институтида тарбиявий ишлари бўйича проректор эдим. Абдулаҳад ўз тиришқоқлиги билан 2005 йилгача Бошланғич методикаси кафедраси мудир, ундан кейин факультет илмий-услубий кенгаш раиси, 1998 йилдан умрининг охиригача институт илмий-услубий кенгаш аъзоси, 2000-2005 йилларда институт илмий кенгаши аъзоси, педагогик амалиёт даврида 2000 йилдан бошлаб, факультет бош услубчиси вазифаларида ишлади.

Абдулаҳад бу вазифаларда билими, қобилияти, илмий салоҳияти, тўғри сўзлиги каби ҳислатлари туфайли ишлаган деб биламан. Шунинг учун у шу вазифаларда фаолият юритган. Педагогик соҳада унга тенг келадигани йўқ эди: очиқ дарсларни ташкил қилишда у ўқитувчиларга ёрдам бериши билан ажралиб турган инсон сифатида гавдаланади. Кечагина навқирон йигит бўлиб юрган педагог олим, бугун орамизда йўқ, лекин унинг хотираси ҳамкасблари, тенгдошлари, шогирдлари қалбида мангу қолади.

Унинг хотираси сидқидилдан меҳнат қилган педагогик фаолияти, бажарган илмий ишлари, таёрлаган ва ҳар хил соҳаларда хизмат қилаётган шогирдлари билан ёдда қолади. Унинг меҳнати, илмий ишлари юртимизнинг барча институтларида қўлланилиб келинмоқда. Абдулаҳад Сувонқулов ўзи бўлмаса-да, қилган меҳнати, илми ўлмади, унинг хотирасини доимо эзгу амаллари билан эслаймиз ва унутмаймиз.

*Неъмат Кушвактов, педагогика фанлари номзоди, ЖДПИ
Мактабгача таълим факультети декани*

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Устозлар тўғрисида гап кетганда, ҳар бир инсон беихтиёр ўтмишга бир назар ташлайди. Ўтмиш хотиралари инсоннинг маънавий оламига чизғилар чизиб, унинг барча фазилатларини инсонларга ибрат – намуна сифатида талқин қилиб

беради. Бугун бир улуғ инсон, устоз, ижодкор, услубчи олим Сувонкулов Абдулахад ака тўғрисида сиз билан фикрлашамиз.

Устоз билан бир неча йиллар давомида бир факультетда фаолият олиб борганман. Хотиралар мени ўша даврларга етаклаб, устоз сиймосини такрор ва такрор кўз олдимга келтирмоқда. Самимий чеҳра, самимий инсон, спортчи ва ижодкор ҳамда олим сиймосига таъзим қилган ҳолда охиратингиз обод, ётган жойингиз жаннат гулларига ўралсин, дея дуо қиламан. Айтадиларки, кимда ким ўзининг ортидан яхши фарзанд ва шогирдлар қолдирса, жаннатидир.

Сувонкулов Абдулахад домла ўта талабчан, ижодкор ўқитувчи бўлган. Доимо дарсга пухта тайёргарлик кўрар, ўз устида тинимсиз меҳнат қилар эди. Математика ўқитиш методикаси фанидан маърузани шу даражада мароқ билан ўтганидан талабалар ҳузурланарди. Талаба дарсдан қониқдими, устоз ўз касбининг моҳири, ўқувчилар қалбига ва онгига илмий тушунчаларни осон, қизиқарли йўл ва воситалар ёрдамида сингдираолган.

Устоз ҳар бир талаба билан эринмасдан ишлар, уларга ўқитувчилик касбининг ўзига хос жиҳатларини тушунтириб, мактаб билан интегратив алоқани йўлга қўйган. Талабаларга бошланғич таълимнинг энг мароқли тамонларини айта туриб, унинг машаққатли томонларига ҳам эътиборини қаратар эди.

Устоздан талабалар ва шогирдларига бир қатор методик кўрсатмалар, илмий-услубий тавсияномалар, қатор мақолалар қолган. Хусусан, устоз Абдулахад Келдиёрович 2009 йилда “О методики совершенствования обучения естественно-математическим дисциплинам”, 2011 йилда “Кўпайтириш жадвалининг ҳаётий тадбиқлари”, “Баркамол авлод таълим-тарбиясида кўпайтириш жадвалининг ўрни”, “Сонларни рақамлаштиришни ўрганиш хусусиятлари”, 2012 йилда “Математика дарсларида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш”, “Бошланғич синфларда математик кечаларнинг мазмуни ва шакли”, 2013 йилда “Уч хонали сонларни ўқиш ва ёзишни ўрганиш”, “Касбий фаолиятни шакллантиришда мустақил ишлашнинг ўрни”, “Интернетдан фойдаланиш мақсадини белгилаш йўллари” каби илмий-услубий ишлар ёзиб қолдирди.

Бу эса, устоз яратган илмий мерос, тажрибалар шогирдларига, талабаларга билим бераётганлигидан, абадий ёрдам қўлини чўзаётганлигидан дарак беради.

Таълим ортидан чопган ва обрў топган инсонга таъсаннолар, Аллоҳнинг раҳмати ёғилган бўлсин!

Низомиддин Усманов

филология фанлари номзоди, доцент.

КАМТАРИН ИНСОН, ЧИН ДЎСТ, ҲАҚИҚИЙ ОЛИМ ЭДИ

Инсоннинг умри топган бойликлари, қурган иморатлари билан белгиланмайди. Балки, амалга оширган хайрли ишлари, тайёрлаган шогирдлари, тарбиялаган фарзандлари билан қадрланади. Шундай инсонлардан бири методист олим, шогирдларнинг жонкуяр устози, талабчан раҳбар Абдуаҳад ака Сувонқулов эди. У кишининг умри даврмида кўплаб устозлари қўлида таълим олди, тарбия топди. Институтда О.Жўраев, Б.Тошмурадов, Х.Тўракулов, Х.Жўраев, Т.Кулмурадовлардан кўп нарсани ўрганди. Гарчи, Аҳад ака Сувонқуловнинг номзодлик ишида расман илмий раҳбар бўлмаса-да, тўғри йўл кўрсатган, қолаверса, проф. В.Монаховни илмий раҳбар қилиб олишга тавсия берган устози Т.Кулмурадов ҳисобланади. Ана шундай кишиларнинг насиҳатига амал қилган Аҳад ака методист олим бўлиб етишди ва номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Аҳад ака бошланғич таълим йўналиши талабаларига умрининг охиригача математика ўқитиш методикаси, қизиқарли математикадан сабоқ бериб келди. У киши дарсга доимо эрта келар, ўқув жадвалидаги дарсини вақтида бошлар эди. Талабаларга бошланғич синфларда математика ўқитишнинг турли усуллари ҳижжалаб тушунтирар, содда мисоллар билан асослаб берар эди. Аҳад ака билан қарийиб 30 йилдан ортиқ бирга ишлаган бўлсак, бирон марта дарсга кечикиб келганлигини, дарсни ўтмай қолганлигини эслай олмайман.

Дарсларни ҳар доим қизиқарли тарзда ўтиб, пухта тайёрланиб келар, кўргазмали қуроолларини қўлтиғига қистириб дарсга кириб кетар, катта маҳорат билан дарс машғулотларини олиб борганлиги учун у кишининг дарсларига талабалар тўлиқ иштирок этар эди.

Аҳад аканинг ажойиб хусусиятларидан бири талабчанлик ҳисобланарди. Талабаларга, оиласига нисбатан ва фарзандларига нисбатан ҳам ўта талабчан эди. Талабаларга берадиган билимини қизғанмай етказишга ҳаракат қилар ва улардан ҳам билимли бўлишни талаб қиладиган ажойиб устоз, ҳақиқий маънодаги педагог олим эди.

Методист олим А.Сувонқулов ўта дилкаш одам эди. Бир марта суҳбатлашсангиз, у киши билан яна суҳбатлашгингиз келаверар эди. Умуман, одамни зериктирмасди. У кишида заҳматкашлик, очиклик, ростгўйлик, фидойилик, инсонпарварлик, дўстларга бўлган меҳрибонлик ҳислатлари мужассам эди.

Аҳад аканинг яна муҳим ҳислатларидан бири спортга қизиқар эди. Футбол ўйнашни яхши кўрар эди, факультетлар ўртасидаги футбол ўйинида ҳужумчи бўлиб ўйинга тушарди, баъзан кўп югурганидан юрагини ушлаб қолар эди. Шашка, шахмат ўйинлари бўйича у кишини ютиш қийин бўлар эди. Шахмат бўйича факультет чемпиони, институтда ҳам у кишини ютадиган шахматчилар кам топиларди. У киши билан шахмат ўйнаган вақтимизда, “Майли сиз учун тўрани олиб қўйиб ўйнайман”, дер эди. Бу эса у кишининг шахмат ўйинини яхши билишини ва ўзига ишончини билдирар эди.

А.Сувонқулов чин дўст инсон эди. У киши дўстликни, инсонпарварликнинг қадрини биладиган, дўстларнинг ҳурмати-ни жойига қўядиган ҳақиқий инсон эди. Домланинг дўстлари кўп эди. Мен буни домла Москва шаҳрида аспирантурада ўқиётган вақтида сезганман. Мен у кишини кўришга Мосвага ҳам борганман, дўстлари билан ажойиб суҳбатлар уюштирганмиз. Аҳад ака бирорта тўй ва маракалардан қолмасди. Мен ҳам ўзимни Аҳад аканинг дўстларидан бири деб билардим ва ўзим ҳам у киши билан дўст ва ҳамкасб бўлиб ишлаганимдан фахрланиб юрар эдим.

Абдулаҳад домла серқирра, кенг қамровли педагог методист олим ва инсон эди. У киши жуда ташкилотчи инсон сифатида ҳам ўз фаолиятини кўрсата олган эди. Шунини сезган институт ва факультет раҳбарияти у кишини дастлаб факультетга ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, кейинчалик эса “Бошланғич таълим методикаси” кафедрасига мудир этиб тайинлашди. Шу даврда баракали меҳнат қилиб кафедранинг салоҳиятини оширишга, ёш ўқитувчиларни илмга йўллаш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

У киши олим сифатида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борди ва илм аҳлига бой илмий мерос қолдирди.

Методист олим сифатида ҳам ўз салоҳиятига эга, фикрини ҳам методист олимлар ўртасида айта оладиган етук мутахассис сифатида ҳам республикада танилиб, математика ўқитиш методикаси бўйича ўзининг ўрнига эга бўла олган олим эди.

*Ғайрат Қодиров, табиий фанлар номзоди, Жиззах ДПИ
илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори*

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ЖОНКУЯРИ ЭДИ

Мен халқ таълими жонкуяри бўлган, педагогика фанлари номзоди, доцент Абдулаҳад Сувонкуловни анчадан бери билардим ва у кишига нисбатан ҳурматим жуда баланд эди. У киши билан педагогика олийгоҳида, малака ошириш институтида бирга ишлаш, турли спорт мусобақаларида бирга қатнашиш менга насиб қилган.

Абдулаҳад аканинг мамлакатимиздаги халқ таълимининг ривожланишига қўшган ҳиссаси катта бўлган. Жумладан, у кишининг таълим соҳасидаги дастлабки меҳнат фаолияти 1979 йилда Бахмал туманидаги 32-умумтаълим муассасасида бошланган. Устоз 1984 йилдан ЖДПИ нинг “Бошланғич таълими методикаси” кафедрасига ишга келди ва умрининг охиригача мазкур кафедрада фаолият юритди. Устоз ўша вақтларда халқ таълими тизимида бўлган Жиззах давлат педагогика институтида ва Жиззах вилоят халқ таълими ходим-

ларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида самарали меҳнат қилди, талабаларга “Бошланғич таълимда математикани ўқитиш методикаси” фанидан сабоқ берди, умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига эса, мазкур фанни ўқитишнинг самарали воситалари ва усулларини ўргатди, инновацион технологиялардан фойдаланиш сирларидан ўз билим, малака ва кўникмаларини улашди.

Домла талабаларнинг амалиётига раҳбарлик қилар, ёш ўқувчиларга содда усулларда математикадан мисолларни ечишнинг турли қоидаларини тушунтирарди. Шунингдек, дарс бериш жараёнларида ҳақиқий олим сифатида ўқитишни ташкил қилар, ўта фаол, ўта талабчанлик ва ўта куюнчаклик билан ўз фанидан маъруза ва семинар машғулотларни олиб борарди. Устоз берган билимидан талаба ва умумтаълим муассасалари ўқитувчилари миннатдор бўлишарди. Урнинг бундан фахрланиб гапирганларига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Домла умрининг сўнгги вақтларигача докторлик диссертацияси, “Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси” фанидан дарслик чиқариш, мазкур фан бўйича курс иши тайёрлаш устида ишлади.

Афсуски, у кишининг илмий ишлари ўз якунига етмай қолди. Бу эзгу ишларни у кишининг шогирдлари ва фарзандлари охирига етказишига ишончимиз, комил.

Ҳозирги вақтда раҳматли педагог олим Абдулаҳад аканинг шарафли касбини ва эзгу амалларини у кишининг фарзандлари давом эттиришмоқда ва улар халқ таълими ва олий таълим тизимида илм-фан ривожланишига ҳисса қўшиб келишмоқда.

Домла ҳаётлиги вақтида ўз манфаатларидан халқ манфаатларини, давлат ва жамият манфаатларини устун қўйди. У киши том маънодаги “Халқ таълими аълочиси” ва ўз фанининг жонкуяр устаси эди.

У киши нафақат фан-таълим аълочиси, балки, меҳрибон ота, зиёли оила бошлиғи, юксак ақл-идрок соҳиби, ажойиб устоз, содиқ дўст, намунали ўқитувчи-педагог олим, таниқли методист, иштиёқи баланд спортчи эди.

Мен 2004 йилда профессор Ғ.И.Муҳамедов раҳбарлигидаги ЖДПИ да касаба уюшмаси раиси сифатида ишлаган вақтларимда, Абдулаҳад ака институт миқёсида ўтказилган шахмат мусобақасида фахрли 1-ўринни эгаллаганлиги ҳамон ёдимда. Бундан ташқари, бошқа вилоятларда ва республика миқёсида доимий ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида устоз хоҳ якка, хоҳ жамоавий бўлсин, институт шарафини доим ҳимоя қилиб келган.

Мен 2015 йилда халқ таълими вазирлигига қарашли Жиззах вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида ректор лавозимида ишлаган вақтларимда институт салоҳиятини кўтариш мақсадида тажрибали мутахассис, кўзга кўринган олим доц. Абдулаҳад Келдиёровичнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш учун у кишини проректор лавозимига ишга таклиф қилган эдим, афсуски, бу режаларимиз амалга ошмай қолди.

Халқ таълими тизими, Олий ва ўрта махсус таълим тизими, жумладан, ЖДПИ раҳбарияти ва жамоаси мана шундай жонкуяр ходими бўлганлигидан ҳар қанча фахрланса ва ғурурланса, унинг хотирасига турли конференция ва мусобақалар ўтказиб, ёш авлодга жонкуяр олим ва спортчи Абдулаҳад аканинг ҳаёт йўлини ўрнак қилиб, китоблар чоп эттирса арзийди.

Абдулаҳад аканинг халқ таълимига қўшган юксак ҳиссаси учун у кишидан чексиз миннатдормиз, домланинг руҳи шод бўлсин, у кишининг сиймоси ва хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

*Сарвар Назарқосимов, Жиззах ДПИ
ёшлар билан ишлаш бўйича проректори*

ЧИРОҚ ТУТГАН ИНСОН

“Бозорнинг “хунари” – сотиш ва олиш, олиш ва сотиш. Бозорнинг “пайғамбари” ҳам, “авлиёси” ҳам – пул! “Бозор – шайтоннинг айвони”, деган гап бор. Айтингчи, қўёш нурини

сотиш мумкинми? Сотиб олишчи?”¹ буюк адибимиздан келтирилган битиклар бежизга эмас. Чунки, умрини кимдир ўғрилиқ, одамларни кўнглини қолдириш билан ўтказса, яна кимдир ўзидан залворли хотиралар қолдиришни хоҳлайди ва шундай яшайди. Бундай инсонлар биз яшаётган даврнинг гултожидир.

Инсонлардаги яхшиликка, хотамтойликка бўлган саъйи – ҳаракатлар улкан тарбия ва олимликнинг белгисидир. Устоз Сувонқулов Аҳад ака том маънода ўзидан яхши из қолдира олган инсонлардан биридир. Унинг илм-фанга қўшган ҳиссаси ёинки оқил фарзандлари бунинг исботи бўлиб қолмай, шу билан бирга ўзидан яхшигина мактаб қолдира олди.

Бу мактаб – тарбия мактабидир. Устоз бўлиш мақоми нафақат ҳарф ўргатиш, ёинки бошқа йўсиндаги бирор сабоқ бериш билан белгиланиб қолмай, балки ўрнак бўла олиш мақомида ҳам намоён бўла олади.

Олий даргоҳда шогирдларга ўрнак бўла олган устоз Аҳад ака “институт виждони” эди. Бежизга бу сўзни ишлатмадик, сабаби ўзининг тўғри сўзлиги, фидойилиги, адолат кўчасида ўзига хос ёритгувчи чироқ бўла олиши билан кўпчиликни меҳрини қозонган эдилар. Сен тушунмайсан, сен ёшсан деган ибораларни амалда қўлламас, қўлдан келганча ҳар бир воқеликни холис баҳолар, кимнидир ёмонлаш, ғийбат қилиш фикридан йироқ эди. Ҳар бир жабҳада фаол инсон сифатида гавдаланар, ўзига бутун бир масъулиятни олишни маъқул кўрадиган инсонлиги унинг институт профессор-ўқитувчилари ўртасида ташкил этилган спорт мусобақасида янада ёрқинроқ намоён бўларди. Жамоани жипслаштира олиши, энг асосийси ёш ўқитувчилар билан тенгма-тенг майдонда ҳаракат қилишини кўриб тўғриси хайрон қолмай иложи йўқ эди.

“Шахсий хоҳишларимизга мос келган нарса бизга ҳақиқат бўлиб кўринади. Унга зид келадиган ҳамма нарса эса ғазабимизни кўзитади” (Андре Маруп) – инсон доим ўзлигини топишга, жамоа ва омма ўртасида тан олинишини хоҳлаб яшайди. Инсон унинг хоҳиш истакларини ўзида мужассам этмаган

¹ Ўткир Ҳошимов “Дафтар хошиясидаги битиклар” Т.: Шарқ, -6.110

воқеа ва ҳодисаларга бефарқ муносабатда бўлиши аксар ҳолларда инқироз кўчасига кириб қолишига олиб келади.

Абдулаҳад ака ҳар бир дарсига алоҳида инновацион технологияларни, кўрғазмали қуроолларни қўллаган ҳолда тайёргарлик кўрар, аудиториянинг диққатини ўзига тортар, таълимтарбияни сифатли қилиб берар эди. Шунинг учун устоз умрининг охиригача, таълим муассасаларини ўрганиш бўйича республика ишчи комиссиясида эксперт гуруҳи аъзоси, ўзи ишлаган “Бошланғич таълим” факультетида эса илмий – методик кенгаш – “Таълим сифати комиссияси” раиси сифатида жамоатчилик асосида фаолият олиб борганлар.

Талабаларнинг одоб-ахлоқи билан боғлиқ масалага ўта синчков, кези келганда, талабчан эди. Гуё, уларнинг бугунги хатоси ибтидо ва интиҳони белгилаб бераётгандек муносабатда бўлар эди. Талабалар маънавиятидаги енгил-елпи ҳаётга ўтиш тенденцияси шунчалик тез рўй бераётган эдики, бу ҳолатни шундайлигича кузатиб туришни хоҳламас эди. Гоҳида, оғзаки танбеҳ берар, гоҳида турли таъсир чораларини ўйлаб топар, энг асосийси ҳар бир талабага ўз фарзандидек муносабатда бўлар эди. Бундай фидойилик, ёниб яшаш ҳисси агар ҳар бир педагогнинг аъмолига айланса, олдимишга қўйган улкан мақсадларга эришамиз.

Устоз Абдулаҳад акадан улкан ҳаёт мактаби қолди. Бу мактаб сабоқлари китоб ҳолида чоп этилмаган бўлса-да, унинг шогирдлари, фарзандлари, ҳамкасбларининг хотираларида абадий сақланиб қолади.

*Абдуваҳоб Эшмуродов, ЖДПИ
“Бошланғич таълим” факультети катта ўқитувчиси*

ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ МУРАББИЙ

Домла билан 2000 йилдан 2015 йилгача бир кафедрада бирга ишладик. Биз ҳамкасб дўст сифатида 15 йил давомида бир-биримизни яхши тушунган, талабаларга замон талаби даражасида дарс бериш, уларни мустақил Ўзбекистонимизга

хизмат қиладиган шахслар қилиб тарбиялаш йўлида меҳнат қилдик. Шу давр ичида педагогика фанлари номзоди, доцент, яхши инсоний фазилатларга эга шахс, кучли математик олим Сувонқулов Абдулаҳад ҳақида шундай тасаввурларга эга бўлдим.

Биринчидан, у киши математик олим, педагог сифатида ўзини фан, таълим йўлида фидойи инсон қиёфасида намоён қилди. Бунинг исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, у аввало, илмий соҳада самарали меҳнат қилди, яъни номзодлик диссертацияси, монографиялар, илмий мақолалар муаллифи бўлиш билан бирга, талабаларга билим беришда катта маҳорат билан меҳнат қилди.

Устоз талабаларга билим беришга ёндашуви ўзига хос эди. У ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўриб, машғулотларни ноутбук билан қуролланиб замонавий инновацион технологияларни қўллаган ҳолда ташкил қиларди. Дарс ўтиш учун аудиторияга бораётганда бир даста кўргазмали қуроллар билан борар, биз ундан: “Шу воситаларнинг ҳаммасини бир машғулот давомида қўллашга улгурасизми?” – деб сўраганимизда, у: “Агар бу кўргазмали қуролларни машғулотда қўллашга улгурмаганимда, уларни кўтариб юрармидим? Мабодо ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат, дарсда қатнашиб ўзингиз бунга амин бўлишингиз мумкин!” – деб бизни дарсга таклиф қиларди. Биз баъзан тажриба ошириш мақсадида домланинг дарсларини кузатганимизда, бу сўзларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилардик ва ўзимизнинг педагогик фаолияти-мизда қўллаш учун баъзи тажрибаларни ўрганишга муваффақ бўлардик.

Домла дарсдан бўш пайтларида ҳам, танаффусларда ҳам суҳбатни илм-фан, таълим мавзусига буришни яхши кўрарди. Ҳамкасблар ҳақида гап кетганда, уларнинг билими, педагогик маҳоратига қараб баҳо берарди.

Доцент А.Сувонқулов талабаларга нисбатан ўта талабчан мураббий эди. Бу талабчанлик атайлаб қилинмаган, балки табиий равишда, туғма ёки ёшликда оилада яхши тарбия натижасида шаклланган талабчанлик эди. Чунки, у аввало, ўзига нисбатан талабчан инсон эди. Домла ҳеч қачон вақтини бе-

корга кетказмас, вақтдан самарали фойдаланишни билар, баъзан суҳбатларда бу ҳислатни Москвалик устози В.Монаховдан ўрганганини айтар эди. Домланинг айтишича, устози В.Монахов кўпинча вақтни тежаш мақсадида консултацияларни таксида кетаётиб беришини, гапи тугагач, топшириқни ўз вақтида бажаришни уқтирган ва таксидан тушишни сўраган. Устозларнинг иш усулларини ҳурмат қилиш ва уларни ўзлаштириш яхши инсонларнинг фазилатларидан ҳисобланади.

Сувонкулов Абдулаҳад оила аъзоларига, хусусан, фарзандларига ҳам ўта талабчан инсон эди. Домланинг 5 нафар фарзанди олий маълумотли бўлишди. Шуни айтиш керакки, отанинг масъулият, бурч каби муқаддас тушунчаларга бўлган ижобий муносабатини ўзлаштириб олишган фарзандлари ҳам бировнинг ёрдамисиз, ўз меҳнати, билими билан олийгоҳларга киришга муваффақ бўлишган. Мен ўзим улардан учтасини – Жамшид, Жаҳонгир ва Дурдоналарни она тили фанидан тест имтиҳонларига тайёрлаш жараёнида амин бўлдимки, улар ҳам мақсад йўлида тиришқоқлик билан ҳаракат қиладиган, топшириқларни ўз вақтида ўзлаштирмагунча кўнгли тўлмайдиган, кучли ирода эгаси эканлигини намоён қилишди. Бу ҳам албатта ота-она тарбиясининг натижаси эканлигига амин бўлдим.

Домладан фарзандлари, уларнинг ўқиши, ўқишни битирганидан кейинги меҳнат фаолияти ҳақида сўраганимда, у менга кўп гапларни айтган эдилар. Эсимда қолганларидан бири шуки, Жамшид Самарқанд давлат университетининг юридик факультетида ўқиб юрган вақтларида (2002-2006 йиллар) пахтага чиққан экан. Бир куни отасига телефон қилиб, талабаларнинг кўпи пахта теримидан кетиб қолганини айтиб, нима қилиш кераклигини сўрайди. Шунда отаси ўғлига то отряд бошлиғи кетиш ҳақида ўзи айтмагунча далада юришини маслаҳат беради. Бу воқеа ота-ўғил муносабати, отанинг фарзандларига масъулиятли бўлиш йўлидаги кўрсатмалари ҳар қандай инсон учун ибратли воқеа бўла олади.

Замон талабларини, ҳукуматимизнинг иқтисодий сиёсатини яхши тушунган ва уни чин дилдан ҳаётда қўллаб борган

Абдулаҳад Келдиёрович қишлоқда дастлаб ота уйида, ундан кейин ўз ҳовлисида яшаётган ўғли Жаҳонгирга кичкина ферма ташкил қилиб, уни ривожлантиришга маслаҳатлар берди. Жаҳонгир яхши меҳнат қилиб, қорамоллар сонини 40 тага етказди ва отасидан “Дада, ферма яхши даромад бераяпти, энди ўқитувчилик қилишим шартми?” -деб сўраганда отаси: “Ўғлим, ўқитувчилик бу-сенинг биринчи ва асосий ишинг, сени давлат ўқитувчилик қилиш учун ўқитган, ферма кўшимча даромад манбаи, ўқитувчиликни ташламагин”, -деб маслаҳат беради.

Абдулаҳад Сувонқулов мураббий сифатида қандай муваффақиятларга эришаётган бўлса, оиланинг намунали фаровон оилаларидан бири бўлишига қандай эришган бўлса, дўст орттириш ва улар билан яхши муносабатларни давом эттириш борасида ҳам барчадан ажралиб турадиган инсон эди. У “Либоснинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши”, деган мақолга амал қилиб, дўстлардан меҳрини аямай яшади.

Алишер Навоийнинг: “Дўст улдурки, ўзига раво кўрмагани дўстига раво кўрмагай” деган сўзлари домланинг дўстлик ҳақидаги тушунчаларига мос келади. Домла дўстларига фақат яхши маслаҳатлар берар, ўзига маъқул бўлмаган, зарар келтирадиган ишларни дўстларига ҳам раво кўрмасди.

Илм-фан, таълим йўлида умрининг бир қисмини фидо қилган олим, намунали оила бошлиғи, садоқатли дўст, барча яхши инсоний фазилатларга эга бўлган шахс Абдулаҳад домла орамиздан эрта кетди, бу ҳол барча яқинларининг, дўстларининг юрагига армон солди, лекин унинг илм-фан, таълим соҳасидаги яхши ишлари, ота изидан бораётган фарзандларининг жамият учун худди отасидек фойдали ишлар қилаётгани, унинг ишларини давом эттираётганлари қалбларга оз бўлсада, таскин беради ва биз бундай яхши инсон ҳали ҳам орамизда юргандек ҳис қиламиз.

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТДА БЕНАЗИР ИНСОН

Ўтмишга назар солсак, устоз деган ном заминиди талабчанлик, қаттиққўллик, меҳрибонлик, талабаларга фарзандидек авайлаб муносабатда бўлиш каби фазилатлар ётади. Ана шундай улуғ фазилатли, устозлар қаторида ўз ўрнига эга бўлган, дилга яқин устоз Абдулаҳад Келдиёрович Сувонқуловни бевақт ўлим орамиздан олиб кетди.

Дунёга келар эканмиз, умримизнинг охиригача атрофдагилар билан муносабатга киришамиз, мулоқот қиламиз. Бу муносабат кишини ўзгартириб бориб, ўзгалардан яхши хислатларни олишни насиб қилади. Ҳар бир шахс эзгулик билан яшаса, унинг ҳаёти ҳикматга бой, ўзи эса атрофдагилар учун ибрат тимсолига айланади. Бундай кишилар жамиятда қанчалик кўп бўлса, ҳаёт мазмуни эзгу ва бунёдкорлик ишлари билан бойиб, ҳаракатдан тўхтамайди. Одам боласи дунёга келибдики, ўзидан ниманидир қолдиришга ҳаракат қилади. Кимдир боғ яратади, бошқа киши эса илм-маърифат қолдиради. Инсоннинг ҳаёт йўли, унинг қилган савобли ишлари, жамият ҳаётига одилана ёндашуви ва самимий муносабатлари билан баҳоланади.

А.Сувонқулов ўзига хос илмий салоҳиятга эга эканлигига амин бўлганман. У киши кўплаб илмий мақолалар, ўқув қўлланмалар, услубий кўрсатмалар ва мажмуалар, методик тавсияномалар ҳамда бошланғич таълим методикаси бўйича турли китоблар ёзиб, илмий жамоатчилик орасида яхши обрўга эга бўлган таниқли методист олим эди. У кишининг илмий салоҳияти самарасидан кўплаб талабалар кенг фойдаланиб келмоқдалар.

А.Сувонқулов нафақат илмий соҳада, балки спортда ҳам ўз ўрнига эга инсон эди. Институт профессор-ўқитувчилари жамоаси орасида ўтказиладиган мусобақаларда, шу жумладан шахмат, шашка беллашувларида доим фахрли ўринларни эгаллаб келган. Шу билан бирга, ҳар йили хотира турнирига бағишлаб ўтказиладиган факультетлараро футбол мусобақаларида

фаол иштирок этиб, ёш ўқитувчиларга ўзининг лидерлик қобилиятини намоён этган ҳолда факультет жамоасини фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни олишларида ўзининг иқтидорини намоён этиб келарди.

2015 йил 17 сентябрь куни чамаси соат бирларга яқин Хурматой опани ҳовлиларига А.Сувонқулов, М.Усмонов биргаликда бордик, у ерда бизни Хурматой опа, Шокиров Усмон ва Раҳматова Ферузалар кутиб олишди, дастурхон атрофида биргаликда суҳбатлашиб ўтирдик, мен эртароқ турайлик дедим, шошилманг яна бир оз ўтирайлик, Феруза иссиқ чой дамлаб келинг деди, анча суҳбатлашиб ўтирдик. Машинада қайтаётганимизда А.Сувонқулов эртага Тошкентга Низомий номидаги Тошкент давлат университетига тақдимотга кетишини айтиб қолди. Мен ҳазиллашиб, “Эртага таваллуд кунингиз нима бўлади, қайси чойхонада нишолаймиз?” – дедим. У киши “Тошкентга бориб келайин, телефонлашамиз”,-дедилар. 2015 йил 18 сентябрь куни кечда эса телефонда нохуш хабарни эшитиб ичимда бир томирим чирсиллаб узилиб кетгандай бўлди.

А.Сувонқулов бугун орамизда йўқ. Аммо, устозлари, яқинлари, шогирдлари ва фарзандлари хотирасида яхши ишлари, меҳрибонлиги, одамийлиги билан яшаб қолади. Охирати обод бўлсин, илоҳим қабри нурга тўлсин.

*Элмурод Насруллаев
ЖДПИ катта ўқитувчиси*

САМИМИЯТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Устоз-муаллим... Дунёда мавжуд касблар орасида энг улуғи ва энг муқаррамидир. Зеро, ота-она мурғак вужудга жон бахш этса, устоз-муаллим ундан ўз билими, ўз беминнат меҳнати билан ҳақиқий инсонни вояга етказди. Шу сабабли ҳар бир замон ва ҳар бир халқда устоз-муаллимлар алоҳида ҳурматга сазовор бўлишган.

Буюк немис шоири Гётенинг шундай ажиб ҳикмати бор: “Яшаш ва севилишга муносиб бўлмоқ учун ҳар куни жангга кирган инсонларгина доимо эл-юртнинг эътирофида, эъзозида бўлмоққа лойиқдирлар”. Жиззах вилоятининг сўлим гўшаларидан саналган тоғли Бахмал туманида вояга етган Абдулаҳад ака Сувонкулов мана шундай кишиларнинг бири, бутун умрини ёш авлодга таълим-тарбия берувчи муаллимларни етиштириш ишларига бағишлаган устоз-мураббийлардан бири эдилар.

Мактабда ўқиётган йилларида устозларининг дарсларини жон қулоғи билан тинглаган олим, уларга ҳавас қилди. Мана шу ҳавас у билан бирга улғайиб, ўқитувчилик касбига муҳаббат уйғотди.

Ўқитувчилик касби бўйича олий маълумотли бўлгач, Жиззах давлат педагогика институтининг бошланғич таълим факультетида ўз меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Абдулаҳад аканинг ўз касбига садоқати, билими ўз соҳасида, яъни математика фанини ўқитишда янги технологияларни қўллаш борасида илмий ва амалий изланишлар олиб боришига туртки бўлди. Натижада, у киши математика ўқитиш методикаси бўйича етук мутахассис бўлиб етишди. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олди. Албатта, бунинг ўзи бўлмайди: кишидан қанчалик ўткир билим, улкан сабр-бардош, чексиз фидойилик талаб қилинади. Бу сифатлар эса домлага хос фазилатлардир.

Устозим Абдулаҳад ака камдан-кам одамларда учрайдиган яна бир фазилати - дардкашлик эди. Маълумки, инсон бошига ташвиш тушганда, муаммолар қуршовида қолганда кўнглини ёзиш учун бир кишига эҳтиёж сезади. Бировнинг дардини, ташвишларини эшитиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Домлада ўзганинг дардига шерик бўлиш сифати бор эди.

А.Сувонкулов замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, математика таълими жараёнида замонавий педагогик технологиядан унумли фойдаланиш самаралари бўйича тадқиқот ишларини олиб борди. Ёш ҳамкасбларига таълим сирларини ўргатишдан, дарснинг самарали бўлишига эришиш борасида маслаҳатлар беришдан чарчамас эди.

Донишмандлардан бирининг айтишича, ўқитувчининг меҳнати бирданига эмас, балки йиллар оша мева беради. Дарҳақиқат, бутун умрини таълим-тарбия соҳасига бағишлаб, бу борада улкан зафарларга эришган Абдулаҳад Сувонкулов ўз педагогик фаолияти давомида юзлаб шогирдларни етиштирди. Бугунги кунда улар Республикамиз халқ ҳаётининг турли жабҳаларида меҳнат қилмоқдалар.

Устозимиз Абдулаҳад ака жисман орамизда бўлмасалар ҳам, қалбан, маънан, руҳан ёнимизда. Жўшқин ҳаёти, қайноқ ижодий фаолияти билан одамларга, жамиятга, ватанга наф келтириш йўлидан борган меҳрибон устознинг охиратлари обод бўлсин!

*Фурқат Тошбоев, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
ЖДПИ "Тарих ўқитиш методикаси" кафедраси мудири*

ИЛМ ФИДОЙИСИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Инсон ҳаётининг мазмунини унинг қанча яшаганлиги билан ўлчаб бўлмайди. Дунё тарихида ўчмас из қолдирган сиймоларнинг кўпчилиги чақмоқ каби порлаб, жуда қисқа умр кечирганлар. Лекин, улар ўзининг ана шу қисқа умрлари мобайнида инсоният тарихида илми ва эзгу амаллари билан ўзларига абадий ҳайкал ўрнатганлар. Абдулаҳад ака ҳаётини ҳам ана шу буюк сиймолар ҳаёт йўлига қиёслаш мумкин.

...Яна бир жиҳат, Аллоҳ севган бандаларини бу фоний дунёдан, абадий ҳаётга кутилмаганда қийнамасдан бирдан олиб кетаркан. Ортда қолганлар эса "...бу мумкин эмас. У киши ҳали соғлом эди. Бу хабар нотўғри, англашилмовчилик", деб қоларкан.

Биз Жиззах давлат педагогика институтига ишга келган пайтлар, Абдулаҳад Келдиёрович номи жонкуяр устозлар қаторида, ижобий маънода тилга олинарди. Ўша пайтлар ҳам ҳозиргидек факультетлар ўртасида футбол бўйича хотира турнирлари ўтказиларди. Унда кўпинча Бошланғич таълим факультети профессор-ўқитувчиларидан иборат футбол жа-

моаси биринчиликни эгалларди. Факультетнинг бу ютуғида, энди ишга келган ёшлар билан биргаликда устозимиз Абдулҳад акани алоҳида ўрни бўларди. У киши ёшига нисбатан жуда чаққон ва моҳир ҳужумчи, тўпурақлардан бири эдилар. Кейинчалик, касб тақозоси билан, пахта йиғим терими ва бошқа жамоатчилик ишларида у киши билан бирга бўлиш ва суҳбатларини олиш насиб этди. Кўпчилик у кишига турли масалаларда мурожаат қилиб турарди. Ҳар қандай вазиятда ҳам устозимиз бирдай самимий эдилар. Айниқса, у кишининг ҳамкасбларининг барчасини тенгдошдай тутиб, ёшу-қари билан бирдак муносабатда бўлишига ҳавас қилардик. Абдулаҳад ака иштирокидаги давралар эса файзли, ҳазил мутойибага жуда бой ўтарди.

Кейинчалик мен А.Сувонкулов билан яқиндан танишиб, у киши ҳақида кўпгина маълумотларга эга бўлдим. У кишида қишлоқда ўсиб, ҳаёт қайнаган, гавжум, шаҳар ҳаётига сингишиб кетган зиёли даражасигача бўлган ижтимоий жараён, оддий, содда тоғ боласидан, зукко олимликкача бўлган ҳарактер мужассамлашган эди. Устозга ўсиб улғайган табиий ва ижтимоий муҳити катта таъсир кўрсатган эди. У кишига мурожат қилинганда менинг ёшим катта, менга қолибдими, деган фикрларни на ҳаракатида на кўринишида пайқамасдингиз. Айтилган пайтида етиб, "Биз тайёр қаерга бориш керак?" деган сўзларидан йигитларга хос шиддат ҳамиша сезилиб турарди.

Ҳурматли устозимизга хос яна бир хислат у киши талабалар билан чин дилдан меҳрини бериб ишлардилар. Шунинг учун бўлса керак у кишини талабалари жуда яхши кўрарди. Кўп масалаларда устоздан маслаҳат олишарди. Абдулаҳад ака ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида турли хил масъул лавозимларда ишлашига қарамасдан, илмий тадқиқот ишлари, педагогик жараёнга янги замонавий технологияларни тадбиқ этиш борасида ҳам самарали ютуқларга эришган эдилар. Янги педагогик технология ва уларни дарс жараёнида қўллаш борасидаги тажрибасидан бугунги кунда нафақат институтимиз балки, республикамиз миқёсида ҳам кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

У киши илмий-тадқиқот ва ўқув-педагогик фаолияти давомида 100 дан ортиқ илмий мақола, ўқув қўлланма, методик тавсиянома, монография, ўқув-услубий мажмуа, фан дастури, намунавий ишчи ўқув дастурлар яратди. Умрининг охиригача ўз мутахассислиги бўйича республикада фан эксперти сифатида ҳам фаолият юритиб жонбозлик кўрсатди.

Ҳали ҳозиргидай эсимда талабалар энди пахта теримида эди. Нима иш биландир институтга келган эдим. Институт ректоратига кириш залига Аҳад акани вафот этганлиги муносабати билан портрети қўйилган ва қисқача ҳаёт йўли ёзилган эди. Бир неча киши ҳеч кутилмаган бу ҳолатдан гангиб қолдик. Чуқур ғамга ботдик. Ёши кекса устозларимиздан бири "Афсус ёмон иш бўлибди. У киши ушлови бор, иши билан сўзи бир энг яхши укаларимиздан бири эди. Бу биз учун, институтимиз учун жуда катта йўқотиш бўлди", деди. У киши нафақат менинг, балки бу ердаги барчанинг дилидаги гапни айтган эди. Абдулаҳад аканинг бевақт вафот этиши нафақат жамоамиз, балки бутун институтимиз учун катта йўқотиш бўлди. Мен ҳам энг қадрдон акаларимизнинг биридан айрилдим. Афсуски, устоз энг кучга тўлган, илмий ижод борасида янада катта ишларни бошлаш арафасида орамиздан бевақт кетган эдилар.

Бироқ, ҳаёт давом этади. У кишининг ишларини фарзандлари, шогирдлари давом эттирмоқда. Тўғри берилган таълим ва тарбия натижасида фарзандларининг ҳар бири жамиятда ўз ўрнига эга. Ўғли Жамшиджон ўзимизни ҳамкасбимиз. Саводли, ҳаракатчан, яхши йигит. Домланинг бошқа фарзандларини ҳам ўқитганмиз улар ҳам тарбияли, илмли, меҳнаткаш йигитлар. Хуллас, А.Сувонкулов фарзандлари ва шогирдлари сиймосида яшамоқда. Устознинг охиратлар обод бўлсин! Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Тўйчи Аҳмедов,
ЖДПИ катта ўқитувчиси

АБДУЛАҲАД АКАНИНГ ИБРАТИ - ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ИБРАТ

Ҳар бир одам характерида ўзига хослик бўлади. Устозимиз Аҳад акада (мен у кишини шундай деб атардим) камтарлик, мулоҳазакорлик, оқиллик, босиқлик, диёнат ва виждон билан иш тутиш, фидойилик каби фазилатлар ярқ этиб турар эди. Айрим инсонларда ташқи фазилатлар ички хоҳиш-истакдан фарқ қилади. У киши эса зоҳири ва ботини уйғун инсон эди.

Табиатан танти ва мард бўлган Абдулаҳад ака ҳақида гапириш, ҳар қанча эслаш у кишини руҳини шод этиш билан бирга, бугун шаклланиб келаётган ёш ўқитувчилар учун ҳам ибрат бўлиб хизмат қилади.

Бир қарашда бўйи пастроқ, кўриниши камтар, оддий юрадиган Аҳад ака суҳбатлашганда анчагина пишиқ, машаққатларда тобланган, донишманд сифатида гавдаланарди. Бояги ташқи кўринишни бутунлай унутардингиз. Чунки, минглаб машаққатлар билан йиғилган тажриба ҳар қандай суҳбатдошни таажжубга солмасдан қўймас эди.

Ўқитувчи сифатида талабчанлик домлада анчагина юқори эди. Одатда талабалар талабчан устозлар дарсига бошқача ёндошади. Ўтилаётган дарсларда фаол бўлишни канда қилмайди. Айнан домлани дарси талабалар учун ҳам масъулият дарси бўлган.

Мен бир жамоада ишлаб, унинг насиҳатларини ҳам эшитганман. Чунки, мусофирчиликнинг уй-жой билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш, бошқа юмушлар билан ҳам шуғулланиш тажрибали инсонлардан керакли йўл-йўриқларни ўзлаштирмасдан бўлмас эди. Ана шу жиҳатдан менга ҳам шу инсоннинг маслаҳатлари асқотган.

Аҳад ака кафедрага энди келган ёш ўқитувчиларга ҳар доим ёрдамини аямаган. Унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишида, ҳар жиҳатдан ўзини тутиб олишида йўл-йўриқ кўрсатиб турган.

Кейин билсам. Домла ҳам фақат ўқитувчилик ойлиги билан чекланиб қолмаган. Қўлидан келганича тадбиркорлик билан шуғулланган. Бўш вақтларида тиниб турмаган, ишбилармонликнинг турли шаклларига қўл урган. Шу боис домла фаолиятида ишбилармонлик ҳам ўзига хос ўрин тутган.

Тўғрида, ҳалол пул топиш, фарзандларни пок ризқ билан озиклантириш учун бўш вақтдан унумли фойдаланиш ҳар жиҳатдан яхши. Энг муҳими, бундай машаққатнинг меваси бошқача экан. Домлани фарзандлари ҳозир қайси ташкилотда ишлаётган бўлса, ўзига хос обрўъ-эътиборга, ўзига хос ўринга эга бўлган кадрлар ҳисобланади. Аслида мана шу ҳалолликнинг ҳосиласи бўлса керак.

Юқорида домлани донишманд сифатлигини айтиб ўтдим. Бу бежизга эмас. Ўтган 2017 йил ноябрь ойи эди. Аҳад акани фарзанди, айнаи вақтда бизга ҳамкасб сифатида ишлаётган Жамшид ака газетага чоп этиш учун иккита материал бермоқчилигини, уни чоп этишга ёрдам беришимни илтимос қилди. Унинг биринчиси ўзининг ёзган мақоласи, иккинчиси дадасини – Аҳад акани ҳаётлик даврида ён дафтарчасига ёзиб қўйган ибратли фикрлари экан.

Менинг ўртоғим “Жамият” газетасида фаолият юритарди. Ундан аввал сўрашимни билдирдим ва шу заҳоти ўртоғим билан боғланиб, газета учун иккита материал борлигини айтдим. У менга мақолани қабул қилишини, ибратли фикрларни чоп этиш газета йўналишига тўғри келмаслигини айтди. Бундан Жамшид ака бироз хафа бўлди, унинг учун мақола билан бирга дадасини фикрлари ҳам босилиши керак эди. Мен эса ўртоғимга қайта қўнғироқ қила олмаслигимни, газетада нимани чоп этиш фақат унга боғлиқ эмаслигини тушунтирдим.

Шундан сўнг мен ҳам газета билан боғланмадим. Орадан икки-уч ҳафта ўтди. Жамшид ака бир куни менга сим қоқиб қолди. “Жамият” газетаси берилган материал босилганлигини айтди. “Ҳа, мақолангизни босиптими?”, деб сўрасам. “Йўқ”, деди. Хурсанд бўлган ҳолда газетада мақола қолиб, дадасининг бир нечта ибратли гаплари чоп этилганлигини билдирди.

Мен ҳам “Жамият” газетасида ишлайдиган журналист ўртоғим айтган жавобидан сўнг ўзгариб қолганлигини кейин

тушундим. Аслида домлани ибратли фикрлари ҳар қандай газетани безайдиган материал экан. Чунки, республика миқёсида чоп этиладиган газеталар агарда ибратли сўзларни чоп этса, Сукрот, Аристотель, Сенека, Алишер Навоий, Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарофиддинов, Ўткир Ҳошимовга ўхшаган машҳур шахсларни гапларини чоп этишини ҳамма билади. Аҳад акани дафтар ҳошиясидаги битиклари анчагина талабчан газета таҳририятига ҳам маъқул бўлган экан.

Мана ўша Жамият газетасининг 2017 йил 1 декабрь сонисидаги “Ҳикмат излаганга....” саҳифасида нашр этилган раҳматли, ажойиб математик устоз, моҳир педагог, педагогика фанлари номзоди, доцент Абдулаҳад Сувонкуловнинг ибратли сўзлари:

1. Энг яхши касб – бу одамлар билан энг кўп мулоқот қиладиган касбдир.

2. Инсон ҳар бир нарсага сабр – тоқат ва матонат билан эришади.

3. Инсон ҳаётда фақат ўз кучи ва билимига таяниб яшаши, ишлаши керак.

4. Фидойи инсон доимо одамларнинг оғирини енгил қилиш ва дарду-ташвишлари ҳақида қайғуради.

5. Инсонларга ҳаётда фақат яхшилик қилиш, ёмонлик қилишдан тийилиш лозим.

Ҳа, шундай. Биз билан елкама-елка ишлаётган инсонлар орасида Аҳад акага ўхшаган буюк устозлар ҳам бор. Уларнинг билими, тажрибалари, ҳаёти давомида кўрган билганлари, шу асосда шаклланган фалсафаси машҳур шахсларникидан қолишмайди.

Институт таълим даргоҳи бўлганлиги учун ҳам уни зиё маскани дейиш мумкин. Бу ердан таҳсил олиб, ҳаёт йўлини топиб олган, шу асосда мактабларда ёш авлодга билим бераётган кадрларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди. Бунинг учун институтда ишлаган ва ишлаётган юзлаб устозларнинг меҳнатини қайта-қайта эътироф этиш керак.

Шу боис ҳамкасб сифатида бу даргоҳда меҳнат қилиб фидойилиги билан, ўз билимига, ўз номига, ўз обрўсига содиқ бўлган, ўқитувчиликни пок мақсадлар билан боғлаб амалга

оширган ва бу ҳаётдан кўз юмган устозларнинг хотирасига ҳар доим таъзим қиламиз.

Руҳингиз шод бўлсин Аҳад ака!

Абдуваҳоб Зокиров, ЖДПИ "Рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси" кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

МАСЛАҚДОШ ДЎСТ ВА КЎМАҚДОШ АКАНИ ЭСЛАБ

*Одамлар бор ўлигида тирикдир
Одамлар бор тиригида ўликдир*

Абдулаҳад акада дафъатан одамни ўзига жалб этадиган, Оллоҳ берган бир куч, меҳр, софлик, ички қатъият мужассам эди.

Домла табиатан зукко, жасоратли, самимий, чуқур мулоҳаза ва мушоҳадали, ички куч ва сокинлик соҳиби ва шу аснода ўта комби ва содда инсон эди.

Абдулаҳад ака билан биз унинг етуклик пайтида дўстлашдик. У киши таъбир жоъиз бўлса, замонавий тилда айтганда, "креатив" шахс эди. Домла математика фанини чуқур ўзлаштирганлиги, ўз соҳасини "аъло" даражада билиш билан бирга дўстлар даврасида "машхур" кучли шахматчи, футбол устаси, яхшигина латифагўй, кучли қувваи ҳофизага эга яхши суҳбатдош, қўйингки, дўстлар даврасининг гултожи эди. Абдулаҳад ака оддий меҳнаткаш оилада тарбиялангандан бўлса керак, у киши ҳаётини масалаларга анча жиддий ёндашар эди.

У киши билан яқиндан ака-укадек дўстлашувимиз ХХ асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларининг бошларида Россия Федерациясининг Москва шаҳрида аспирантура ўташ даврига тўғри келади.

Биз кейинги ҳаётимиз давомида ҳам Аҳад ака билан узоқ йиллар давомида Жиззах давлат педагогика олийгоҳида ўқитувчи, Жиззах педагогика коллежида мен раҳбар ва у киши ДАК раиси сифатида бирга фаолият юритганмиз. У киши

тажрибали педагог сифатида коллежимиз ўқитувчиларига илмий-услубий тавсиялар, педагогик маслаҳатлар, коллежда битирув ишини ёзишнинг услубий қоидалари, тартиб-таомиллари ҳақида муайян тушунчалар бериб турар эди. Мен у кишини намунали оила бошлиғи сифатида ҳам қаттиқ ҳурмат қилар эдим. Бу ўта нозик масалада ҳам мен, устоздан ҳамиша ҳам маънавий, ҳам моддий қўмак олиб турганман.

Ҳозирги кунда Абдулаҳад аканинг фарзандлари ҳам асосан, халқ хўжалигининг ижтимоий соҳасида фаол ҳаракат қилишиб, оталарининг ўрнини билдирмай, тинмай меҳнат қилишмоқда ҳамда улар ҳаётда ўз ўринларини топишиб, намунали оилалар соҳиблари ва соҳибалари ҳисобланишади.

Устознинг охиратлари обод бўлсин! У кишининг нурли сиймоси ҳамиша бизнинг қалбимизда, ҳурмат ва эҳтиромимизда ҳамда иймонимизда.

*Абдували Шамсиев, "Математика ўқитиш методикаси"
кафедраси мудири, доцент*

ИЛМГА БАХШИДА ҲАЁТ

Илм соҳибидан иккита нарса талаб этилади: Биринчиси илмни эгаллаш бўлса, иккинчиси эса ушбу илмни эзгулик йўлида сарфламоқ, яъни толиби илмга етказмоқ. Бу икки ҳолат ҳам инсондан катта машаққатли меҳнатни, шижоатни ва инсоний фазилатни талаб этади.

Ушбу ҳолатларни ўзида мужассам этган дўстимиз, сафдошимиз, касбдошимиз ўта камтарин, ўз соҳасининг билимдони Абдулаҳад Сувонқулов умри қисқа экан, ҳозир орамизда йўқ. Донишмандлар айтишича, инсон ўзининг яшаган умри билан эмас, балки ҳаётдаги қолдирган самарали иш фаолияти меҳнати билан из қолдиради.

А.Сувонқулов "Бошланғич таълим услуги" кафедрасида умрининг охиригача ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди. Минглаб талабаларга "Математика ва уни ўқитиш методикаси" фа-

нидан сабоқ берди. Шу билан бирга иқтидорли талабаларни ижодга, илмий иш билан шуғулланишга жалб қила олди.

Олим А.Сувонқулов Москвада бошланғич таълимда математика ўқитиш методикаси фанининг “ота” ларидан бири педагогика фанлари доктори, профессор В.Монаховнинг ҳақиқий шогирди сифатида унинг илмий раҳбарлигида диссертация ёқлади ва мазкур фанни ўқитиш услуби бўйича Жиззах вилоятидаги ягона мутахассис – методист, таъбир жоъиз бўлса, “фан отаси” га айланган эди.

А.Сувонқулов “Бошланғич таълим методикаси” йўналишида ўқув қўлланмалари, илмий - услубий тавсиянома ҳамда мақолалар ёзиб яратиб, илмий жамоатчилик орасида катта эътиборга сазовор бўлган.

Жумладан, у кишининг “Математика ўқитишда кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш”, “Математика дарсларида иқтисодий масалалар”, “Дарсда ўқувчилар фаоллигини ошириш йўллари” каби мақолалари илм фан олдидаги муаммоларни ечишга, фан намоёндаларига олиниши зарур бўлган билимларни беришга хизмат қилиб келмоқда.

Катта хурмат ва эътиборга сазовор бўлган инсон, дўстимиз ва касбдошимиз, минглаб талабаларнинг севимли устози Абдулахад Сувонқуловнинг ёрқин хотираси абадий қалбларимизда сақланади.

Акбар Валиев, ЖДПИ ўқитувчиси

УМРИ БОҚИЙ ИНСОН

Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўлар экан: айрим инсонлар ҳақида ўзидаги мавжуд хотираларни баён қилиш учун бирор жўяли сўз айтишга қийналиб қоларкансан, киши. Бунинг боиси, гўёки, хотираланаётган инсон бу дунёни тарк этмагандай, ўзининг қарашларию, ҳар қандай вазиятда ҳам чигал тугунларни осонгина еча олишдек-фақатгина ўзига хос булган

иқтидори ва лаёқати билан доимо ҳамнафас, ҳаётий ҳамкорликда ёнма-ён юргандек туюлаверар экан.

Эл корига яраш бу – шарафдир. Инсон яралгандан буён шу мақсадга интилади. Яратган эгам берган истеъдод ёки тинимсиз меҳнат туфайли бунга эришганлар анчагина. Улар тор маънодаги моддиятдан – яратувчиликни, ақлий етукликни, эл – юрт хизматини ва касбий садоқатни устун қўядилар. Шу боис халқ, миллат манфаати йўлида жонини ҳам аямасдан элнинг назарига тушадилар. Бундай инсонларнинг умри боқийдир.

Диёнатли олим, кечиримли ва мустаҳкам иродали инсон Абдулаҳад ака Сувонкулов шундай кишилардан эди. У кишининг ҳар қандай кийинчиликларни жим туриб, мардонавор энгиб ўтганини, баъзан чидаб бўлмас хўрлик, алам-ситамлар оғушида ҳеч кимни айбламасдан, янада шиддат билан давом эттириб яшаганини билган биледи, билмаган билмайди.

Мен Абдулаҳад аканинг яхши кунларида кўп бўлганман. Жумладан, Тошкент шаҳрида ўтган асрнинг 90-йилларида номзодлик диссертациясини ҳимоясида қатнашганман. Унда мендан ташқари, Мардон Тулибоев, Фурқат Ахмедов ва бошқа қариндошлари иштирок этишган.

Ўша ҳимоя жараёнида Абдулаҳад аканинг диссертацияни қойилмақом ҳимоя қилгани кенгаш аъзоларида илиқ таасурот қолдирган эди. Ва улар овоз бериш жараёнида номзодлик имтиҳонини муваффақиятли ҳимоя қилганини эътироф этишганди. Ҳимоядан сўнг Абдулаҳад ака иштирокчиларни яхши меҳмон қилган эди. Ажойиб давра суҳбати бўлган эди. Домланинг суҳбатидан у кишининг қандай илмий салоҳиятга эга эканлиги кўриниб турар эди. У киши зукко ва топқирлиги билан суҳбатдошда самимий туғуларни ҳосил қиларди. Устоз А.Сувонкулов ҳақиқатдан ҳам умри боқий инсон эдилар. У кишидан бой илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий мерос қолди.

II боб. СИНФДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

Бегимкул Давлатов

УНУТИЛМАС КУНЛАР

1964 йил 1 сентябрь – мактабга биринчи қадам қўйилган кун. Мен ўша кундан бери Абдулаҳад Сувонқуловни танидим ва бирга 1-синфда ўқишни бошладик.

Абдулаҳад хотираси ўткир, истараси иссиқ, ювош, доим кулиб юрадиган, оқ кўнгил бола эди.

Биринчи ўқитувчимиз Нажия Сулеймановна эди. У бизга илк бор қалам, ручка ушлатиб, дафтарга ёзиш ва ўқишни ўргатган устоз эди. Биринчи ўқитувчимиз меҳрибон, талабчан, гоҳида қаттиқ қўл раҳбар эди.

Абдулаҳад синфда аълочи ўқувчилар қаторида турарди. У синфда ҳаммадан чиройли ёзарди, яхши ўқирди, шунинг учун унга ҳамма ҳавас қиларди. Биз мактабнинг 2-синфини битириб, 3-синфга ўтганимиздан кейин синфимизга янги раҳбар бўлиб Лапас ака Бойзоқов келдилар. Бу инсон жуда қаттиққўл бўлиб, болаларни аямасдан, қаттиқ-қаттиқ гапириб уришарди ва яхши ўқишга ундарди.

Ўша вақтларда синфда мен билан Абдулаҳад бир партада ўтирганимизда бир қизик воқеа бўлган: Мактабимизга рус тилидан дарс берадиган янги бир ёш қиз ўқитувчи келди. Унинг исм-фамилияси ёдимда йўқ. Бир уни ўша рус тили фани ўқитувчиси бизга диктант олмоқчи бўлди. У: “Ҳамма рус тили китобини столимга олиб келсин!”-деди. Биз Абдулаҳад иккаламиз охирги партада ўтириб олган эдик. Ўшанда рус тили китобимни мен ҳам топширмоқчи эдим. Шунда Абдулаҳад менга: “Китобни тез яшириб қўй!”-деди ва мен индамай китобни яшириб қўйдим.

Ўқитувчимиз диктантнинг сарлавҳасини доскага ёзди: “Москва столица нашей Родины”.

Диктант бошланди. Абдулаҳад менга тезроқ имилламай китобни очиб, мавзуни топ деди. Мен дарров излаб ўша мавзуни топдим. “Энди нима қиламиз?” – дедим, мен. Дўстим:

“Жим бўл!” – деди. Ўша вақтларда мактабларда очиладиган қопқоғи бор парта бўларди, қопқоғини ярим кўтарсак, китобдаги ёзувлар кўринарди. Биз иккаламиз шоша-пиша кўчиришни бошладик. Чунки, рус тили фанини ҳали энди бошлаганимиз учун биз учун қийин фан эди, сўзларни яхши тушунмас эдик.

Ўқитувчимиз диктантни ўқиб тугатмасдан, биз диктантни ёзиб тугатдик. Биз ўйинқароқ болалар билмабмизки, ҳали диктант тугалланмасдан, уни топшириш мумкин эмаслигини.

Икковимиз ҳам диктант ёзган варақларимизни ўқитувчимизнинг столига қўйиб, футбол ўйнагани чиқиб кетдик. Ўқитувчимизнинг ҳам ҳаёлига келмабди, қандай қилиб, улар ҳаммадан олдин диктантни ёзиб тугатиб қўйди, деб. Ана шунақа воқеалар ҳам бўлган.

Биз 5-синфга ўтганимизда Зоя Галимовна деган, жуда қаттиқ қўл раҳбаримиз бўлар эди. Ўша пайтларда пахта теримига чиқар эдик. 30-40 кг норма бўларди. Агар нормани бажармасак жуда қаттиқ жазолар эди. Шунинг учун нормани бажаришга мажбур эдик.

Биз ўйинқароқ ёшлар кўпинча, сойга футбол ўйнагани чиқиб кетардик. Кечқурун эса, ўқитувчиларимиз, бизни норма қилмаганимиз учун роса калтаклар эди. Мактаб давримизда бунақа воқеалар кўп бўлган.

Абдулаҳад математика, физика, чизмачилик дарсларини жуда яхши ўзлаштирар эди. Мен эса бу фанларни яхши билмасдим.

Мактабда бу фанлар билан боғлиқ яна бир қизиқ воқеа бўлгани ҳали ҳамон эсимда. Абдулвали Йўлдошев деган, ўқитувчимиз метематика, физика, чизмачилик фанларидан дарс берарди. Бир куни ўқитувчимиз чизмачиликдан бир деталнинг чизмасини чизиб келишни уйга вазифа қилиб берди. Мен уни чизишга кўзим етмасди. Абдулаҳад эса ўша чизмани худди китобдагидай қилиб, чизиб, “5” баҳо олди. Ўша вақтда ҳамма чизган чизмасининг тагига ўзларининг исм-фамилиясини ёзиб қўярди. Мен Абдулаҳаддан ўша чизмасини сўраб олдим ва унинг фамилиясини ўчириб, ўзимнинг фамилиямни ёзиб, ўша ўқитувчига олиб бордим.

Ўқитувчимиз менга қараб туриб, “чизса бўлар, экан-ку”, деб “4” баҳо қўйиб берди. Ана шунақа қилиб, менга Абдулаҳаднинг кўп ёрдами теккан.

Мендан кейин яна бир ўқувчи, ўша чизмани мендан олиб, фамилияни ўзгартириб, ўзини фамилиясини қўйиб, ўқитувчига олиб борган эди. Уни ўқитувчи сезиб қолиб, ўша ўқувчига “2” баҳо қўйди.

Ана шундай воқеалар ҳам бўлган, ёшлигимизда.

Абдулаҳад ёшлигидан олим бўлишни ният қаларди. Отаси Келдиёр отанинг ҳам истаги ўғлини олим бўлганини кўриш эди. Абдулаҳад вояга етиб, илм йўлидан кетди, чет элларда ўқиди ва тинимсиз машаққатли меҳнат эвазига олим бўлди. Ўзининг ва отасининг орзусини амалга оширди.

Ёрқин истеъдод ва тафаккур эгаси бўлган дўстим Абдулаҳад ўз фаолияти даврида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва кўплаб ёшларга устозлик қилди. Олим Абдулаҳад Сувонқуловнинг халқимизга, Ватанимизга ўчмас из қолдирган катта хизматлари шогирдлари, синфдош дўстлари, курсдошлари, устозлари, ҳамкасблари, қариндошлари, фарзандлари, оила аъзолари ва барча яқин инсонлари томонидан юксак эътироф этилган ва унинг хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Лапас Бекбўтаев

МАКТАБ ДАВРИДАГИ ВОҚЕАЛАР

Мен Абдулаҳад билан 1-синфдан бирга ўқиганман. У билан 1964 йилдан 1971 йилгача бир қишлоқда яшаб, Булунғур туманидаги А.Фадеев номли 20-мактабда ўқиб, таълим-тарбия олганмиз.

Синфдошим Абдулаҳад бўйи пастгина ва ўта чаққон ҳаракат қиладиган бола эди. Қишлоғимизда ўз даврида футбол ўйини жуда тараққий этган эди. Абдулаҳад футболда эпчил ва чаққон ҳаракат қиладиган кучли футболчи эди.

У қишлоғимизда ва мактабда ўша вақтларда машҳур футболчи бўлган “Олег Блохин” номини олган футболчига айланган эди.

Абдулаҳад баландликка сакраш мусобақаларида ҳам муваффақиятли қатнашарди. Жумладан, 1970 йил Булунғур туманида ўтказилган спартакиадада тайёргарлик кўриш мақсадида мактаб ичида чемпионат ўтказилганда у баландликка сакраш бўйича энг юқори кўрсаткични, яъни 1.25 см сакраб, 1-ўринни қўлга киритган эди. Булунғур туманида ўтказилган спартакиадада эса фахрли 2-ўринни олиб, мактаб шаънини, обрўйини кўтарганлиги ҳалигача эсимда.

У мактабда жуда яхши ўқир эди, доимо аълочилар ўтирадиган партада ўтирарди. Биз синфда 19 киши бўлганмиз. Шундан 3 таси аълочи эди. Абдулаҳад, Абулқосим ва Марҳамат. Абдулаҳад билан Абулқосим амакиваччалар эди. Улар жуда яхши ўқир, кўп китоб мутолаа қилар эди.

Ҳа, Абдулаҳаднинг яхши инсон бўлиб, вояга етишида унинг ота-онаси берган тарбия катта роль ўйнаган. Унинг отаси Келдиёр ота ўша пайтларда катта юк машиналарини, самосвалларни ҳайдар эди, адашмасам машина номери 60 41 ЕЧ эди. Келдиёр ота қариндош уруғларини бириктириб турар, уйда зиёфат бериб турар эди. У киши тарих китобларини, айниқса Амир Темур ҳақидаги китобларни севиб ўқир эди. Абдулаҳад ҳам отасининг китобларини ўқиб, ўрганар эди. Биз бу яхши инсонлар билан бир қишлоқда яшадик, кейинчалик, улар Бахмал туманидаги Барлос қишлоғига кўчиб кетишган бўлсада, борди-келдимизни давом эттириб келганмиз. Уларнинг қариндошлари Келдиёр отанинг укаси Қаюм бобо, амакиси Ҳолмуҳаммад, Абулқосим ва бошқалар билан ҳозиргача тўю маракаларда учрашиб турамиз.

Абдулаҳад уйланиб, ажойиб оила қурди. Олий ўқув юртлиларида таҳсил олиб, устоз мақомини олди ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қилди. У ўзидан бой маънавий мерос қолдириш билан бирга, укаларини, сингилларини, фарзандларини ардоқлаб, уларга унутилмас хизмат қилди ва элу юрт ичида яхши ном қолдирди. Унинг қилган хайрли ишлари ва қолдирган бой илмий мероси ҳамда тажрибаси бу ажойиб

инсон номини унутмасликка, ҳамиша ҳурмат билан хотирлашга чорлайди.

Абдулаҳад билан охирги марта 2015 йилда унинг амакиси, синфдошимиз шоир Абулқосимнинг қизини тўйида учрашганмиз ва ажойиб суҳбат қурганмиз.

Мана шундай ажойиб хотира китобини тайёрлашда ташаббус билан чиққан, дўсту биродарларнинг хотира сўзларини, қалб фикрларини билдиришга тақдим қилинган имконият учун Абдулаҳаднинг оила аъзоларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Абдулаҳаднинг руҳи мубораклари шод бўлсин!

Шукур Бўрибоев

ҚАДРДОН ДЎСТ

Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёрович – менинг энг яқин дўстим, синфдошим, тенгдошим. У ёшлигидан тиришқоқ, интилувчан, меҳнаткаш, тадбирли инсон эди. Абдулаҳад дастлаб Булунғур туманидаги мактабда ўқиб, кейинчалик 1973 йилнинг апрел ойида Бахмал туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактабида 9 синфнинг охирларида бизнинг синфга келди. Чунки, унинг отаси Келдиёр ота зукко, таъсирли ва тадбиркор инсон бўлиб, Барлос қишлоғида (ўша пайтлардаги Рассвет совхози) шафёрлик касбида ишлар эди. Ўша пайтлар улар ва яқин қариндошлари Бахмал тумани Барлос қишлоғига кўчиб келишган. У синфдошлар ичида ўтқир билими, ақлу фаросати, илму маърифати билан ажралиб турарди ва ҳурмати баланд эди.

1973 йил декабрь ойида Самарқанд вилояти Бахмал тумани (ўша вақтда Бахмал тумани Самарқанд вилоятига қарар эди) Рассвет совхозида Алишер Навоий номли 32-мактаб ташкил этилди. Бу мактабда иккита синф бўлган. 10-“А” синфда барлослик ёшлар ўқиса, 10-“Б” синфда музбеллик ёшлар ўқиган. Абдулаҳад 10 -“А” синфда биз билан бир синфда ўқиди.

Бизнинг 10-“А” синфимизда ўғил болалардан мен, Абдулаҳад, Маматқулов Мустафоқул, Зиқиряев Исмоил, Эшонқулов Шоҳимардон, Ҳикматуллаев Абдулла, Ибрагимов Тоҳир, Бўрибоев Мўминлар бўлиб, қиз болалардан эса Саримсоқова Зайнаб, Давурова Зубайда, Салоҳиддинова Мастура, Сулаймонова Бувсора, Турсунмуродова Хурсанд, Муҳаммадиева Зебо, Тожибоева Марям, Ибрагимова Зухра, Акромова Шодмонлар бўлган.

Абдулаҳад ва биз синфдошлар 1974 йил мактабни тамомлаганимиздан сўнг, 1975 йил ёз ойига қадар ўз меҳнат фаолиятимизни Рассвет совхозидаги фермада иш билан банд бўлганмиз. Чунки, ўша вақтларда одамлар аксарият ҳолларда бекор бўлишмаган.

Кейинчалик Абдулаҳад Жиззах давлат педагогика институтига ўқишга кирди, мен эса Самарқандга қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирдим.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Абдулаҳад Москва шаҳрига аспирантурага ўқишга кетди. Мен 1989, 1990, 1991, 1993 йилларда Абдулаҳадни кўришга Москвага бориб келганман. У айтган нарсаларни Ўзбекистондан олиб борганман. У миллий таомлардан ошни яхши пиширарди. У Россиядаги устозларига ва ҳамкасбларига ош дамлаб, ўзбек таомларининг зўрлигини ва бетакрорлигини кўрсатиб қўярди. Россия Фанлар Академиясининг ётоқхонасида Жиззах вилоятдан борган Зокиров Абдуваҳоб, Толибов Ўткир каби илм толиблари билан бирга яшаганини яхши эсламан. Ҳар борганимда улар билан дилдан суҳбат қурардик.

Абдулаҳад институтни битирганидан кейин, дастлаб ўқитувчилик қилди, кейинчалик спорт бўйича Рассвет совхозида масъул ходим бўлиб, ишлаб, отасининг эзгу ишларини давом эттирди. Унинг отаси Келдиёр Сувонқулов Барлос қишлоғидаги масжидни қурдиришда ҳаммага бош-қош бўлганлигини, ташаббускорлигини, илғорлигини, иродали инсон эканлигини барчамиз яхши биламиз. Қурилиш учун кетадиган маблағларни одамлардан шакллантирган ва тўплаб, қишлоқдаги усталарни ишга солган ва шу тариқа маданият маскани бунёдга келган.

Отасининг яхши хислатлари унга ҳам ўтган бўлиб, одамларни бирлаштириб, жамоатчилик кучи асосида қишлоқда стадион қуришга эришди. Олмани тагига олма тушади, деганларидай, отасининг эзгу ишларини фарзандлари ҳам давом эттиришмоқда.

Биз Абдулаҳад билан ҳаётимиз давомида кўплаб тадбирларда бирга бўлганмиз. У билан оилавий борди-келди, қилиб турар эдик. Ҳар йили ёз фаслида Бахмал туманидаги дам олиш масканларига оилавий дам олгани чиқардик. Бизнинг фарзандларимиз ҳам тенгқур бўлишиб, улар дўстлигимизни давом эттиришмоқда.

Абдулаҳад Россияда фақат ўқиш билан шуғулланмасдан, тадбиркорлик ҳам қиларди. Жумладан, у савдо илмини пухта ўзлаштирган эди. Шу сабабли 1996 йилдан бошлаб институтда ўқитувчилик қилиш билан бир вақтда, Жиззах шаҳридаги Бизнес фондда инструктор бўлиб ҳам ишлаб, тадбиркорларга бизнес режа ҳам тайёрлаб берарди.

Камтарин, хушмуомала, тўғрисиўз, ўз соҳасининг билимдони бўлган синфдош дўстимиз Абдулаҳад ҳаётда завқланиб, шукроналик билан, одамларга яхшилик қилиб яшади. У авлодлар олдидаги, оиласи, ота-онаси, фарзандлари, турмуш ўртоғи олдидаги, қариндош уруғлари олдидаги бурчини садоқат билан бажарди. Унинг ўзига хос хусусиятлари, қилган эзгу ишлари бизга ҳар жиҳатдан намуна бўлиб қолади.

Тоштемир Отабоев

БОЛАЛИК ХОТИРАЛАРИ

Мен, синфдошим Абдулаҳад билан болалиқдан бирга катта бўлганмиз. У ёшлигида ўйинқароқ, шўх, пухта, яхши бола эди. У энг аълочилар қаторида бўлиб, яхши ўқир устозлар ўргатган барча фанлардан билимларни ўзлаштирарди. Айниқса, математика фанига қизиқиши баланд эди. Унинг келажақда математика бўйича таҳсил олиб, юқори чўққиларни забт этиши, балки, шу фанга қизиқишининг баландлигидандир.



**Норбоев Сувонкул Норбоевич 1888-1964 йй.
Абдулахад домланинг катта отаси**



**Домланинг отаси Келдиёр Сувонкуловнинг
акаси Мамарасул Сувонкулов 1940 й**



А.К.Сувонкуловнинг отаси Келдиёр Сувонкулов ва онаси Сора Турсунмуродова. 1990 й.



А.К.Сувонкуловнинг (пастда чапдан иккинчи) 1-синфлик даври. Биринчи ўқитувчиси ва синфдошлари билан, 1964 йил



Ёш ўқувчининг 2-синфлик даври, (юқоридан биринчи) синфдошлари билан 1967 йил



Иқтидорли ёш ўқувчининг юқорида 4-синфлик (юқорида чапдан иккинчи), пастда 7-синфлик(юқорида чапдан бешинчи) даври. 1968, 1971 йиллар.



А.К.Сувонкуловнинг (юқори қаторда чап томондан тўртинчи) 6-синфлик даври. Самарқанд вилояти Булунғур тумани, 1970 йил 16 май.



А.К.Сувонкулов (пастга 3-қаторда, чапдан биринчи) 8-синфлик даврида, устозлари ва синфдошлари билан, 1972 йил.



Талабалик - олтин даврлари 1976 йил



1978 йил



А.К.Суюнқулов ховлисидаги боғда., 1977-й.



1979 йил



Пахта терими даври 1977 йил.



Талаба А.Сувонкулов дўстлари билан. 1977 й.



А.К.Сувонкулов курсдошлари билан амалиётда, 1978 й.



**Домла бошланғич синфларда математика фани бўйича педагогик амалиёт жараёнида.
1978 йил.**



А.К.Сувонкулов турмуш ўртоғи Ҳ.Н.Саримсоқова билан 1979 йил декабрь.



Домланинг синглиси Мехринисо, онаси Сора ва турмуш ўртоғи Ҳанифа, 1981 й.



Домланинг синглиси Мехрибон, ўгли Шерзод, укаси Маҳмуд ва синглиси Шаҳрибон.
1982 й.



Домла (пастла чаидан биринчи) сардорлигидаги “Барлос” футбол жамоаси. 1982 й.



А.К.Сувонкуловнинг ота-онаси, укаси Махмуд, сингиллари Шахрибон ва ўгли, Муҳаббат (чапдан бешинчи), Сайёра (пастдан учинчи) ва Барно (пастдан биринчи) ҳамда Жамшид. 1983 й.



Домла ўгли Жаҳонгир билан. 1985 йил.



Домла сафарда ҳамкасблар^и билан. Волгоград. 1983 йил 26 март.



А.К.Сувонкулов амакиси Нур^{иддин} Жўраев билан. Москва, 1989 йил.



Домла спартакиадада. Тошкент вилояти, 2004 й.



Домла махсус сиртки булим талабалирда дарс бериш жараёнида. 2004 йил.

Абдулаҳад мактабда яхши ўқиган. Биринчи ўқитувчимиз Нажия Сулаймоновна бўлиб, у қаттиққўл эди. Биз биринчи синфдан саёҳатлар қилардик, 1964 йил май ойида биринчи ўқитувчимиз билан бирга расмча ҳам тушганмиз. Абдулаҳад аълочилар ўтирадиган "қизил пярта" да ўтирарди. 1972-1976 йилларда мен Жиззах шаҳрида техника бўйича ўрта таълим муассасасида ўқиганман. Абдулаҳад эса Жиззах давлат педагогика институти талабаси эди. Шунинг учун ҳаёт йўлимиз ўша даврларда бирга бўлган.

Мени ўша пайтларда "Сиган" деган лақабим бор эди. Мен Абдулаҳадларнинг Барлос қишлоғида (ўша вақтларда улар оиласи билан шу қишлоққа кўчиб кетишган эди) кино намойиш қиладиган клубда кино олиб келардим ва кўярдим. Абдулаҳад эса, ҳисоб-китобчи қилар, кассирлик вазифасини бажарарди. Биз пул топиш учун буни қилмасдик, балки, одамларга қувонч улашиш асосий мақсадимиз эди.

Абдулаҳадлар яшаган Булунғур туманидаги ҳозирги Янгиариқ маҳалласи яхши жой эди. Абдулаҳаднинг отаси Келдиёр ота шафёр бўлиб ишласа-да, замонавий, маданиятли, маърифатли, билимли, фаол инсон бўлган. Чунки, ўша даврларда қишлоқда иккита ёки учта телевизор бўларди. Аҳадларнинг "Аэлита" деган телевизорлари бор эди. Биз кўпчилик бўлиб, уларникига телевизор кўришга борардик. Телевизорда кўрсатув кам бўлиб, асосан уруқ давридаги фильмлар, театрлар кўп намойиш қилинарди. Бу кам сонли кўрсатувларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлган. Келдиёр отасининг хонадонида меҳмондорчилик аримасди. Абдулаҳаднинг онаси Сора она меҳмонларни кутишдан чарчамасди. Ҳа, улар меҳмондўст оила эди. Уйдаги маданий, маърифий муҳит фарзандлар тарбиясидаги асосий ролни уйнагани шубҳасиз.

Ёшлигимиздан мен ва Абдулаҳад жуда шўх бўлганмиз, қизиқарли воқеалар кўп бўлган. Хатто мен, Абдулаҳаднинг аммаси Фотима опанинг келинчақлигида бетини очганлигимни яхши эслайман. Ўшанда мен, 2-синфда ўқиганман.

Биз ҳалигача раҳматли Келдиёр отанинг ака-укалари, сингиллари ва уларнинг фарзандлари билан борди-келди қилиб турамиз.

Кейинчалик Абдулаҳад олим бўлиб, Москвада таълим олиб, билимларини янада кучайтирди ва ўзининг билимларини келажак авлодга улашди ва уларга зиё тарқатди. У талабаларга таълим беришдан, одамларга маслаҳат бериб, тўғри йўл кўрсатишдан вақтини қизғанмайдиган фидойи инсон эди.

Абдулаҳад кенг фикрловчи, ҳар томонлама ўйлайдиган, одамларининг кўнглини олишни биладиган, уларга керак бўлса, ўзининг ёнидан харажатни аямасдан чиқим қилиб, чойхоналарга меҳмон қиладиган, ҳаёт йўлида сабоқ бўла оладиган мард, намунали инсон эди.

У Москвадан уйига келганда кўплаб, олиб келган совға саломлар билан оила аъзоларининг, укаларининг, сингилларининг, ота-онасининг ва бошқа яқинларининг кўнглини оларди. Уларнинг оиласи ҳурмати баланд, одамлар ҳавас қиладиган оила эди.

2015 йил сентябрда Абдулаҳаднинг вафоти ҳақидаги хабар барча дўсту биродарларнинг юрагини ларзага келтирди. Бу биз учун кутилмаган катта йўқотиш бўлди. Илоҳим, синфдош дўстим Абдулаҳаднинг жойи жаннатда бўлсин, охирати обод, руҳи шод бўлсин!

Эркин Хўжамов

ДЎСТИМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРИМ

Синфдош дўстим Абдулаҳад Сувонқуловни эслаб, унинг инсонийлик фазилатлари, чин дўстлиги, юксак билим эгаси эканлигини эътироф этаман. Бир вақтлар биз мактабда ўқиб юрган вақтларимиз, математика фанидан барча синфдошлардан олдин имтиҳонни ўтирмасдан оғзаки топшириб чиқиб кетгани эсимда.

У киши фанлардан ташқари, спортнинг барча туриларига қизиқарди, айниқса шахматдан ҳеч қачон юта олмаганман.

У мактаб давримизда биз қолдирган дарсларимизни ўзлаштиришга ёрдам берарди. Дўстимнинг одоб-ахлоқи шахсан менга ҳамиша ўрнак бўлиб келган.

Шундай қилиб, ёшлик даври ўтиб, мактабни битириб, ҳар биримиз ҳаётнинг сўқмоқларидан турли томонга бошлади. Абдулаҳад 1975-1979 йилларда Жиззах давлат педагогика институтига ўқиди. 1979 йилдан ўзи ўқиган ўрта мактабга ўқитувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик Жиззах педагогика олийгоҳига ўқитувчи бўлиб ишга кирди. Тиришқоқлиги, интилувчанлиги, изланувчанлиги, илмий салоҳияти ва самарали меҳнати эвазига илмий даража ва доцент унвонини қўлга киритди.

Мен яна болаликка қайтиб, у киши тўғрисида айтадиган бўлсам, Абдулаҳад пахта даврида ҳаммадан кўп пахта териб, барчага намуна бўлганини ҳам яхши эслайман.

1980 йил мен Абдулаҳаднинг камтаринлигига ўзим гувоҳ бўлганман. У институтни битириб, шунчалик билими кучли бўлишига қарамасдан Бахмал туманидаги 31-ўрта мактабга кун узайтирилган гуруҳда оддий ўқитувчи бўлиб ишга келди. Мен ўшанда қишлоқда бош ҳисобчи бўлиб ишлардим. Ўша вақтларда Абдулаҳадга “Нега қишлоққа қайтиб келдингиз, сиз бу билим билан олийгоҳда ҳам дарс беришингиз мумкин эдику”, деган пайтимда, у киши менга “Аввало, оилага қарашини кераклигини, оилада тўнғич фарзанд эканлигини”, айтган эди.

Унинг гаплари самимий ва чин юракдан чиқарди.

Пахта даврларида доим бирга бўларди, чунки мактабдаги кун узайтирилган группа ўқитувчилари ҳашарга биринчилар қатори чиқишарди.

Мен у кишига қаттиқ ҳазил қилардим: “Олий маълумотли бўла туриб, мендек ўрта маълумотли ҳисобчи билан пахта териб юрасизми”, дердим, У киши шунчалар камтарин эдики, менинг гапларимни кўнглига олмас, гина сақламас эди.

1975 йили мактабни битирганимизга бир йил бўлганида Булунгур туманида газли сув сотувчиси олдида тасодифан учрашиб қолганимизда, мен Самарқанддаги Архитектура олийгоҳига ҳужжатларимни олиб кетаётганлигимни айтганимда, у менга чин дилдан омад тилагани, ҳамон ёдимдан чиқмайди. Мен эса унинг ўзига ҳам омад тиладим. У Жиззах педагогика институтига ўқишга кирди, мен эса кираолмасдан

қайтиб келдим ва ҳарбий хизматга кетдим. Биз хат ёзишиб турдик.

У киши Москвада Россия педагогика фанлар академиясида аспирантурада ўқиб келди. Сўнгра, 1994-1995 йилларда Тошкентда Низомий номли педагогика олийгоҳида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мен ҳам яқинлари қатори ўз табригим билан иштирок этдим.

Дўстим Абдулаҳад ҳозир орамизда йўқ, лекин у ёдимизда абадий қолади!

Тоҳир Ибрагимов

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ...

Синфдош дўстим ва энг яқин қадрдон жўражоним Аҳад (Мен уни шундай деб атардим) билан биз бирга катта бўлганмиз. У ўтган асрнинг 70-йилларида Жиззах давлат педагогика институтининг математика факультетида ўқиган бўлса, мен меҳнат таълими йўналишида ундан бир курс пастда таҳсил олганман. У билан бирга кўп яхши ишларни ва амалларни қилганмиз. Институтда ўқиб юрган вақтларимизда биз “Яхшидан боғ қолади” деганларидек, ҳозирда Жиззах шаҳридаги “Ўрда” боғида биз биргаликда хашар йўли билан юртни обод қилиш мақсадида юзлаб чинор дарахти кўчатини ўтқазганмиз. Чунки, биз доим эзгуликка, гўзалликка, яхши, чиройли яшашга интилиб ҳаёт кечирганмиз.

Биз институтни битирганимиздан сўнг, Аҳад ўқитувчилик касбини танлаган бўлса, мен милиционерлик касбини танладим ва ўз соҳамизнинг етук кадрларига айландик. У ишонувчан, содда, узоқни кўра оладиган, заҳматкаш, кўнглида кири йўқ, тадбирли, етти ўлчаб бир кесадиган инсон эди.

Биз оилавий бор-келди қилиб турардик, айниқса, ёзги вақтларимизни фарзандларимиз билан бирга Бахмал туманининг гўзал табиати қўйнида, тоғлар орасидаги кўҳна ва қадимий чинорлар соясида дам олишда ўтказардик.

Аҳад билан 80-йилларда ҳозирги Бахмал тумани Барлос қишлоғидаги (илгари, бу жой “Турон” жамоа хўжалиги,

“Рассвет” совхози дейиларди) 70 га яқин хонадонлари ичидаги деворларга расм-нақш чизиб, тадбиркорлик ҳам қилганмиз. Ҳозир ҳам айрим хонадонларда ушбу расмлар сақланиб турибди. Аҳадлар яшаган ҳозирги уйда (ҳозирда укаси Шухрат истиқомат қилади) яқингача ушбу суратлар сақланиб турган эди.

Бундан ташқари, биз оилани тебратиш учун бошқа даромадли ишларни ҳам қилганмиз. Мен Бахмал тоғларидаги фермер хўжалигимда аччиқ ва чучук бодом етиштирардим ва унинг мойини олиб, идишларга солиб, сотиш учун Аҳадга берардим, у эса институтдаги профессор-ўқитувчиларга сотиб берарди. Бодом мойларининг шифобахш хусусиятлари сабаб талаб юқори эди, уни ҳозиргача ҳам одамлар олиб кетишади.

Аҳад билан биз қандай дўст бўлган бўлсак, ҳозирда бизнинг ўғилларимиз шу дўстлигимизни шундай давом эттиришмоқда, хусусан Аҳаднинг ўғли Жаҳонгир билан менинг ўғлим Жасур (одамлар уни Турсунбой деб ҳам аташади) жуда – жуда қадрдон ўртоқлар ва катта тадбиркорлар.

Биз Аҳад билан Жиззах шаҳри марказидаги “Заргарлик” маҳалласида кўп қаватли хонадонларда яшаганмиз, болаларимиз ҳам бирга ўйнашиб катта бўлишган. У билан кўп яхши ва ёмон кунларимизда бирга бўлишиб, ҳамфикрликда иш юритардик. Лекин, тақдирнинг аччиқ қисмати бор: туғилиш бор экан, ўлим ҳам муқаррар. Фақат, одамлар кимнидир эзгу амаллари билан эслаб, уни қалбининг тўрида сақлаб келса, яна кимнидир, ёмон ишларини эслаб, уни унутиб юборадилар. Аҳад ўзидан яхши ном қолдирди ва бу номни боқийлаштириш учун тинимсиз ҳаракатда ва изланишда бўлди ҳамда шунга эришди. Одамлар уни фақат яхши ном билан эслашади ва унинг оиласига ҳам ҳурмати баланд. Чунки, Аҳад одамларга фақат яхшилик қилиб яшади, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмади, одамларнинг меҳрини қозонди.

Унинг хотирасини ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз, илоҳим, жўражоним Аҳаднинг ёрқин хотираси доим порлоқ бўлсин, қабри нурга тўлиб турсин!

III боб. КУРСДОШ ДЎСТЛАР ЭЪТИБОРИ

Умар Шодиев,
Ғаллаорол тумани 20-мактаб ўқитувчиси

БЕТАКРОР ДЎСТ

Баъзи бир шогирдлар устози ёки дўсти ҳақида хотира ёзаётганда ўзини ўша устози ёки дўсти билан тенгма-тенг қўйишга уринишади. Гўё, устози нуқул шу шогирди билан бамаслаҳат иш қилгандек ёки асарларини шу шогирди тавсияси асосида ёзгандек.

Мен Абдулаҳад билан 1974-1979 йилларда бирга ўқиб, бирга бир хонадонда ижарада яшаб, тўрт йил ҳамнафас бўлганим сабабли уни билимдон, ақлли, зукко, жонкуяр, болажон ҳамда ўз ишининг устаси сифатидаги моҳир педагог эканлигини яхши билар эдим. У фикрининг теранлиги билан курсдошлардан фарқ қилар эди. Талабалик давримиздаги муносабатларимиз мустаҳкам дўстликка айланди.

Институтни битириб ҳар қайсимиз ўз ҳаёт қозонимизда қайнаб, педагогик фаолиятимизни бошлаб юбордик. Лекин, талабалик “олтин даврим” деганларидек, Абдулаҳад бирга курсдошларимизнинг бошини бир жойда йиғиб, суҳбат уюштиришга интилар ва бунга сазовор бўлар эди.

Мен, Абдулаҳад ва Насибулла бирга ижарада турганмиз. У доим ёнида ҳозирги кундаги 50-100 долларга тенг пул олиб юрарди. Бу унга дўсту биродарлари билан ўтиришларга, турли тадбирларга борганда, ҳеч кимда пул бўлмаганда-ҳам, унда пул бўлиши бизга асқотарди.

Абдулаҳад ҳаётда ўз ўрнини топиш учун кўп ҳаракат қилди. Чархланди, ҳаётни ўрганди. Кўп яхши инсонлар билан мулоқотда бўлди. Ҳаракатчанлиги, ҳаётга чанқоқлиги ўзи ўқиган Жиззах давлат педагогика институтига ишга ўтишга ундади. Катта устоз бўлди. Мен энди ундан методик ёрдам, фан оламидаги янгиликлар тўғрисида батафсил маълумотлар олиш бахтига муяссар бўлдим, бу беминнат эди-да. Ҳали ҳам ёзган илмий асарларидан фойдаланиб, бирор муаммони ҳал

қилсам дўстимни тирикдек, гўё, мен билан куйиб-пишиб баҳс-лашаётгандек кўз олдимида намоён бўлади.

Абдулаҳад ҳаётга ёниб келди, кўзида бир нур бор эди. У ҳаётда ҳамиша чанқоқ бўлган, суҳбат қурсак, суҳбатимиз ҳеч тугамас, ҳамиша вақт олий ҳакам деганларидек, вақт етишмай қоларди. Ҳа, Абдулаҳад шундай инсон эди. У ҳеч қачон меҳри тушиб қолган инсонга бепарво бўлмасди. Айниқса, дунёқа-раши, фикри ва бу хислатларни англаган инсонга нисбатан, ҳамиша дўстларини қадрлар, янги дўстлар орттиришга инти-лар эди.

Абдулаҳад оилада тўнғич фарзанд бўлгани учун онаси, отаси Келдиёр аканинг бутун орзуларини амалга оширди. Отаси ўғлининг илмий иш қилиб олим бўлишини истарди.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларида олий ўқув юртида ишлаш, диссертация ёқлаш унча-мунча домлага насиб қилавермасди. Абдулаҳад дўстим Москвада аспирантурада ўқиб, изланди, ўқиди, ҳаракат қилди. Насиб экан, у олим бўлди. Мен бу тантанада гувоҳ бўлганман. Устоз дўстим Тошкент давлат педагогика институтида диссертация ёқлаш маросимида так-лиф қилди. Домланинг диссертация иши 16 та профессор то-монидан бир овоздан маъқулланди.

Мен шу жойда яна бир бор дўстим Абдулаҳадга тан берган-ман. Бу отаси оддий шафёр Келдиёр аканинг орзуси, шукро-наси эди. У кишининг “Худога шукр менинг ўғлим олим бўлди”, деган маънодаги кўз ёшларини кўрганман.

Абдулаҳад олим, айни чоғда мураббий эди. У талабаларга нисбатан талабчан, лекин ўз манфаатини, обрўсини бир пул қилмаган. Ўша вақтларда олийгоҳларда баъзи бир домлалар талабалар “қўлига қараб” заҳёт ёки имтиҳон баҳосини қўйиб беришарди. У ундай домлаларга ўхшамади. Мен унга ҳазил қилардим, “Сен ҳам олсанг керак-да”, деб. У киши ҳалол ва виждонан ўз вазифасини бажарарди. У фақат ойлик билан яшаб бўлмаслигини, ўз ишбилармонлиги билан яхши яшаш сирларини ўша вақтлардаёқ билар эди. Абдулаҳад оилавий бизнесини йўлга қўйиб, оила тебратар эди. Баъзида, бизнеси юришмай қолганда, тушкунликка тушмасдан, янги усулларни ўйлаб топарди ва муваффақиятга эришарди. Бу оилавий

тадбиркорлик орқасидан фарзандларини ўқитди, уйлантирди, турли ишларга жойлаштирди, уйлар қурди. Бу ҳақда дўстим тўлқинланиб гапирарди, эркин сўзларди, бировларнинг олдида елкасини қисмасди.

Ҳа, дўстим одамлар ҳавас қиладиган инсон эди.

Бутун дўстлар бугунги кунда Абдулаҳадни эслаб, ўтирар эканмиз, унинг ўзига хос хусусиятларини, характерини эслаб орамизда йўқлигига жуда афсусланамиз.

*Бўронбой Эшмаматов,
Бахмал тумани 37-мактаб собиқ ўқитувчиси*

САДОҚАТЛИ ВА САМИМИЙ ДЎСТ

Дўстимиз, курсдошимиз Абдулаҳад билан 1975 йил август ойларида Жиззах давлат педагогика институти математика факультетига кириш имтиҳонларини топшираётганда танишганмиз.

Имтиҳонларни яхши баҳоларга топшириб, талаба деган номга сазовор бўлиб, иккаламиз I "А" гурӯҳда ўқий бошладик. 1 сентябрдан ўқиш бошланди. У пайтлари институт янги очилган бўлиб, ўқув хоналари етишмас эди, дарсдан кейин дўстимиз билан институтда синф хоналарида бетон ётқизиш, пол қилиш, эшик ва ромларни краскалаш ишларида ёрдамлашар эдик.

Абдулаҳад жуда ҳам меҳнаткаш, ишдан қочмайдиган, берилган топшириқларни виждонан бажарар эди. Сал ўтмай, пахта-йиғим терими бошланиб қоларди. Бизнинг факультетимиз талабалари ҳам ўша пайтдаги Жиззах тумани (ҳозирги Шароф Рашидов тумани) Навоий номидаги колхоз далаларида пахта теримини бошлаб юборишарди.

Кўпинча, иккаламиз ёнма-ён қаторда пахта терар эдик. Лекин, пахтаимизни тарозига олиб борганимизда, менинг бир фартук пахта 8-9 кг чиқса, у кишиники 12-13 кг чиқарди. "Сиз тупроқ қўшгансиз", – деб ҳазиллашар эдим, лекин фартугидаги пахта топ-тоза бўлар эди.

Абдулаҳад жуда қатъиятли, ўзига ишонган, нимага эришаман деса, уддасидан чиқадиган йигит эди. Шундай бир воқеа бўлган эди: биз Ҳотам деган кишининг уйида ижарада турар эдик. У кишининг Орифжон деган ўғли бўлар эди. Орифжон шашка ўйини билан шуғулланар эди, у мактабнинг 9-10 синфида ўқийдиган вақтларида туман, вилоят ва республика чемпионатларида қатнашиб совринли ўринларни эгаллаган эди. Бир куни Абдулаҳад бизникига бориб қолди ва Орифжон билан шашка ўйнамоқчи бўлди. Шунда Орифжон “Сиз агар 10 партиядан 1 партия ютсангиз сизни ғолиб, деб ҳисоблайман”, деди ва иккаласи ўйинни бошлади. Орифжон 10 партиядо ҳам ютиб чиқди. Шундан кейин, курсдошимиз Абдулаҳад шашка билан жуда кўп машқлар қилди. Шашка ўйинининг қоидаларини, ютиб олиш финтларини эринмай ўрганиб чиқди ва кейинги ўйинларда дўстим ғолиб бўлди.

Институтни битирганимиздан кейин, курсдошларимиз ҳар томонга тарқалиб кетди. Абдулаҳад ҳам ўз қишлоғига келиб, район спорт ташкилотида ишлаб, спортнинг ҳар хил соҳаларида кўплаб шоигрдлар етиштириб чиқди. Ўзи ҳам спортнинг шахмат тури билан шуғулланар эди. Туман, вилоят босқичлари, республика мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган.

Курсдошим Абдулаҳад институтдаги иш фаолияти даврида бир қанча шогирдлар етиштириб чиқарди. Ўз устида тинмай ишлаб, педагогика номзоди илмий даражасини қўлга киритди. У ташкилий ишларда жуда фаол эди. Собиқ группадеш ўқувчиларни тўплаб учрашувлар, тўй кечаларида йиғилиб ўтиришлар ташкил қилар эди.

Дўстимиз Абдулаҳад жуда ҳам ғайратли, меҳнаткаш, самимий олижаноб, ўз олдига қўйган мақсадига етмагунча тинмай курашувчи инсон эди. У кишининг хотираси дўстларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

Насибулла Ҳодиев,
Қашқадарё вилояти

ҚАЛИН ДЎСТ ВА ОЛИЖАНОБ ИНСОН

Курсдошим Абдулаҳад билан доимо бирга юрганмиз ва бир квартирада яшаганмиз. Бир-биримизни уйимизга жуда кўп борганмиз. Мен унинг барча синфдош дўстлари, қавми-қариндошларини танирдим, у ҳам менинг ҳамма синфдош ва қариндошларимни танирди.

Институтда пахта-йиғим терими даврида биргаликда пахта терардик, у доимо илғор теримчилар сафида эди, мен кўп пахта тера олмасдим, шунинг учун мен кўп танбеҳ эшитмаслигим учун менга ёрдам берарди.

2-курсда ўқиб юрган вақтларимизда дарсдан сўнг “Насибулла, юринг бир жойга борамиз”, деди. “Хўп” деб орқасидан йўлга тушдим. “Дўстим овқатланиб олайлик”, – дедим. “Хўп майли овқатланамиз, аммо бошқа жойда” – деди, чунки, биз доимо Жиззах шаҳридаги “Ором” чойхонасига овқатланар эдик. “Ором” чойхонасидан ўтиб, янги типда очилган ошхонага бордик, у ерда овқат ва озроқ ичимлик буюрди. Мен ҳайрон қолдим, у спиртли ичимлик ёқтирмас эди. Ичимликни кўлига олдида “Дўстим туғилган кунингиз билан табриклайман”, деди. Туғилган куним, ҳатто, ўзимнинг ҳам ёдимда эмас эди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Дўстим ана шундай олижаноб инсон эди.

Курсдошим Абдулаҳад шахмат, шашка, футболни севарди, тинмай машқлар қиларди. Ушбу спорт турларининг илмий асосларини ўрганарди ва ҳамиша муваффақиятга эришарди. У бундан ташқари, спортнинг бокс тури билан ҳам қисқа муддат, теннис билан эса мунтазам шуғулланган. Спорт унинг жону дили, хоббиси эди. У қайси бир соҳани эгаллашга уринса, уни чуқурроқ ўрганарди. У барчага ўрناق бўла оладиган инсонга, барлос уруғининг фахрига айланган эди.

Дўстим Абдулаҳад билан ҳамиша телефон орқали алоқада бўлиб, турардик, тўй ва маракаларимиз бирга эди. Ҳозирги кунда фарзандларимиз бизнинг дўстлигимизни давом этти-

ришаяптилар. Жумладан, дўстимнинг ўғли Жамшид яхши кунларимизда биз курсдошлар бирга, уни кўрсам, дўстимнинг акси гавдаланади. Дўстимнинг хотиралари қалбимда абадий яшайди.

Олимжон Умаров
Фориш тумани 3-мактаб ўқитувчиси

КУЧЛИ ХОТИРА ЭГАСИ ЭДИ

Дўстимиз Абдулаҳад Сувонқулов билан 1975 йилдан 2015 йилгача борди-келди қилиб, келганмиз, у инсонийлиги, дўстларига қўлдан келганича ёрдамни аямайдиган инсон сифатида ёдимизда абадий қолган.

1975-1979 йиллар ўқиш даврида фанларни ўзлаштиришда унинг хотираси нақадар зўрлигига қойил қолардим. Дўстим бир марта ўқиганини эсида сақлаб қоларди.

Мен дўстим билан 1975-1979 йилларда Жиззах давлат педагогика институтида ташкил қилинган шахмат жамоасида ўрнардик. Дўстимиз А.Сувонқулов барча мусобақаларда 1-ўринни қўлга киритарди. Ўша пайтларда курсдошимиз Абдулаҳад вилоятимиздаги ёш кучли шахмат устаси эди. Ҳозирги кунда курсдошимизнинг ўрнидан унинг фарзандлари борди-келди қилиб турибди. Бу эса бизга курсдошимизни яхши кунларини хотирлаб туришимизга ёрдам беради.

Унинг хотираси доимо қалбларимизда яшайди.

Ўриш Холиқов,
Фориш тумани 1-мактаб ўқитувчиси

АЗИЗ ДЎСТИМ АҲАДГА: УМРИНГ ЭТАДИ ДАВОМ

*Инсон умри давом этаркан
Эзгулик, яхшилик ишлар қилади
Бирга ўқиб Дурулфунунда
Ниятлар қилдик ҳар доим бирга
Учрашиб ютуғу омадлар тилаб
Дўстлар билан бирга талашдик фикр
Маслаҳат бердик бир-биримизга.*

Мактабдаги ўқувчилик давримиз тугагандан сўнг, Жиззах давлат педагогика институтда қабул қилинган талабалар орасида Сувонкулов Абдулаҳад ҳам бор эди. Жуссаси кичкина, юмалоқ юзли, киришимли бу инсон билан биргаликда талабаликнинг илк қадамини қўйдик.

Талабалик йилларидан Абдулаҳад барчамиздан ажралиб турарди. Спортнинг шахмат турига жуда қизиқарди. Шахмат бўйича ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб турарди.

Орамизда энг мулоҳазали ва ақлли инсон эди. Шу боис турли масалаларни ечишда ундан маслаҳат сўрардик.

Абдулаҳад эса кўлидан келганича астойдил ёрдам берар эди. У китоб мутоала қилишни ёқтирарди. Китобдан яхшироқ дўст йўқлигига ишонгани учун илм чўққисига чиқди. Илмга бўлган иштиёқи туфайли Абдулаҳад дорулфунунда қолиб талабаларга билим беришга қарор қилди.

Институтни тамомлаганимиздан сўнг, биз курсдошлар ҳар 5 йилда учрашадиган бўлдик. Курсдошларни бир-бирига бўлган соғинчи бизни энди ҳар йили учрашишга ундарди, бу ишларни дўстимиз Абдулаҳад ташкиллаштирарди.

Абдулаҳад институтда ишлаб юрган вақтларида ҳам курсдошлари билан алоқани узмади. У институтда талабаларга устозлик қилиш билан бирга, Жиззах вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида

мактаб ўқитувчиларига ўзининг иш тажрибасини ўргатиб борди.

Курсдошлар билан учрашувда суҳбатимиз ўқитувчилик касбига бориб тақаларди. Абдулаҳад билан суҳбатимизда у ўқитувчи ўз касбини сидқидилдан севиши, тиришқоқлиги, билимли бўлиши ва доимо изланишда бўлишини айттарди.

*Қизларсора Мустафоева,
Жиззах шаҳри*

УЛУҒ ИНСОН ХОТИРАСИНИ ЁДГА ОЛИБ

“Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига қандай чидай олган экан одамзод”... Муножотни тинглаб шеъридаги ушбу мисра кимни тўлқинлантирмайди, дейсиз. Ғамнинг катта кичиги бўлмайди, инсонларнинг ҳам катта-кичигига қарамай ўлим олиб кетади. Қанча буюк кишилар, қанча бой кишилар, қанча гўдаклар бунга мисолдир. Курсдошим, тенгдошим кулиб қалбларга кирувчи, ширинсўз Абдулаҳад Сувонқулов қани эди, орамизда бўлса-ю, даврамизда ўтирса-ю, исмишни айтиб чақирса эди, “Лаббай”, деб ўрнимдан туриб, салом берган бўлардим. У кишининг тириклигида 60 ёшлик юбилеи бўлганда эди, ҳаммадан олдин бориб, улар яхши кўрадиган “шахмат” доскасини совға қилган бўлар эдим. Минг афсуски, ҳаёт бешавқат экан, мана шундай яхши инсонни орамиздан олиб кетди. Курсдошим Абдулаҳад институтни аъло баҳоларга битирди, ҳамма иши аъло эди. 2015 йилнинг октябрида Абдулаҳаднинг телефонида 1-октябрь “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан табриклар, СМС жўнатган эдим, у кишининг номеридан ўғли менга қайтиб чиқиб, яқинда курсдошингиз бизларни ташлаб кетганлиги ҳақидаги қайғули хабарни айтди. Бу хабар мени қаттиқ ранжитди. Мен ва бошқа курсдошлар оқил ва доно курсдошимиздан айрилганимиздан қаттиқ хафа бўлдик. Абдулаҳад ҳавас қилса арзийдиган курсдош дўст, ҳамкасб, оила бошлиғи, яхши устоз, улуғ инсон эди. У кишининг хотираси қалбимизда абадий қолади.

IV боб. МОҲИР ПЕДАГОГ ШОГИРДЛАР НАЗДИДА

*Алибеков Даврон, Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси*

ФИДОЙИ УСТОЗ

Инсон умри гўё бир чақмоқ, у қанча яшамасин бир лаҳзада ўтиб кетади. Инсон умрининг абадийлиги унинг фарзандлари, дўстлари, яқинлари, қилган яхши амаллари, агар у устоз бўлса шогирдлари орқали асрлар давомида яшайверади.

Мен ёдга олмоқчи бўлган инсон ҳурматли устозим Абдулаҳад ака Сувонқуловдир. Абдулаҳад ака билан 1997 йилдан буён, талабалигимдан бошлаб танишман. Мен ўқиган даврда Абдулаҳад ака ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, кафедра мудир лавозимларида ишлаган. Шу билан биргаликда бизга математика фанидан ҳам дарс ўтарди. Устознинг барча фаолиятида ўз соҳасининг устаси эканлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, у киши дарс ўтган вақтда барча талабаларнинг диққат-эътибори дарсда бўлар эди. Сабаби, устозда талабаларни дарсга қизиқтира олиши, диққатни ўзига жалб қилиш, ўтилаётган мавзунинг мазмунини талабаларга етказа олиш даражаси юқори эди. Устоз дарс жараёнида ҳар бир талабага алоҳида ёндашиб ишлар эди. Шогирдларидан, талабалардан ёрдамини ҳеч қачон аямаган. Фаолиятидаги ҳар бир ишнинг замирида масъулият ва фидойилик ётарди.

Абдулаҳад ака билан пахта йиғим-терим мавсумида ҳам бирга бўлганмиз. Ўша даврларда мен устознинг фидойилигига яна бир бор гувоҳ бўлганман. Талабаларга имконият борича шароитни тўғрилаб беришга ҳаракат қиларди. Кўп ҳолларда ўз ҳисобидан ҳаражатларни амалга оширар эди. Устоз пахта йиғим-терим мавсумини шундай ташкиллаштиради эдики, терим ҳам яхши, талабалар кайфияти кўтаринки, ўзимиз ҳам зерикмас эдик. Бизга доим инсон омили ҳамма нарсада юқори эканлигини айтар эди.

Устоз талабапарвар инсон бўлиш билан биргаликда талабчан ҳам эди. Талабаларни ўзи ўтаётган фан юзасидан билим беришга ҳаракат қиларди. Талабчанлик нафақат талабаларга,

балки фарзандларига нисбатан ҳам қўлланилган. Фарзандларининг барчаси олий ўқув юртларини тамомлаб, ҳозирги кунда турли соҳаларда давлатимиз равнақи учун хизмат қилиб келмоқда.

Устоз билан бирга ишлаш ҳам насиб қилди Абдулаҳад ака менга бирга ишлаган вақтларимизда жуда кўп нарсаларни ўргатди. Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича чуқур билимга эга бўлиши кераклигини кўп бор таъкидларди. Ўзи эса билимли инсонларни қаттиқ ҳурмат қиларди. Устоз педагогик амалиёт жараёнларига ҳам жиддий, виждонан ёндашган. Ҳар бир талабанинг дарс ўтишини кузатиб, хулоса билдирар, маслаҳат берар эди. Устоз шогирдларига илмий соҳада ҳам маслаҳатларини аямасди. Илмий иш жараёнида ҳеч нарсадан чўчимай, доим олдинга интилишни уқтирган. Устознинг муаллифлигидаги дарслик ва қўлланмалардан бугунги кунда таълим муассасаларида фойдаланилмоқда.

Мен ҳам шогирд сифатида Абдулаҳад акани ўйлаганимда кўз олдимда меҳрибон ота, фидойи устоз сиймоси гавдаланади. Ўзининг ўчмас из қолдирган хизматлари билан устоз Абдулаҳад Сувонкулов биз шогирдлар қалбимизда мангу яшайди.

*Ҳақназар Ҳамзаев, Бошланғич таълим методикаси
кафедраси ўқитувчиси*

ФИДОЙИ, САМИМИЙ ВА ОҚИБАТЛИ УСТОЗИМ ЭДИ...

Инсон ўз меҳнати, ақлу заковати ва фозиллиги билан кадрлидир. Зеро, ҳар бир қилинган эзгу иш атрофидаги кишиларга ҳам, жамиятга ҳам рўшнолик бахш этса, бундан ҳам ўзинг, ҳам ўзгалар қалби мунаввар нурга тўлади.

Абдулаҳад ака билан мен 2001 йил август ойида илк бор учрашганман. Ана ўшанда энди институтни тамомлаб институтнинг Педагогика факультетига ишга кираётган эдим. Устозим Тўрақулов Холбўта Абилович Бошланғич таълим методикаси кафедрасига ишга олиб қолмоқчи эканликларини,

олдин кафедра мудирин билан суҳбатлашим кераклигини айтдилар. Шу вақтлар ушбу кафедра мудирин устозим Сувонкулов Абдулаҳад Келдиёрович эди.

Илк суҳбатимиздаёқ Абдулаҳад ака менда бошқача таасурот қолдирдилар. Шу суҳбат ҳали ҳам ёдимда. Биринчи айтганлари: “Сен нима учун институтда ишламоқчисан?” деган савол эди. Менинг жавобимни эшитганларидан сўнг ўзларининг фикрларини билдириб ўтдилар ва шу заҳоти кафедра мудирин сифатида ишга кириш учун ёзган аризамга имзо қўйиб бердилар. Шу кундан бошлаб мен Абдулаҳад акани ўзимга устоз, ака ва раҳбар деб билганман.

Абдулаҳад ака билан 15 йил бир кафедрада ишладим. Бу вақт мобайнида менга жуда катта ҳаётий сабоқлар бердилар. Мени илмий иш билан шуғулланишга ва бу йўлда ҳеч нарсадан қўрқмай, ҳеч нарсага чалғимай олға боришга ундаган инсонлардан бири бўлдилар. Бунга мисол қилиб ўз ҳаёт йўлларини айтиб берганлар. Беш фарзанднинг отаси бўлиб Москвага илмий иш қилиш мақсадида кетганларини, у ердаги қийинчиликларга қарамай ўз мақсадларига эришганликларини ибрат намуна сифатида айтиб берар эдилар. Ҳатто, кафедрада лаборант бўлиб ишлаган вақтимда вазифамдаги топшириқларни бажаришга қийналган чоғимда ўзлари кафедра мудирин бўлишларига қарамай ёрдамлашган вақтлари жуда кўп бўлган.

Дарс жараёнида шу даражада берилиб кетар эдиларки, талабаларга мавзунини худди мияларига қуйиб қўйгандек бўлар эди. Ҳар доим дарсга пухта тайёргарлик ва кўрғазмали қуроллар билан кирар эдилар. Кафедрада ҳар бир мавзунини ёритишга доир бир нечта кўрғазмали қуроллар ва керакли манбалар тайёрлаган эдилар. Ҳали ҳам эсимда, дарсга кўрғазмали қуролларни қўлтиқларига қистириб, мажмуаларни қўлларига олиб кириб кетар эдилар ва дарс якунида қўллари оппоқ мел, ўзлари мамнун ҳолда чиқар эди. Мана шу берилиб дарс ўтишларига ҳавас қилиб, мен ҳам 2009 йилдан бошлаб “Математика ўқитиш методикаси” фанини танладим ва устозим йўлидан кетишга қарор қилдим.

Абдулаҳад ака нафақат менга иш жараёнида устозлик қилганлар, балким ишдан ташқари вақтларда ҳам ўз насиҳат-

ларини аямаганлар. Мен Абдулаҳад ака билан битта кўп қаватли уйда яшар эдим. Хонадонларида бир неча марта бўлганман ва у вақтларда ҳам менга қилишим керак бўлган ишларни, илмий ишим юзасидан дуч келган муаммоларни ечишда ўзларининг тўғри ва дўстона фикрларини доимо аямаганлар. Бундай ёрдам ва тўғри йўлни нафақат менга, балки мен каби барча шогирдларидан аямаганлар.

Устозим нафақат иш жараёнида, балки ҳаётда ҳам кўп жиҳатдан ўрнак бўладиган инсон эдилар. Институт миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларини Абдулаҳад акасиз тасаввур ҳам этиб бўлмас эди. Футбол мусобақаларида бизнинг жамоада устоз бўлмасалар, жамоада кайфият ҳам, ҳафсала ҳам бўлмас эди. Ҳаттоки, бошқа жамоа ўйинчилари “агар Абдулаҳад ака бўлмасалар, ҳеч қачон ютолмайсизлар?” деб айтишар эди. 57 ёшда ҳам бизлардан кўра кўпроқ ҳаракатчан ва чаққон эдилар. Биз ҳавас қилар эдик. Шахмат мусобақаларида ҳар доим институтда биринчи ўринни эгаллашлари устозимнинг соғлом турмуш тарзига қанчалик риоя этишини билдирар эди. Ҳатто, шахматни севадиган институтнинг бир қанча домлалари кафедрада Абдулаҳад акадан “алам”ларини олишга келиб, яна ютқазиб қайтиб кетишарди.

Устозим Абдуалҳат ака ана шундай тўғрисўз инсон, талабчан раҳбар, серқирра методист олим эди. У киши томонидан тайёрлаб биз шогирдларига қолдирган илмий, услубий ҳамда ўқув қўлланмалардан факультет талабалари ҳамда битирувчилари ўз педагогик фаолиятларида фойдаланишаётганларидан доимо фахрланиб юраман.

*Анвар Мажидов, ЖДПИ "Тарих ўқитиш методикаси"
кафедраси катта ўқитувчиси*

УМРЛАР БЎЛАДИКИ ... ЁХУД УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

*Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ,
О, йиллар армони йиллар армони,
Армон кўрмадим ҳеч сиздан буюкроқ.*

Абдулла Орипов

Устоз Абдулахад ака Сувонкулов ... бу ном маърифатга йўғрилган минглаб инсонлар қалбида абадий муҳрланган. Бу исм ҳаёт деб аталмиш китобнинг мазмун саҳифаларида табасумини унутаётган не-не чехраларга чексиз шодлик улашган, кўнгилларга машъал бўлиб кирган. Домлани таниганлар кўз олдида доимо шахдам юрувчи, руҳан тетик ва баркамол, меҳнатга, илму маърифатга умрини бахшида этган ажойиб шахс намоён бўлаверади.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон айнан тарихий хотира орқали ўз тарихини билади, ундан сабоқ чиқаради. Ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш ҳам тарихий хотира туйғуси орқали рўёбга чиқади.

Устоз Абдулахад Сувонкулов кўп йиллар Жиззах давлат педагогика институтининг "Бошланғич таълим услубиёти" кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Домла 1995 йилда педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиб, 2002 йилда доцент илмий унвонини қўлга киритди.

Устоз кейинги йилларда докторлик диссертацияси устида ҳам илмий изланишларни олиб бормоқда эди. Афсус, шундай фидойи, қалби марҳаматга лиммо-лим устозимизни бешавқат тақдир орамиздан эрта олиб кетди.

Устоз билан олийгоҳимизда оз фурсат бирга фаолият юритган бўлсам-да, у кишидан кўп нарса ўргандим. Балки, бу

ҳам бир бахтдир. Устоз-домла бир вақтнинг ўзида ҳам олим, ҳам ажойиб маслаҳатгўй, спортни жону дилидан ардоқловчи инсон эди. У киши хоҳ шахмат, хоҳ нард, хоҳ футбол бўлсин, спортнинг брача турлари бўйича профессионал даражадаги мутахассис эди.

Институтимизда ҳар йили футбол бўйича профессор-ўқитувчилар ўртасида турнир ўтказилиши одат тусига кирган. Домла биз билан бир жамоада ўйнаганлар. Факультетларимиз бошқа-бошқа, исталган пайтда бир-биримизга рақиб жамоа бўлиб майдонга тушиш эҳтимолимиз ҳеч гапмас. Устозда эса сен рақиб жамоада ўйнаяпсан, деган тушунчанинг ўзи умуман йўқ эди. Ўйинлар давомида, танаффусларда бизга ўз қимматли маслаҳатларини берар, доимо руҳиятимизни кўтаришга ҳаракат қиларди, ғалабаларимиздан биз каби бирдек хурсанд бўларди.

Устозни бугун сизу биз яшаётган ҳаётимиз қонуниятидан келиб чиқиб мушоҳада этсак, қисқа, бироқ сермазмун умр кечирди. Гийбат, риекорлик, бахиллик, ҳасад, ёлғон, ўз-ўзини мақташ, бошқалар устидан истехзо, беҳуда тортишишни домламиз бутун саодатли умри давомида ёқтирмади, бундай давралардан қочишга уринди. Домла машҳурлик, шон-шуҳрат, юксак амал хусусида кўпчиликда шакллланган тасаввурлар либосига бурканмади. Ҳаётнинг барча жабҳаларида одамлар устидан ҳукм юргизиш имконияти, воситасини эмас, балки уларда кенг масъулият кўламини, унинг юксак даражасини кўраолди.

Хусниддин Шодмонов, ЖДПИ "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси ўқитувчиси

МОҲИР ПЕДАГОҒ

Менни 2008 йилдан "Бошланғич таълим методикаси" кафедрасига Абдулаҳад ака излаб топиб, ишга олиб келган эди. Устоз яхши кадрлар билан кафедра салоҳиятини кўтаришга ҳаракат қиларди. Биз устоз билан бирга ЖДПИ нинг 5-қаватидаги 515-хонада 2015 йилгача ишлашганмиз. У кишидан ҳам

илмий, ҳам ҳаётӣ сабоқлар олибдим. Бунинг учун раҳматли устозимиз Абдулаҳад акадан чексиз миннатдоримиз.

Жиззах давлат педагогика институтида ўзининг катта хизмати билан меҳнат қилган Абдулаҳад ака Сувонқулов меҳнатсевар, юксак қобилиятли, истеъдодли, жонкуяр, ўзидаги бор билимларни талабаларга сингдиришга ҳаракат қиладиган фидойи инсон эди.

Устоз шогирдларига қандай қилиб дарсларни ўтиш ва уни қандай усулларда талабаларга етказиш кераклиги ҳақида кўпроқ тушунчалар берар, ўта талабчан, уларни кўпроқ илм қилишга ундар, ўзидан нима ёрдам керак бўлса, ҳаммасини қилар, бундан умуман эринмас эдилар.

Абдулаҳад ака билан бирга ишлар эканман, у кишидаги шижоат, масъулият сезилиб турарди. У киши шогирдларига дарсда керак бўладиган ҳужжатлар, маъруза матнлари, амалиёт ҳужжатларини педагогик амалиётда қандай қўллаш, талаб этиладиган дидактик материаллар, кўргазмали қуроллардан қандай фойдаланиш бўйича тушунча беришдан чарчамасди. Шу билан бирга, устозимиз Абдулаҳад ака малака ошириш институтида биз каби шогирдларини чақириб, тажриба алмаштирар эди. Абдулаҳад ака “шогирд устоздан ўтиши керак” деб, кўп таъкидлар эди.

Устоз Абдулаҳад ака бир нечта мақола, услубий қўлланма, методик тавсияномалар муаллифидир. Жумладан, “Бошланғич синф ўқувчиларининг санаш кўникмаларини шакллантириш”, “Ўнлик ичида номерлашни ўрганиш”, “3-синфда математик билими кучлироқ бўлган ўқувчиларга мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича топшириқ намуналари”, “Бошланғич синфларда математик кечани ташкил қилиш”, “Дидактик ўйин ўқитиш воситаси сифатида”, “Икки хонали сонни ўзлаштириш хусусиятлари” каби кўплаб илмий ишларни яратган.

У кишининг илмий ишларида бошланғич синфларда сонларнинг ўнлик санок системасида ёзилиши, хона бирликларга ажратиб ўқилиши ва улар устида турли арифметик амалларнинг қўлланилиши, сонларни ёзиш ва улар устида амалларни бажариш қулай усуллардан фойдаланиш қоидалари мукамал тушунтириб ўтилган.

Домла дарс тугагандан сўнг, талабаларга фан доирасида қўшимча тушунчалар бериб борар, йўл-йўриқ кўрсатар, уларнинг илмга бўлган чанқоғини қондирар эди.

Устозимиз педагогик амалиёт жараёнларида мактабларга бориб, талабаларнинг амалиёт ўташ кўникмалалари билан танишар, улар билан амалиёт ҳақида суҳбатлашар, умумтаълим муассасаларидаги ўқувчиларга педагогик технологиялардан, кўргазмали воситалардан самарали фойдаланган ҳолда дарс ўтиш қоидаларини ўргатиб борар, бундай ҳолатда нималарга эътибор бериш кераклигини уқтирар, ҳар бир талабага ўзининг фарзандидек муносабатда бўлар эди.

Абдулаҳад ака “Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси” фанидан бўладиган ҳар бир дарсида кўргазмали қурол ва инновацион технологияларни қўллар, педагогик маҳорат билан дарсни ўтар, энг яхши талабаларни рағбатлантириб борар эди.

Устозимиз Жиззах вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида ҳам математика сирларидан умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига дарс ўтиб, педагогик технологияларни қўллаган ҳолда дарсни олиб борар, уларга ҳар хил методлардан фойдаланишни тушунтирар, ўзининг тажрибаларини уларга ўргатар эди. Тингловчилар эса ўзлари йўл қўйган хато ва камчиликларани сўраб, ўрганиб олишар ва ўқув жараёнларида қўллаб, устоздан миннатдор бўлишарди.

Биз шогирдлар ҳам раҳматли устозимиз Абдулаҳад аканинг қолдирган илмий-маънавий меросига, панд-насихатлари ва ўғитларига амал қилган ҳолда, у киши каби устоз бўлишга астойдил ҳаракат қиламиз.

*Ҳамид Содиқов, Бошланғич таълим факультети
маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари*

ИНСОН ҚАДРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Ҳаётда инсон ким бўлмасин, қайси соҳада хизмат қилмасин, шубҳасиз, унинг камолотида ўқитувчи ва мураббийларнинг беқиёс ҳиссаси бор.

Ёшларнинг жамиятдаги ўз ўринларини эгаллашларида ўзининг катта ҳиссасини қўшиб кетган ажойиб инсон, жонкуяр педагог, ўткир методист педагогика фанлари номзоди, доцент Абдулаҳад Сувонкуловдир.

Ҳақиқатдан ҳам ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида юртимиз таълим тизимида амалга ошириб келинган ислохотларга лаббай деб жавоб бериб, амалиётдаги татбиқида ҳам ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келган.

Айниқса, у кишининг хужжатда юзага келадиган камчиликларга эътиборли бўлиш ва ўз вақтида бартараф этилиши учун қаттиқ курашар эди.

Устознинг фаолияти давомидаги баъзи бир жиҳатларига тўхталиб ўтсам:

Домла аудиторияга кирганда дарс ўтиш услублари, талабаларга муносабати, самимийлиги, шу билан бир қаторда талабчанлиги ўрнатқан бўладиган даражада эди. Яна бир қирраларидан бири спортга бўлган муносабат. Агар институтда бирор спорт мусобақаси бўлишини эшитса, ўзлари бош бўлиб барчани тадбирга жалб қилишга интиланган. “Сиз шахматга қатнашсангиз яхши бўлар эди”, – десак, кулиб: “Ҳамиджон, бошқалар ҳам биринчи ўринни олсин дейманда. Биласизку, менга вилоятда ҳам тенг келадигани йўқ”, – деб қўяр эди. Айниқса, футбол мусобақалари бошланиб қолса, ўзининг чиройли ҳаракатлари ва ўйинлари билан ҳаммани хушнуд этарди.

Давлатимиз бойлиги бўлмиш пахтани йиғиб териб олиш керак деса, домла “Ҳаммадан олдин мана мен бораман, нафақат талабаларга бош бўлиб бораман, ҳаттоки, ўзим ҳам пахта териб давлатимиз хирмонини тўлдиришга ҳиссамни қўшаман”, деб биринчилардан ташаббус билан чиқар эди. Биз домла билан

бир неча бор талабаларга бош бўлиб пахта йиғим теримига борганмиз. Мен ўша кезларда ҳам домладаги ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, жонкуярлик, самимийлик, меҳнат қилган инсонни қадрлаши каби бир қанча хислатларига гувоҳ бўлганман. Ўрнак бўладиган фазилатларидан яна бири касбига бўлган садоқатидир. Бир мисол келтираман: домла ЖДПИдан ташқари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ҳам дарс берар эди. Пахта йиғим терими мавсумида малака оширишга келган тингловчиларга бир пара дарс учун ҳам келиб дарсини ўтиб, шу заҳотиёқ зудлик билан ортига дала шийпонига пахта майдонига қайтиб келар эди. Мана касбига бўлган садоқат, мана ватанпарварлик.

Мен устознинг қадрлайдиган яна бир жиҳатини алоҳида эътироф этиб ўтмоқчиман. Домла нафақат менга, балки шу касбни танлаган барча ёшларга қарата: “Олий таълим муассасида ишлайман, десанг илмий иш қил, умрларингни беҳуда ўтказма. Келажак сизларники вақт ўтиб кетгандан кейин афсусланиб юрманглар”, - дея бот-бот айтган сўзлари ҳали ҳануз кулоғим тагида жаранглайди. Ҳозир ўша кезларни эсласам домла бежизга жон куйдириб айтмаганликларига гувоҳ бўлиб турибман.

Устоз А.Сувонкулов билан бир факультетда бирга ишлаш насиб қилганидан фахрланаман.

*Бобомурод Тошбоев,
ЖДПИ ўқитувчиси*

УСТОЗ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Ўзингизга яқин инсонлар, туғишганларингиз ҳақида ёзини мароқли ва айни дамда бир оз нокамтаринлик ҳам бўлади. Лйтайлик, отангиз, онангиз, дўстингиз ёки фарзандларингиз тўғрисида қандай қилиб муболағасиз ёза оласиз?! Худди шундай, устозлар ҳақида ёзганда ҳам холис бўлиш қийин. Ахир, Шарқда бежиз “Устоз отангдан улуғ” дейишмайди. Худди бир донишманддан бунинг маъносини сўраганларида, “Отам мени кўкдан ерга туширган бўлса, устозим ердан кўкка кўтарди”,

деб жавоб берган экан. (Шу ўринда баъзилар ушбу мақолни “Устоз отангдек улуғ” тарзида нотўғри талқин қилаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. Отанинг фарзанд ҳаётидаги беқиёс ўрнини сира камситмаган ҳолда айтмоқчимизки, оталик бахти ҳатто тубан кимсаларга ҳам насиб этиши мумкин, лекин устозлик саодатига баъзан улуғ кишилар ҳам этишолмаган). Аммо, холис бўлишга кафолат йўқ экан деб, улар ҳақида ёзмаслик ҳам нодурустдир. Устозларнинг шогирдларга қилган яхшиликлари ҳақида улар дунёдан ўтиб кетганидан сўнг эмас, балки ҳаётлигида чин дилдан, самимий ёзган яхшироқдир. Лекин, уларнинг шогирдларга қилган яхшиликлари-ю, эзгуликка ундовчи панд-насихатларини кўпинча улар ҳаётлигида англай олмаймиз. Гўё, улар биз билан ҳали кўп йиллар бирга яшайди-ю, улар суҳбатидан яна ва яна баҳраманд бўладигандай туюлади. Умрнинг оқар дарё мисоли ўтиб кетиши-ю, сизга панд-насихат қилаётган инсоннинг дунёни тарк этиб, улар ҳақида ширин хотиралар қолишини кўпинча эсдан чиқариб қўямиз. Шу боис биз улар ҳаётни тарк этганларидан сўнггина улар ҳақида қалбимиз тўрида муҳрланган хотираларни қайта тиклаймиз ва гоҳ афсус, надомат ила гоҳида кўз ёш билан хотирлаймиз. Ҳадиси шарифда айтилади-ку: “Ким кимни дўст тутса, шу севгисини билдириб қўйсин”. Йиллар ўтиши билан англаб етасизки, ҳаётингизда кўп яхши одамларга дуч келсангиз-да, бироқ худди шундай ажойиб инсон бошқа учрамаслиги мумкин. Бундай табаррук зотларни унутиш аслида уларга эмас, ўзингизга бўлган хиёнатдир.

Мен Жиззах давлат педагогика институтига ишга келган пайтларимда ажойиб инсон, ўз касбининг фидойиси, адолатпарвар, ватанпарвар, меҳнатсевар, тўғрисўз ва зиёли инсон Абдулаҳад ака Сувонқулов ҳақида эшитганман. У кишининг дарс ўтиш методикаси, талабаларга бўлган самимий муносабати, ошна-оғайниларга, ёру-дўстларга бўлган инсонийлиги, жамоада илиқ муносабатни таъминлаш учун раҳбар ва ходимлар ўртасида учраб турадиган айрим келишмовчиликларни бартараф этиши ҳақидаги сўзлар устозлар ва ҳамкасблар суҳбатларида қулоққа чалиниб турган. Тақдир тақозоси ва вақт ҳукми билан у киши билан биргаликда қарийб ўн беш йил бир

жамоада фаолият юритдик. У киши билан чин дилдан суҳбатлар қурганим ҳамон кечагидай эсимда. Устоз ўз тажрибалари ва ҳаёт йўли ҳақида жўшиб гапирар, суҳбатдошини ўзига тортар эди. У кишидаги ажойиб хислатлардан бири ёш танламаслигида деб биламан. Чунки, биз ишга келганимизга тўрт ёки беш йил бўлганига қарамай, ҳали у ёш мен билан тенгқур эмас демай, дуч келганимизда кўпинча ичидан бирга қайтганлигимиз сабабми кўп суҳбатлашганман. Абдулаҳад ака ҳамиша ҳаёт ташвишлари, фарзандлари иқболи ва талабаларни илмга ундовчи фаолияти ҳақида тўлқинланган гапирар ва шу аснода менга турли муаммоларнинг олдини олиш йўлларини ўргатар эди. Шу боис бўлса керак у киши қатъимда Устоз ва фидойи ўқитувчи сифатида муҳрланиб қолган.

Ўқитувчилик – касблар ичида энг машаққатлиси саналади. Ўтиш даврида жуда кўп вазифалар ўқитувчи елкасига юкланади ва оқибатда ўқитувчининг зиммасидаги машаққатли вазифалар икки ҳисса ортади. Бу юкни кўтара олган ҳақиқий зиёлиларгина ўз фаолиятини давом эттиради. Ўқитувчининг жамиятдаги мавқеи пасайди. Шундай бир даврда ҳам ўқитувчилик фаолияти, ҳам тадбиркорлик фаолияти билан бирдай шуғулланган инсон сифатида Абдулаҳад ака Сувонкулов менинг хотирамда қолган.

Уйимиз ёнма-ён жойлашганлиги сабабли у киши билан кўп ҳамсуҳбат бўлганман. Шу боисдир устозни яқиндан билар эдим. У кишининг оиласи катта эди, уша пайтда фарзандлари олиий таълим муассасаларида таҳсил олтарди. Бутун рўзғор ташвиши ва унинг таъминоти биргина Абдулаҳад аканинг зиммаларида эди. Шундай бўлса-да, кам ойлик эвазига ҳам қатнаб ишласа-да, лекин ҳеч қачон бировдан манфаат кутмаган.

Қадимги Хитой фалсафасида боғлиқда сувдан юмшоқ модда йўқ, аммо у мустаҳкам ва кучли нарсаларга хужум қиллади, ҳеч қандай куч уни тўхтата олмайди, дейилади. Шу ўринда, ўхшатишим эҳтимол ноўриндир, чунки устозни мен мана шу юмшоқ модда сувга қиёслаган бўлар эдим. У киши Бахмал булоқ сувидек тоза ва беғубор эди. Лекин, агар у кишига нисбатан ноҳақлик қилинса, адоласизлик рўй берса у қандай кучли нарса ёки киши бўлмасин унга хужум қиларди, ҳеч

қандай куч уни тўхтата олмасди. Шу билан биргаликда жамоада илиқ ва дўстона муносабатларни тиклаш ва ўзаро келишмай қолган кучларни келиштиришга бош-қош бўлганлигини ўз оғизларидан эшитганларимни эсласам, у кишида педагогик қобилият билан бирга дипломатик қобилият ҳам мавжуд эканлигига амин бўламан.

Мақсуд Шайхзода ёзганидек, “Одамлар борки тиригида ўликдир, одамлар борки ўлигида тирикдир”. Устознинг охира-ратлари обод, руҳлари шод бўлсин. У киши жисман ўлган бўлса-да, лекин биз учун ўлигида ҳам маънан тирикдир.

*Зухра Жабборова,
Жиззах педагогика коллежи
касбий таълим бўйича директор ўринбосари*

УСТОЗИМНИ ЭСЛАБ

Мен Жиззах давлат педагогика институтнинг Бошланғич таълим факультетида 1994-1997 йилларда таълим олганман. Ушбу факультетнинг “Бошланғич таълим услубияти” кафедраси ўқитувчиси, устозим А.К.Сувонқулов 1995-1997 йилларда бошланғич таълим услубияти фанидан дарс берган. Устозим билимли, салоҳиятли, ташаббускор, шижоатли, жамоат ишларида фаол инсон эдилар.

Устозим дарсда ҳар бир мавзу моҳиятини бизга тушунарли қилиб, ижтимоий турмуш билан, ҳаёт билан боғлаб содда қилиб етказар ва моҳиятини очиб берар эди. Абдулахад Сувонқулов ҳаётда ҳалол, тўғри сўз, виждонли, эркин сўз эгаси бўлган инсон эди. Биз ёшлар у инсондан кўп нарсани ўрганиб, ибрат олганмиз.

2005-2010 йилларда Жиззах педагогика коллежида услубчи, ўқитувчи бўлиб ишлаб юрган кезларимда тайёрлаган “Услубий тавсиянома”, “Услубий ишланма”, ишчи ўқув дастури, ўқув-услубий мажмуаларни кўриб чиқиб, тақриз ёзиб, менга ўз услубий тавсиялари, методик маслаҳатларини аямасдан ёрдам берар эди.

Абдулаҳад Сувонқулов 2008-2015 йилларда Жиззах педагогика коллежи билан ҳамкорликда методик ишлар бўйича ДАК раиси сифатида ҳам бир неча йиллар фаолият олиб борган.

Мен ҳам устозим билан комиссия аъзоси таркибида иш олиб борганман. Устозимдан кўп нарсаларни ўргандим. Ҳамкорликда фаолият олиб борганимизда беғараз ёрдамини аямаган, илмий интилишимни сезиб, тадқиқотчи бўлишимга ҳам катта туртки бўлган эди.

Бир куни Жиззах педагогика коллежи услуб хонасига ишлаб ўтирган пайтимда устозим А.Сувонқулов кириб келиб қолди. Устозим Ўзбекистонда кўзга кўринган таниқли методист бўлса-да, “Ҳа, шогирд сизнинг услубий ишлар бўйича олиб бораётган фаолиятингиз вилоят миқёсида оммалашибди, меҳнат фаолиятингиз жуда яхши, деб эшитдим. Шогирд устоздан ўтибди, деган гап бежиз айтилмаган. Мен ҳам услуб хонасининг жиҳозланишини сиздан ўрганиш учун келдим”, деди. Мен шошиб қолдим. Устозимнинг бу гапларидан бошим осмонга етди. Устозим услуб хонасининг жиҳозланишини кузатиб, ўрганиб, айримларидан нусха олди ва ундан Жиззах давлат педагогика институтининг “Бошланғич таълим услубияти” хонасини жиҳозлашда фойдаланишини айтди. Бундан ташқари, устозим менга қўшимча услубий тавсиялар, маслаҳатлар ҳам берди. У инсон ўрганишдан ҳам, ўргатишдан ҳам чарчамас эди. Ёшларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлар, меҳнатини кадрлар ва улуғлар эди.

Бу устозимга менинг ҳурматим чексиз

Ж.Ж.Руссо бежизга “Кимдир қилган яхшилик, бизни унинг олдида қарздор қилиб қўяди”, деб айтмаган. Мен ҳам устозим берган билими, ҳаёт тажрибасидан айтган ўғитлари, услубий маслаҳатлари олдида ўзимни қарздор, деб биламан. Чунки, устозим берган ўғитлари, насиҳатлари, таълим-тарбияси, маслаҳатлари ҳозирги меҳнат фаолиятимда ҳам асқотиб келмоқда.

Устозимиз, атоқли фан арбоби Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёровичнинг ҳаёт йўли биз ёшларга, шогирларига катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда...

КАСБИ ҚУЁШИМ – УСТОЗИМ

Ҳаёт, нақадар ширин ва аччиқ қисматларга бойсан. Бу дунёда инсонлар яшар эканлар, уларнинг ҳар бири сенинг неъматингдан баҳраманд бўлиб яшайди. Айниқса, ҳаёти давомида ўзининг касбига фидойи, ҳаттоки ўз касбини ниҳоятда севувчи инсонлар ҳам ўзларининг жонкуярлиги билан меҳнат фаолиятларида чуқур из қолдириб кетадилар.

Ана шундай инсонлардан бири марҳум устоз “Бошланғич таълим методикаси” кафедрасининг моҳир методист олими Абдулаҳад Сувонкулов сиймосини яққол кўз олдимизга келтирамиз. Бу моҳир педагог нафақат ўз соҳасининг билимдони, балки, ниҳоятда олижаноблиги, одамгарчилиги қолаверса, меҳрибонлиги билан ҳам барчага ўрناк бўлган, десак янглишмаймиз.

У кишини хотирлар эканман беихтиёр қуйидаги ўтган кунлар ёдимга тушади. Мен салкам 18 йил шу факультетнинг БТМ кафедрасида лаборантлик вазифасида ишладим. Ўша кунни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. 2002 йил 7 февраль куни устозларимиздан бири дарсга келмадилар. 2-курс талабаларига ўтиладиган маъруза дарсига мени кириб ўтишимни айтишди. Табиий ҳолки, мен дарсга тайёр эмаслигимни айтиб узр сўрадим, лекин менинг узримни қабул қилишмади ва мен маъруза дарсига киришга мажбур бўлдим.

Ўша кезларда домла А.Сувонкулов БТМ кафедрасининг мудури эдилар. Мен маърузага кириб энди дарсни бошлаш арафасида эканлигимда домла аудиторияга кириб келиб, индамасдан орқа ўриндиқлардан бирига жойлашдилар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ҳеч қандай қўлланмасиз фақат ўқув дастуридаги мавзу: “Савод ўргатишда ўқувчилар нутқини ўстириш” мавзусидаги маърузани ўзимнинг институтда ўқиган давримдаги билимларимга таяниб, турли ҳаётий мисоллар билан асослаб ўтдим. Айрим муҳим жойларини ёздириб бордим. Тўғриси айтсам, шундай хаяжонландимки, нима дедим, нимани ёздирдим тўғриси эсимда йўқ. Дарс қандай якунла-

ганлигимни ва “Савол-жавоблар йўқми?”, деганимни, ҳамда бир талаба қизим ўрнидан туриб “Устоз энди ўзингиз дарс ўтинг!” деганини эслайман, холос. Дарс тугади, кафедрага кириб қалтираганча ўтирдим, сабаби домла А.Сувонқулов методист олим сифатида мени дарсимни қаттиқ танқид қилади, деган ўй-хаёл мени тинч қўймаётган эди. Шу пайт эшикдан кириб келган мудиримиз А.Сувонқулов менга ҳе йўқ, бе йўқ “Аризангизни ёзинг”, – деди. Мен қаттиқ кўрқиб: “Домла мени дарсим эмас, таёргарлик кўрмасдан келдим,” бундан кейин бу иш қайтарилмайди, дедим йиғлагудек бўлиб.

– Йўқ, – деди устоз кулиб, – “Аксинча сиз катта ўқитувчи вазифасига ишга олинасиз, шу бугундан бошлаб ариза ёзинг, сизга ҳуснихат ва унинг дарс соатини ўқув қўлланмаси сифатида ўтишингизга рухсат бераман. Бугунги маърузангиз менга ёқди...”. Ушбу кун менинг тақдиримни бутунлай ўзгартириб юборди, десам муболаға бўлмайди. Ўша кундан бошлаб, ўз устимдан ишлаб, ишга бўлган фаолиятимни тубдан ўзгартирдим.

А.Сувонқулов нафақат олим, балки, моҳир методист сифатида дарсларни таҳлил қилишда у кишига тенг келадиган устозни ҳозирги кунга қадар учратмадим. Ҳар йили 1-2-курсларда камида 2 маротаба ўтиладиган очик дарсларимга у кишидан методик маслаҳатлар олиб бордим.

А.Сувонқулов дарсларига кириб, эринмасдан дарснинг ҳар бир деталини бирма-бир эшитиб, ижобий ва салбий томонларини санаб ўтардилар. Ҳатто, энг кучли дарснинг ҳеч ким кўра олмаган томонларини кўрсатиб берардилар. Эсимда, 2013 йил “Ҳуснихат ва унли ўтиш методикаси” фанидан ўтган очик дарсимга 92 бал қўйиб юқори баҳоладилар. Бу баҳо менга берилган олий мукофот деб биламан. Қарангки, аччиқ қисмат шундай инсонни орамиздан олиб кетди. Мен бир касбдош методист педагог сифатида шуни айтаманки, мен сиздан миннатдорман, азиз устозим! Сизнинг ишингизни шогирдларингиз давом эттириб келишмоқда, демак сизнинг фан йўлидаги хизматингиз қуёш каби сўнмасдир.

МЕТОДИСТ ОЛИМ

Инсоннинг зебу-зийнати унинг ҳалол-поклиги, меҳнатсеварлиги, эл-юрт учун жонини фидо қилишлигида намоён бўлади. Шундай экан, яхши фазилатли кишиларни халқимиз ардоқлайди, унга ҳурмат эҳтиром кўрсатади. Аммо бу шонушарафга, дуо-тахсинларга ҳамма ҳам сазовор бўлавермайди.

Абдулаҳад ака Сувонқуловни ана шундай Худо севган, бандаси эъзозлаган комил инсон сифатида тилга олар эканмиз, у кишининг тўғри сўзлилиги, эзгу мақсад сари дадил интилиши, одамлар ўртасига эзгулик уруғини сочиб юришидаги хислатлари бирма-бир кўз олдимиздан ўтади.

Сувонқулов домла талабаларга ўтган маъруза, амалий машғулотлардагина эмас, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари жамоалари, дала меҳнаткашлари, маънавий-маърифий ишларида ҳар бир фуқарони билимли, хунарли, меҳнаткаш буюк инсон бўлишга даъват қилар эди. Шунинг учун ҳам А.Сувонқулов домла юзлаб, минглаб ватанпарвар шогирдлар тайёрлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшди. Шу маънода, Жиззах давлат педагогика институтини битириб, халқ таълимининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган кўплаб шогирдлари устозни эслаб тилга оладилар, устознинг охирати обод бўлсин дейдилар.

Домланинг энг ажойиб фазилатларидан яна бири ҳаётда тўхтаб қолмаслик, олдинга интилиш, имкон даражасида мавжуд муаммони ҳал қилишга ҳисса қўшиш ҳисобланар эди.

Табиат кимгадир хусну-латофат, кимгадир ақл-заковат, яна бировга илму хунарни ато этади. Домла ана шундай фазилатларга эга бўлган, эл-юрт, халқ манфаатлари учун хизмат қилиб эътибор топган, умрини баркамол авлод таълим-тарбиясига бағишланган камтар саховатпеша инсон, салоҳиятли олим, кўпни кўрган тажрибали раҳбар, моҳир педагог, катта-ю кичикка бирдек самимий муомалада бўладиган хушчақчақ инсон эди.

Домла диёнат, инсоф, ҳалоллик софдиллик каби энг юксак сифатларни ўзида мужассамлаштирган инсон бўлиб, бизни ҳам бу каби ҳислатларга амал қилишни ёқтирар эдилар.

Домла лаганбардорлик, тилёғламачилик, ёлғончилик каби найрангбозликларни ёмон кўрар, кишиларнинг ғийбат қилувчиларидан, иғво тарқатувчиларидан нафратланар эдилар. Софдил ишчан ростгўй бўлганларидан узоқ йиллар кафедра мудири лавозимида фаолият кўрсатган.

А.К.Сувонқулов домла мазмунли илмий-педагогик фаолиятлари давомида бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси фанини ривожлантириб, пойдеворини мустақкамлаб, кўп сонли шогирдлар қалбида ўчмас, чуқур из қолдирдилар. Илоҳим устознинг жойлари жаннатдан, руҳлари шод ва охиратлари обод бўлсин.

*Дилшод Ҳайдаров,
Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси*

ИЛМГА БАХШИДА УМР

Инсон умрини чинор умрига қиёслашади. Ўша чинор ўсиб катта дарахт бўлгунча қанчадан қанча ёмғиру қорларни, шамол ва довулларни бошидан ўтказди. Уларда сабр ва чидаб қолгани ҳақиқий дарахт бўлиб етишади. Аслида инсон узоқ яшамайдилар. Аммо ортидан абадий яшайдиган мерос қолдириб кетадилар. Ана шундай инсон, ўзининг бор умрини илмга бахшида этган устоз Аҳад Сувонқулов эди. Устоз ҳеч кимга ўхшамаган содда, самимий, асосийси қалби гўзал ва уйғоқ шахс эди. Ўз касбининг моҳир устаси эди. Айниқса, математика ўқитиш методикаси фанига шу қадар меҳр қўйган эдики, шогирдларига шу фаннинг сир-асрорларини соатлаб тушунтириб беришдан эринмас эдилар. Агар у киши гапираётганларида сал чалғисангиз сизни туртиб бўлса ҳам ўзига қаратарди ва қайтадан тушунтириб беришга уринардилар.

Талабалик давримизда бизга жуда кўп бора дарсга кирганлар. Дарс ўтиш жараёнида фанга шу қадар киришиб кетар

эдики, бу фан устознинг юрагига ошиён курганига ҳаммамиз астойдил ишонганмиз. Шундай жонли мисоллар келтирардики, ҳар бир талаба беихтиёр шу фанга боғланиб қолар эди. Жуда меҳрибон, талабчан, шу билан биргаликда қаттиққўл устоз эди.

Бир сафар якуний назорат топшираётганимизда салафан папкани ичига дафтарларимизни очган ҳолда тахлаб, якуний назорат вақтида бемалол қараб ёзаверардик. Аммо, “Математика ўқитиш методикаси” фанидан якуний назорат вақтида устоз буни пайқаб қолди ва анча танқид қилди. Шундан кейин биринчи маратоба тонгги соат 3 гача дарс қилганман. Бу ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Айнан ўша нарса менинг кейинчалик ҳаётимда кўп бора асқотди.

Магистуратурани битириб ишга жойлашганимда устоздан жуда кўп маслаҳат олганман. Фан ва дарс жараёнлари ҳақида кўрсатмаларни эринмасдан тушунтирар эди. Менга энг кўп айтган гаплари “илм қилинг” дер эдилар. Пахта терим вақтларида йиғилиш ўтказаетганларида ҳам талабаларга илм ҳақида соатлаб гапирар эдилар. Ҳатто, пахта теришга ҳам илм керак дерди. Ёшларни доимо қўллаб-қувватлар эди. Уларга йўл-йўриқ кўрсатишдан чарчамас эдилар. Биз билан биргаликда футбол ўйнар эди. Эсимда ҳар бир ўйинимиздан олдин жамоа ўйинчиларини тўплаб ким қаерда, қандай ўйнаши кераклигини тушунтириб берарди. У кишининг кўрсатмаларини жон дилимиз билан тинглардик. Ўзи ҳам худди финалда ўйнаётганимиздек жон куйдириб тушунтирарди. Шахматни жуда яхши кўрар эди. Бир неча бор институтда ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллаганлар. Ҳар сафар ютганларида бунинг учун ҳам албатта илм керак дерди. “Яхши яшамоқчи бўлсанг, ана бозорга бор савдогарлик қилиб бўлса ҳам зўр яшайсан, аммо шарафли касбни эгалладингми, институтда дарс бермоқчимисан албатта илм қил” деб, такрор-такрор айттарди. Инсон умрининг охиригача илм ўрганади, ҳаёт дарсини ўрганади. Аммо устозлик шарафи, қадрини ўрганиб бўлмайди. У туғма бўлиши керак. Бир қанча илмий мақолалар ва услубий қўлланмаларидан шогирдлари дарс жараёнида доимо фойдаланиб келишмоқда.

Ажал якка ов қилади, дейишади. У ҳеч ким билан маслаҳатлашмас экан, бошқаларнинг иродасини назар-писанд қилмас экан. Бевақт ўлим илм аҳли гулшанида барқ уриб очилиб, яшнаб турган бир чечакни уздию кетди. Ҳеч ишонгинг келмайди. Аммо начора, бу бор гап. Устоздан чинакам илмий мерос қолди. Шогирдларининг ҳар бир дарсида у киши барҳаёт. Дўсту биродарлари ва фарзандлари қалбида абадий яшайди. Илм аҳли бор экан, узтознинг ўғитлари ҳамиша тирик, доимо яшайверади.

Жойингиз жаннатдан бўлсин!

*Суннатулла Раимжонов, ЖДПИ "Муסיқий таълим"
кафедраси катта ўқитувчиси*

САНЪАТГА ВА СПОРТГА ОШНО ҚАЛБ СОҲИБИ ЭДИ

Мен, Сувонкулов Абдулаҳад домлани 1993 йил институтга келганимдан бошлаб биламан. Шу даврдан у киши билан йиғинларда, тўйларда ва бошқа маросимларда доимо ёнларида юрардим, сўзларини тинглардим, олардим.

1994 йилда барча қатори пахта йиғим-теримига бордим. Мавсум бошидан бошлаб, домла билан битта шийпонда турдик. Ўшанда ҳар куни ҳар хил тадбирлар, концертлар, талабаларни қизиқтириш учун спорт ўйинларини домла бошчилигида ташкил қилар эдик. Мен шахмат ва шашка сирларини ўша пайтларда Аҳад акадан ўрганганман. Мендан ташқари, бир нечта талабалар ҳам шашка, шахмат ўйнашни домладан ўрганиб олишган эди. Пахта мавсумидан қайтганимиздан сўнг, факультетда бир неча бор шахмат ва шашка мусобақаларини ташкил этар эдилар.

Мен жуда яхши эсламан. Домла шахмат спорти бўйича кўп маротаба институт чемпиони бўлганлар.

Устозим Абдулаҳад ака санъатни жуда севар, мумтоз ашула ва куйларни эшитиб, таҳлил қила олар эдилар. Қашқар рубобида айрим ўзбек куйларидан ижро этишни билар эдилар.

Домла ўта тажрибали педагог-математик, тажрибали мураббий, фарзандларига меҳрибон ота эдилар.

Жойингиз жаннатдан, охиратингиз обод бўлсин, устозим.

*Акрам Маҳамматов, Республика Мағнавият ва маърифат
маркази Жиззах вилоят бўлими ходими*

МЕТОДИКА ИЛМИНИНГ БИЛИМДОНИ ЭДИ

Абдулаҳад ака Сувонқуловни 1999 йилда Жиззах давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга қабул қилинганидан таний бошлаганман. У пайтда устоз Педагогика факультети Бошланғич таълим методикаси кафедрасида фаолият кўрсатар эди. Педагогика факультетида амакимнинг ўғли Ўктам ака Фармонов ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатганлиги боис дарсдан бўш вақтларимда мазкур факультетга чиқар эдим. Факультетга чиққан вақтларимда домланинг аудиторияда талабаларига математика фанини методик жиҳатдан атрофлича тушунтириб, амалиётга боғлаган ҳолда ёритишларига гувоҳ бўлар эдим. Аҳад ака ўша даврларда нафақат кундузги бўлим, балки сиртқи бўлим талаларига ҳамда вилоят малака ошириш институтинингловчиларига ҳам вақт топиб дарс ўтишга ҳаракат қилар эдилар. Кун давомида у кишининг кабинетларида талабалар ва тингловчиларнинг қадами узилмас эди.

Абдулаҳад ака қисқа умр кўрдилар. Ана шу қисқа умрлари давомида режалаштирган ишларини бажариш учун кун давомида ҳар бир ишга вақт ажратишга имкон топдилар. Бир қарасангиз, кундузги бўлим талабаларига дарс машғулотларини ўтаётган, ҳали сиртқи бўлим талабалари билан фанни қай йўсинда ўқувчилар онгига сингдириш йўллари ҳақида баҳслашаётган, ҳали вилоят малака ошириш институтинингловчилари билан кўчма машғулот ўтаётган, ҳали ҳамкасблари билан футбол майдонида ёш боладай чаққонлик билан тўп тепаётган, ҳали институт миқёсида ўтказиладиган “ақл гимнастикаси” бўлмиш шахмат мусобақасида ғолибликни қўлга

киритиш учун беллашаётган бўлар эдилар. Домла математикани содда ва равон тилда мактаб ўқувчиларига етказиш усулларини яхши биладиган ҳақиқий маънодаги методист олим эдилар.

2004 йилда институтни тамомлаб, магистратурага ўқишга қабул қилиндим. 2005 йилда эса Магистратура бўлими методисти сифатида олий даргоҳда иш фаолиятимни бошладим. Ана шу даврдан бошлаб домла билан юзма-юз гаплашиш имкониятига кўп бора эга бўлдим. Институтда ташкил этиладиган очиқ дарс машғулотларида, ўқув семинарларида, баҳс-мунозараларда фикрларимиз ўзаро мос келар эди.

Абдулаҳад ака ўзининг педагогик иш фаолияти давомида аввало умумтаълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий таълим муассасаси, малака ошириш тизими жараёнларидан тўлиқ хабардор ҳамда мазкур тизимнинг барча бўғинида самарали фаолият кўрсатиб, бой тажриба тўплаган эди. Тўплаган иш тажрибаси устознинг ўзаро мулоқотларида, очиқ дарс машғулотларида, илмий конференцияларда, методика илмининг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолаларида, ўқув-методик қўлланмаларида ўз ифодасини топган эди.

Устознинг бошқалардан фарқ қилиб турадиган яна бир инсоний жиҳатлари шунда эдики, доимо ҳақиқатни ёқар ва унинг ҳақ ерда қарор топиши учун жон куйдирар эди. Фикрининг исботи сифатида 2007 йилда турмуш ўртоғим магистратурага кириш имтиҳонларини топширди. Имтиҳонларни текшириб чиқувчи комиссия таркибида яна бир таълим соҳаси жонкуяри, методист олим, филология фанлари номзоди, доцент Низомиддин ака Усмонов (Аллоҳ уларнинг охиралиларини обод қилсин) ҳамда Абдулаҳад ака Сувонқулов бор эди. Ана шу жараёнда моддий манфаат эвазига айримларнинг аралашуви натижасида рафиқамнинг ёзган ишлари бир чеккада текширилмасдан қолиб кетишига бир баҳя қолди. Маъна шу раҳматли икки инсоннинг холис, ҳаққоний эътирофи ва саъй-ҳаракатлари натижасида рафиқам магистратурага қабул қилинди.

Устоз умрининг сўнги дамигача илм излашдан, ёшларга математика фанининг сир-асрорларини ўргатишдан чарчамасди. Вафотидан икки кун олдин Халқ таълими вазирлиги тавсиясига асосан институтнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларидан иборат мактаб дарсликларини ўрганиб чиқувчи эксперт комиссияси таркибида Тошкент шаҳрига хизмат сафарига жўнаб кетган эдилар.

Халқимизда орасида “Яхшидан боғ қолур” деган гап юради. Устоз ўзидан боғ ҳам қолдирди, математика фани методикасига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётган фарзандлар, шогирдларига эса ўзининг бой педагогик иш тажрибасини мерос қилиб қолдирди. Педагогика институтини тугатган кўп сонли шогирдлари ўз иш фаолиятлари давомида домланинг берган ўғитлари асосида ўқувчиларга илм-фан сирларини кунт билан ўргатишмоқда.

Абдулаҳад Сувонқулов 2008-2015 йилларда Жиззах педагогика коллежи билан ҳамкорликда методик ишлар бўйича ДАК раиси сифатида ҳам бир неча йиллар фаолият олиб борган.

Мен ҳам устозим билан комиссия аъзоси таркибида иш олиб борганман. Устозимдан кўп нарсаларни ўргандим. Ҳамкорликда фаолият олиб борганимизда беғараз ёрдамни аямаган, илмий интилишимни сезиб, тадқиқотчи бўлишимга ҳам катта туртки бўлган эди.

Бир куни Жиззах педагогика коллежи услуб хонасига ишлаб ўтирган пайтимда устозим А.Сувонқулов кириб келиб қолди. Устозим Ўзбекистонда кўзга кўринган таниқли методист бўлса-да, “Ҳа, шогирд сизнинг услубий ишлар бўйича олиб бораётган фаолиятингиз вилоят миқёсида оммалашибди, меҳнат фаолиятингиз жуда яхши, деб эшитдим. Шогирд устоздан ўтибди, деган гап бежиз айтилмаган. Мен ҳам услуб хонасининг жиҳозланишини сиздан ўрганиш учун келдим”, деди. Мен шошиб қолдим. Устозимнинг бу гапларидан бошим осмонга етди. Устозим услуб хонасининг жиҳозланишини кузатиб, ўрганиб, айримларидан нусха олди ва ундан Жиззах давлат педагогика институтининг “Бошланғич таълим услубияти” хонасини жиҳозлашда фойдаланишини айтди. Бундан ташқари, устозим менга қўшимча услубий тавсиялар, маслаҳатлар ҳам берди. У инсон ўрганишдан ҳам, ўргатишдан ҳам чарчамас эди. Ёшларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлар, меҳнатини қадрлар ва улуғлар эди.

Бу устозимга менинг ҳурматим чексиз

Ж.Ж.Руссо бежизга “Кимдир қилган яхшилик, бизни унинг олдида қарздор қилиб қўяди”, деб айтмаган. Мен ҳам устозим берган билими, ҳаёт тажрибасидан айтган ўғитлари, услубий маслаҳатлари олдида ўзимни қарздор, деб биламан. Чунки, устозим берган ўғитлари, насиҳатлари, таълим-тарбияси, маслаҳатлари ҳозирги меҳнат фаолиятимда ҳам асқотиб келмоқда.

Устозимиз, атоқли фан арбоби Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёровичнинг ҳаёт йўли биз ёшларга, шогирларига катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда...

тўққизинчи синфга Булунғур марказидаги Пушкин номли 60-умумий ўрта таълим мактабига бордик. Тўққизинчи синфни ўша ерда бирга битирдик.

Ўнинчи синфга ўтгандан сўнг, 1973 йил ноябр ойларида Абдулаҳадлар ота юртимиз, кўшни Бахмал туманидаги “Барлос” қишлоғига кўчиб кетишди. Ва, ўша ерда ўнинчи синфни тугатиб кўя қолди. (У пайтлари ўрта мактаблар ўн йиллик эди).

2. Аслида мен 1958 йили туғилганим учун Абдулаҳаддан бир йил кейин мактабга боришим керак эди. Аммо бизга бўлғуси синф раҳбаримиз Нажия Сулаймоновна Абдуллина 1964 йил баҳорида биринчи синфга ўқувчиларни танлаш учун қишлоқ оралаб юрганида биз Абдулаҳад иккимиз бизникида ўйнаб юрган эканмиз. Абдулаҳаднинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини опкелиб, ўқитувчига кўрсатишган. Меникини эса онам кўрсатмаган. Ҳали “олмаганмиз” дея ёлғон сўзлаган. Ва: “мана, бўйларига қаранг, Абулқосим Абдулаҳаддан бўйдорроқ” деган. Тенглаб кўришса, Абдулаҳаддан менинг бўйим узун. Шу далил ва шу гап асносида мен Абдулаҳад билан бирга мактабга борганман ва ўқиб кетганман. Икки ойлардан сўнг онам мактабга бориб, “Абулқосимнинг ўқиши қандай?”, деб сўраса, Нажия Сулаймоновна мени мақтаган. “Аълочи”, деган. “Фақат хуснихати чатоқ” деган. Шундан сўнг онам менинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома”ми такдим этган...

3. Хуллас, биз тенгқур эдик. Боз устига ёнма-ён кўшни яшардик. Ака-укаларнинг фарзандлари бўлганимиз учун ҳам қон тортиб, сал имкон топилди дегунча, бир-биримизникига ошиқардик. Бирга ўйнаш учун; бирга мактабга бориш учун; бирга мактабдан қайтиш учун; ўқишдан кейин сигирбузоқларга даладан ўт ўриб келиш учун; шахмат-шашка ўйнаш учун...

Абдулаҳадларникида чиройли шахмат тахтаси бўлар эди. Келдиёр акамизники. Келдиёр акам шахматни яхши ўйнар эди. Биз муштдайлигимиздан ана шу шахмат тахтасида шахмат-шашкани ўрганганмиз.

Кейинчалик, 1966 йил бошида Холмуҳаммад акам олти ой Самарқанд суяк касаллар шифохонасида даволаниб, ўша ерда

рубоб чалишни, шахмат суришни ўрганиб қайтди. Келдиёр акамизнинг шахмат тахтаси жуда қўл келдию, ҳаммамиз: ака-укалар, амакилар имкон топилди дегунча, эртадан кечгача бўлса-да, шахмат ўйнашга ошиқар эдик. Абдулаҳаднинг онаси - Сора янгамиз бизнинг ўйинларимиздан безор бўлиб, шахмат тахтасини ёқиб юборишига сал қолган. Шу воқеадан сўнг шахмат тахтасини бизникига келтирдик. Ва... кечалари ярим тунгача ҳам шахмат ўйнашдан сира эринмас эдик. Уришардик, талашардик, ярашардик ва яна шахмат ўйнардик.

Ҳатто, 1966 йили ҳам қишлоқда доимий, юқори вольтли электр чироғи йўқ эди. Қишлоқнинг бир четидаги двигатель ёрдамида қишлоққа икки соат электр свети берилар, кейин ўчирилар эди. Кейин эса оддий, лампа шишали, керосинда ёнадиган чироқ шуъласида мук тушиб, шахмат ўйнардик. Мен, акам, Абдуалҳад, Орзиқул Ҳампияев, акамнинг синфдоши Салим Пардаев. Ютқазган ўйиндан чиқиб, навбати келишини пойлаб ўтиришга мажбур эди.

Қаерда шахмат ўйнаётганлар ғужғон бўлиб ўтирса, ўша ерда бизлар албатта бўлар эдик. Шу сабаблими, кейинчалик Абдулаҳад Жиззах давлат Педагогика институтида чемпион бўлдим, деди. Кейин “Жиззахда менга тенг шахматчи йўқ, любойини ютаман”, деб керилди. Кейинроқ: “Чойхона шахматчилари зўр бўлар экан. Фақат улар расмий турнирларда қатнашмагани учун билмас эканмиз. Атайлаб бориб, бир-иккитаси билан ўйнаб кўрдим. Ютқиздим”, деган эди. Хуллас, Абдулаҳад турнирларда қатнашса, албатта ғолиб бўлар эди. Саккизинчи синфни битиргунга қадар мактабда бизга тенг келадигани йўқ эди. Акам биринчи, Абдулаҳад иккинчи, мен учинчи бўлар эдим. 1974 йил бошида Булунғур тумани марказидаги мактаблараро мусобақада мен биринчи тахтада ғолиб бўлдим. Бу пайт Абдулаҳад Бахмал туманига кўчиб ўтиб, ўша ерда ғолибга айланиб улгурган эди.

4.Холмуҳаммад акам тирикчилик юзасидан 1978-80 йиллари Қозоғистоннинг Чимкентига қатнаб, том устини ёпадиган алюминий материални Бахмалга опкелиб сотар эди. Бир сафар пулни халталаб, сафарга отланиб, Жиззахга етганда Абдулаҳадга дуч келган. Абдулаҳад: Андижонда республика

миқёсидаги шахмат мусобақаси бошланаётганини, агар акам истаса, Жиззах вилояти номидан акам ҳам қатнашиши мумкинлигини, ҳужжатларни ҳозироқ тўғрилашини ва Андижонга жўнаб кетишларини – айтган. Ва... акам қўлидаги халта тўла пул билан Чимкент қолиб, Андижонга жўнаб кетган.

– Аканг биринчи тахтада ўйнади ва барча ўйинларни ютқизди, – деган эди Абдулаҳад. – Аканг ҳам чойхона шахматчиси-да. Расмий турнирларда қатнашмагани панд берди. Ҳар гал ўша, ўйинни бой берган шахматчи билан ўйнаб кўриб – ютарди. Кечқурунлари, турнирдан сўнг ўйнарди ва ютарди. Аммо турнир пайти... балки ўйнаётган пайт – меҳмонхонада қолган пул тўла халтаси эсига тушиб қолармиди?!... Ёки уйга қайтгандан сўнг онасига нима деб жавоб беришини ўйлаб... хуллас...

Хуллас, турнир нақд саккиз кун давом этган. Акамнинг бўлари бўлган. Уйда эса онам хавотир олиб ўтирган: “Холмуҳаммад пул тўла халта билан кетган эди?!. Нима бўлди? Нима қўйди?! Ҳар сафар икки-уч кунда қайтар эди?! Саккиз кундан бери нега йўқ?!...” каби боши-охири йўқ онаизор саволлари...

Шунақа бир асаббузарликлар бўлган шахматнинг ортидан.

5. Мактабни битиргандан сўнг Абдулаҳад иккимиз ҳам Самарқандга ўқиш учун бордик. Мен Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат университетининг рус филологияси факультетига, Абдулаҳад эса Самарқанд кооператив институтига ҳужжат топширдик. Менга амаким, кейинчалик, 1974 йил сентябрдан Жиззах давлат педагогика институтига тамал тошини қўйган устозлардан бири, шу институтда 1974 йилдан умрининг охирига қадар – (2017 йил) ишлаган профессор, филология фанлари номзоди, ўзбек классик адабиёти билимдони, машҳур Ҳамид Сулаймоннинг шогирди – Олимжон Жўраев акам ҳомийлик қилди ва мен 1974 йили, мактабни битирган йилиёқ, 16 ёшимда Самарқанд Давлат университети студентига айландим.

Абдулаҳадга – Сувонқуловларга тоға уруғ бўлмиш, узоқ йиллардан бери Самарқанд олий ўқув юртларида домлалик

қиладиган – Ҳамроқул Маматқулов ҳомий бўлди ва... Абдуҳаҳд йиқилди.

Эндигина ҳужжат топшираётган вақтимиз Олимжон акам Абдуҳаҳд кооператив институтга бормоқчи бўлаётганини эшитиб: “Келдиёр аканга айт, Абдуҳаҳдни опкелсин, университетнинг математика факультетига киритамиз”,- деди. Мен бу хабарни Келдиёр амакимга етказдим. Аммо... Ҳар қалай, ўша йиллари кооператив институтнинг рейтинги жуда баланд эди. Соҳаси жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона институт эди. Келдиёр акам Абдуҳаҳд ана шу рейтингги баланд институтда ўқишини истади, аммо... Абдуҳаҳд ўша, 1974 йили ўқишдан йиқилди. Ва, 1975 йили Жиззах Давлат Педагогика институтига – Олимжон Жўраев акамизга юкуниб борди ва... математика факультетига ўқишга кирди.

6. Дарвоқе... Биз ака-укалар, амакилар... 5-6 синфда ўқиб юрган пайтларимиз синф раҳбаримиз Зоя Галимовна талаби билан қиш кунлари синфдошлар уйга вазифаларни биргаликда галма-галдан бир-биримизникига бориб тайёрлар эдик. Ўшанда Абдуҳаҳд ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда алгебра, геометриядан берилган уй вазифаларини жуда осонлик билан ечар, кейин “бошқача усулда ҳам ечса бўлар экан”, деб бошқача усулга солар, ечар, бизга тушунтирар, кейин биз... ундан кўчириб олар эдик. Юзта масалани бир хилда ечгандан кўра, битта масалани юз хил усулга солиб ечган яхши, деган ибора бўлар эди. Абдуҳаҳд шу иборага амал қилар эди. Адабиёт, тарих масаласида эса мен етакчи эдим. Бу йўналишларда синфдошларим менга қулоқ солишарди.

Биз, ака-укаларнинг фарзандлари нега бошқа-бошқа йўналишлардан кетдик?, – деган савол неча бор йўлимизда кўндаланг бўлган. Шунда Келдиёр акам: мен математикадан кучли эдим. Шу сабабли Абдуҳаҳд зўр математик бўлди, шекилли, дер эди. Ҳар қалай, Абдуҳаҳд умрининг охирига қадар “Жиззах вилоятида менинг олдимга тушадиган математик йўқ”, дея мақтаниб юрар эди. У ёғини... тағин... Худо билади. Хуллас... Абдуҳаҳднинг фарзандларидан ҳеч бири математик бўлмади. Аммо... юқорида таъкидлаганимдек, Сувонқул катта отамизнинг тўрт нафар ўғли бўлган: Мамарасул, Неъматулла,

Келдиёр, Қаюм... Ҳозирги кунда Қаюм амакимнинг икки невараси – Аҳмад Сувонқуловнинг бир ўғли Шохруҳ ва бир қизи Гулруҳ математика соҳасида етишиб чиқмоқда...

Ҳар қалай, наслда бўлса, у қайсидир авлодга ўтиб, юзага чиқаверади, шекилли...

Мен эса мутлақо тескари... адабиётга қараб кетдим. Ва буни Норбой катта отамизга боғлайман. Ҳикоям бошида айтганимдек, Норбой катта отамизнинг икки ўғли бўлган. Жўрабойдан тараганлар ичидан Олимжон Жўраев акамиз – етук, тан олинган адабиётчи олим бўлди. Сувонқулдан тараганлар орасида эса мен – Абулқосим Мамарасулов биратўла ёзувчи бўлиб қўя қолдим.

Қаюм Сувонқулов

СУЛОЛАМИЗ САЙҚАЛЛАРИ

Отам Сувонқул Норбой ўғли ва онам Ойша Юсуп қизи олти фарзанд кўрганлар: Мамарасул, Шодмоной, Неъматулло, Келдиёр, Қаюм, яъни – мен ва Фотима. Отамнинг иккинчи турмушидан Абдукарим исмли укамиз ҳам бор.

Акам Келдиёр Булунғур тумани 1-совхозда (ҳозирги Янгиобод қишлоғи) яшаган. У киши 1955 йил Самарқанд шаҳридаги Хужум кўчасида шафёрликка ўқиб, ўз касбининг устасига айланди. 1956 йил Келдиёр акам ўқишни тамомлагач, дастлаб Бахмал тумани Ўснат шаҳарчасида очилган вольфрам конида геология-қидирув ишларини олиб борувчи ташкилот директориға шафёрлик қилди. Шу йили акам Сора янгамга уйланган ва 1957 йил уларнинг биринчи фарзанди Абдулаҳад дунёга келди. Бу исмни Келдиёр акамга бобомиз Жўрабой тавсия қилган ва у маъқул тушиб, шу исмни қўйган. Жўрабой бобо ва Сувонқул отамиз ака-ука бўлишиб, Норбой исмли катта отамизнинг ўғиллари бўлишган. Жўрабой бобо дин илмини пухта эгаллаган бўлиб, фарзандлари ва набираларига диний таълимдан сабоқ берарди.

Келдиёр акам 1957 йилдан Ўснатда қишлоқ хўжалиги машиналари паркида раҳбарға шафёрлик қилишни бошлади.

Келдиёр акам сўзи ўткир, шўх, қаттиққўл, сахий, кўнгли очик инсон бўлиб, дастурхони доим очик, уйида меҳмондорчилик кўп бўларди.

Акам 1971 йилда Барлос қишлоғига оилавий кўчиб келишган. Ва қишлоқда раис шафёри бўлиб ҳам ишлаган.

1990-1994 йилларда қишлоқда Келдиёр акамнинг ташкилотчилиги, саъй-ҳаракатлари билан халқдан йиғилган маблағ ҳисобига ажойиб масжид барпо этилди. Масжид қурилиши бошланган 90-йиллар собиқ иттифоқ даври бўлиб, бундай ишларни қилишга акамда катта жасорат бўлган. Ушбу масжид қурилишига укалари Ҳолмуҳаммад ва Муртозо усталарни жалб қилди. Масжид 200 кишилик ўринга эга. Ҳайит байрамларида одам кўпайиб, 400 дан ортиқ киши йиғилади.

Ўзим эса Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти 1967 йил тамомлаганман. Отам аввал Мамарасул акам билан кейин эса мен билан яшаган. 1963 йил 7 ноябрда акам Мамарасул 43 ёшида бахтсиз ҳодиса – авария туфайли вафот этган. 1964 йил 20 январда 75 ёшда отам вафот этдилар.

Акам менга Булунғурдаги уйини бериб кетган эди. Мен эса уйимизни укам Каримга қолдирдим. Карим отамнинг иккинчи оиласи Жумагул Ташановадан туғилган эди. Жумагул онамиз Бахмал туман Боғимозор – Барлос қишлоғидан Очил бобо Жўраевнинг амакиси бўлади. Очил бобо Жўраевнинг (Очил бобо бизга язна – почча бўлади) фарзандлари, хусусан юридик фанлари доктори Йўлдош Жўраев (Абдулаҳаднинг қалин дўсти, ўғли Жамшиднинг устози) бизга жиян бўлади.

Акам ўғли Абдулаҳадни ўқитди, яхши тарбия берди, азиз инсон қилиб улғайтирди. Абдулаҳад укаларини, сингилларини ҳам кўлидан келганча ўқитишга ёрдам берди, уларнинг ҳаётдан ўз ўрнини эгаллашларига кўмаклашди, уларга бош бўлди.

1987 йил акам билан қуда-анда бўлганмиз. 1999 йил апрелда Келдиёр акамдан, 2003 йил сентябрда онаси Сора янгамдан айрилдик. Бу оғир жудолик бўлди. Абдулаҳад ота-онасининг маракаларини ўтказгач, энди укаларига, сингилларига бош бўлиб, уларга маслаҳатлар бериб, ҳаётий сабоқларни уқтириб борди.

Абдулаҳад ҳам отасининг эзгу ишларини давом эттирди. Унинг оиласида ҳозирги кунда ҳам меҳмон аримади. Чунки, баракали одамнинг фарзандлари ҳам баракали бўларкан. Абдулаҳаднинг оиласида, сулоласида ҳеч қачон файзу барака тарк этмасин.

Мен ҳар доим қариндошларимнинг оқсоқоли сифатида уларнинг тўю марақларида доим кўлим дуода бўлиб, яхши тилаклар билдириб тураман.

2015 йил сентябрь ойининг 18 кунини жигаргўшам Абдулаҳаднинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитиб, сулоламизнинг сайқали, шамларидан бири сўнгандай, боғимизнинг бир ёш чинори қулаб тушгандай бўлди. Олим, қадрли укам Абдулаҳаднинг ҳаётлигидаги зиёкорлик ишларининг зиёси қабрини нурга тўлдириб, охиратини обод айласин.

Фотима Сувонқулова

ЯХШИЛАР ЁДИ ЎЧМАС БЎЛАДИ

Мен Келдиёр акамнинг синглиси, Аҳаднинг аммаси бўлман. Мен ҳозир 80 ёшда бўлишимга қарамасдан, ўтган даврларни яхши эслайман. Биз дастлаб Бахмал туманидаги Барлос қишлоғида яшаганмиз. Отам катта деҳқон бўлган. У киши ҳозирги Барлос қишлоғидаги кўплаб ерга беда, бугдой, макка, арпа каби экинларни экиб, катта даромад оларди. Ўша вақтларда, қулоқ қилиш даврида бизнинг оиламиз турли синовларга дуч келди. Шу сабабли биз деярли 40 йил давомида ҳар жойга кўчиб юришимизга тўғри келган. Кейинчалик Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги “Токсовхоз” деган жойга кўчиб келганмиз. Шу ерда 1957 йилда Аҳад туғилган. У жуда шўх, тиришқоқ, зукко, пишиқ бола эди. Мен ўша дамларни яхши эслайман. Абдулаҳад мактабда аъло баҳога ўқиган, у яхши хулқи, юриш-туриши, одоби билан ота-онасига доим раҳматлар олиб келарди.

Ёшлигидан пухта-пишиқ бўлган, кейин ҳам пишиқ бўларкан. Абдулаҳад фанларнинг ичида, айниқса, математикани

судай биларди, ҳисоб-китобни яхши қиларди. У “ҳисобли дўст айрилмас” деб, кўп гапирарди.

Абдулаҳаднинг онаси, Сора янгам ҳам рўзғорда пишиқ эди. Улар қаерда яшаган бўлса ҳам, ҳовлисида деярли ҳамма озиқ-овқат, полиз маҳсулотлари экиларди. Масалан, баҳорги ва бошқа хил олмалар, ҳар хил навли узумлар, қовун-тарвуз, қовоқ, ўрик, ёнғоқ кабилар билан нафақат фарзандларини, балки, набираларини ҳам шуларнинг орқасидан катта қилишган.

Жуда яхши эслайман, Абдулаҳад 2 ёшлигида этагига ўрикни тўлдириб олиб, бобоси Неъматилло акамникига деб, олиб борганини. Ўшанда, биз уни йўқолди, деб ўйлаганмиз.

Абдулаҳад ёшлигидан бизникига кўп келарди, фарзандларим, раҳматли Нуриддин ва Ҳикматилло уларникига кўп боришарди. Улар ҳаётда жуда кўп мулоқотда бўлишган. Айниқса, ўғлим Ҳикматилло ва бошқа шахматчилар Абдулаҳад билан кўп шахмат ўйнардди, ҳатто уларни ютиши учун Абдулаҳад имконият (масалан, қайтиб ўйнашга) яратиб берарди. Аммо, ўғлим барибир ютқазарди. Чунки, Абдулаҳад кучли истеъдод соҳиби эди.

Абдулаҳад ҳам отаси Келдиёр акамга ўхшаб бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Нега деганда, уларнинг ўзларига ишончи кучли бўлган. Бошланган хайрли ишни охирига етказишар эди.

Абдулаҳад том маънодаги инсон ва ҳақиқий олим эди. Ҳақиқатни одамларнинг юзига айтарди, ноҳақликка чидай олмасди, доимо фидойилик билан меҳнат қиларди, инсонларга меҳр кўрсатди, маслаҳатларини дариф тутмади.

Унинг руҳи шод бўлсин, қалами азиз фарзандлари ва садоқатли шогирдлари қўлида. Яхшилар ёди ўчмас бўлади.

ЭҲТИРОМ

А.К.Сувонқулов илм-фанга қизиқувчан ва изланувчанлиги, ҳар бир ишни охирига етиши учун бор кучи ва меҳрини сарф қилгани сабабли, институтда ўқиб, 1979 йилда математика ўқитувчиси бўлди.

У биринчи ўқитувчилик фаолиятини 1979 йилда Бахмал туман Барлос қишлоғидаги Алишер Навоий номли 32-мактабда бошлаган. Кейин Музбел қишлоғидаги 31-мактабда ҳам математика фанидан ёш авлодга таълим берди.

Абдулаҳад спортга қизиқувчанлиги учун доимо спорт билан шуғулланди ва “Рассвет” совхозида спорт ишлари бўйича масъул ходим сифатида намунали ишлар қилди.

У хўжаликдаги спортга қизиққан одамларни ва ёшларни бирлаштирди. Ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, унинг дилидаги юксак мақсадларидан бири эди.

Шу сабабли совхознинг маркази Барлос қишлоғида 32-мактаб ёнида кенг жамоатчиликнинг ҳомийлик кучидан фойдаланиб, “футбол майдони” ни қуришга эришди. Бу унинг ишбилармон тадбиркор эканлигидир.

1980 йилдан то ҳозиргача ушбу майдон нафақат Бахмал тумани, балки, Булунғур, Ғаллаорол каби қўшни туманларнинг ҳам спортсевар ёшларининг ҳар турдаги спорт турнирларини ўтказадиган севимли майдонига айланган.

А.Сувонқулов Москвада ўқиб юрган вақтларда мен бир иш билан ўғлимни врачларга кўрсатишга олиб борган эдим. Шунда Абдулаҳад менга одамгарчилик қилиб йўл-йўриқ кўрсатди, яхши даволаш муассаларини тавсия қилди ва биз хурсанд бўлиб уйга қайтдик. Унда одамгарчилик ўта кучли бўлиб, қариндош – уруғларининг тўю марақларидан қолмас, юксак ҳурматга сазовор инсон эди.

Сўнгра ЖДПИ га ишга кириб, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудир, эксперт каби лавозимларида бир умр самарали меҳнат қилди. А.К.Сувонқулов “Бошланғич таълим методикаси”га оид турли илмий китоблар ёзиб, илмий жамоат-

чилик орасида яхши обрў орттирган методист эди. Жонкуяр устоз берган таълим-тарбиясидан, бошланғич таълим йўналишини битирган барча ўғил-қизларимиз турли виоятлардаги мактабларда билимга ташна ёш келажак авлодларимизга дарс бериб келмоқдалар.

Қишлоқдошим А.К.Сувонқулов ҳамма ёшу кексаларга бирдек, хоксор, камтарин, меҳрибон, оқибатли, ҳар бир ишда ҳамдам, нажоткор, тадбиркор ўртоқ эди.

Сувнинг онаси булоқ

Йўлнинг онаси туёқ

Сўзнинг онаси қулоқ

Тинчлик онаси чин ўртоқ

дейишганидек, бизнинг укамиз А.К.Сувонқулов ҳамма талабаларга устоз, ҳам ота, ҳам чин ўртоқ, илм-фан йўлида маърифат тарқатувчи, эл-юрт учун ўғил-қизларни фидоий қилиб тарбияловчи инсон эди.

А.К.Сувонқулов институтда кўп йиллар фидокорона ишлаган профессор-ўқитувчилар Олимжон Жўраев, Худойберган Жўраев, Давур Муродмусаев, Мардон Турсунпўлатов, Нозбуви Бойчаевалар қаторида зиё тарқатувчи, мурувватли, ватанпарвар, адолатли инсонлардан бири эди.

Аллоҳ изн берган фурсат етгач, ҳар бир яхши – ёмон, ҳам оламдан ўтади-ю, уларнинг айтган сўзлари, қилган эзгу ишлари ҳеч қачон унутилмайди, ўлмайди. А.К.Сувонқуловдан бир қанча илмий китоб, юзлаб илмий мақола қолди.

Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёрович турмуш ўртоғи Ҳанифа Саримсоқова билан ҳамфикр, ҳамдард бўлиб яшаб, уч ўғил-икки қизни вояга етказиб, яхши тарбия бериб, олий маълумотли қилишда бор куч-ғайратларини сарфлади ва элу юртимизнинг корига ярайдиган оқил, намунали, етук фарзандлар қилиб тарбиялади.

Аллоҳ яхшиларни ўз раҳматига олсин ва жойини жанатдан қилсин.

*Икром Нормуродов,
Мукалот Нормуродова*

ҚУДАМИЗНИ ХОТИРЛАБ

Ҳаёт қизиқ экан. Инсонлар бир-бири билан яхши куда бўлишни, яхши ҳаёт кечиретишни истар экан. Бизнинг ўғлимиз Хуршид ва домла Абдулаҳад Сувонқуловнинг қизи Дурдона институтда инглиз тили йўналишида бирга ўқишган. Ўғлимизнинг таклифи билан Дурдонанинг тарбияси ва яхши ўқиши ҳамда одоб ахлоқи бизни бу қизни келин қилиб олишга ундади.

Ва шу мақсадда, домланинг оиласи билан танишишга бир неча бор уйларига борганимиз ва у киши ҳар сафар бизни илиқ кутиб олишган.

Биз домланинг оиласини яхши, намунали оилалардан эканлигини, барча фарзандлари олий маълумотли эканлигини, кўни-кўшнилари билан муносабатини, иш жойларидаги обрў-эътиборини, домланинг камтаринлигини, олим эканлигини, меҳрибонлигини, хушмуомалали эканлигини англаб, шу оила билан қудалашишни ҳис қилардик ва тинмай ҳаракат қилардик.

Домла билан биринчи танишувимиз у кишининг Жиззах шаҳри Заргарлик маҳалласида жойлашган уйларида бўлган. Домланинг уйларига совчиликка борганимизда у киши турмуш ўртоғи Ҳанифа билан бизни жуда яхши кутиб олишганди. Домла, худди, эски танишини кўргандай, “Жуда яхши қилибсиз, хуш келибсиз”, деб самимий муносабат билдирган эди ва фикрини давом эттириб, “Қизим юшоқ табиатли – Зумрадой”, – деганлари эсимизда.

У кишининг қизи контрактда ўқир ва унинг ўқишини битиришини ва кейин турмушга узатишини бизларга айтар эди. Бу эса домланинг узоқни кўра олишидан далолат берарди. Агар ўқиш даврида қизини узатса, унинг ўқиши қийинлашини ва турмуш муаммолари билан ўралашиб қолишини биз ҳам яхши тушунардик. Сабр қилдик, кутдик. Ва, ниҳоят биз узоқ кутган дамлар ҳам етиб келди. 2011 йил ноябрь ойида

насиб қилиб, тўй қилдик, қуда бўлдик. Ҳозирги вақтда бизларнинг фарзандларимиз яхши оила қуришиб, бахтли ҳаёт кечиришмоқда.

Домла билан бир неча марта давраларда бирга ўтириб суҳбат қурганмиз. Суҳбатларимиз илм-фан, спорт, ишлаб чиқариш каби янгиликларга бой бўларди. У киши қариндош-уруғлар ўртасида меҳр-оқибатли, обрў-эътиборли, дастурхони доим очиқ инсон эди.

Домла бизникига меҳмонга келганда дарвозадан ҳовлини тўлдириб кириб, келар ва яхши, мазмунли суҳбат қурардик.

У киши фарзандларига жуда меҳрибон бўлиб, улардан тез-тез хабар олиб турар эди. Домла фарзандларига тўғри тарбия берганлар, мана 6-7 йилдир-ки, келинимиз Дурдона хизматимизни қилиб, ота-онасига ҳамду-санолар ёғдириб юрибди.

Биз раҳматли Абдулаҳад Сувонқулов оиласи билан қуда бўлганлигимиздан жуда хурсандмиз. Афсуски, у кишининг умрлари қисқа экан. У кишидан Ватанга, инсонга, дўстга, ишга, сўзга, илм-фанга, тарбияга, оилага, ҳаётга муносабат борасида кўп нарсаларни ўрганиш, яхши фикр-мулоҳазалар олиш мумкин эди. Ана шундай олим билан ҳамнафас бўлганимиздан ва у киши билан қудалашиб, қариндош бўлиш насиб қилганлигидан фахрланамиз.

Домланинг жойлари жаннатда, охиратлари обод бўлсин.

Ҳанифа Саримсоқова

УМР ЙЎЛЛАРИМДАГИ ЙЎЛДОШИМ

*Ҳаёт ҳазил эмас
Эрмак ҳам эмас,
Ҳаёт машаққатли
Меҳнат демакдир.*

И.С.Тургенев

Мен – Саримсоқова Ҳанифа Норбековна 1960 йил 5 сентябрда ишчи оиласида туғилганман. Отам Саримсоқов Норбек 1934 йил 20 апрелда туғилган бўлиб, совхозимизда чорвачилик бўйича бригадир лавозимида ишлаган.

Онам Саримсоқова Зулфия 1934 йилда туғилган бўлиб, оиламизда 7 та фарзанд бўлганмиз. Опам Зайнаб, Ҳожар, мен, укам Исмоил, сингилларим Мавлуда, Мастура ва Сожидалар бўлишган. Мен оилада 3-фарзанд бўлганман. Мен ёшлигимдан шаддод, аммо тўғрисуз, қатъиятли, журъатли қиз бўлиб ўсдим. Отам бизга қаттиққўл эди, шунинг учун айтган ишларини ўз вақтида бажарардим. Оиламиз аҳил-иноқ оила эди.

Ҳаётнинг турли бешавқат синовлари бўлар экан. 1977 йил 16 июнь куни онам ёмон касал билан оғриб вафот этди. Уйда отам, катта опам бизнинг турли хархашаларимизга дош бериб келишди. Икки опам турмушга чиқишди. Кейинги навбат менга келди. Бу борада, уйимизга совчилар кела бошлашди. Мен ўқишим керак, деб туриб олдим. Отам иккинчи марта уйланган эди. Ўғай онам Зумрад (ёшроқ бўланлари учун уни опа дер, эдик) билан келишиб кетдик. Шу тариқа ўша вақтарда қишлоғимизда обрўи баланд, отамнинг ўртоғи Келдиёр Сувонқуловдан ўғли Абдулаҳадга сўраб совчилар келишди. Улар “Ўзимиз бу қизни ўқитиб оламиз” дейишди ва бунга ваъда беришди. Мен шундан сўнг Абдулаҳад Сувонқуловга турмушга чиқишга рози бўлдим. Бу вақтда турмуш ўртоғим ЖДПИ математика факультетини тугаллаб, олий маълумотли бўлган эди.

Тўйимиз 1979 йил 2 сентябрда бўлиб ўтди. Шу тариқа оиламиз вужудга келди ва у умр йўлимдаги йўлдошимга айланди. Менга янги оилада кўникиш анча қийин бўлди. Кейин қайнсингиллар, қайнилар билан чиқишиб, келишиб кетдим.

Бизнинг уч ўғлимиз дунёга келди: Шерзод, Жамшид ва Жаҳонгир.

Хўжайиним берган ваъдаларини бажарди. 1987 йил турмуш ўртоғимнинг саъй-ҳаракатлари билан ЖДПИ Бошланғич таълим факультетининг сиртқи бўлимига хужжатларимни топширдим ва ўқишга кирдим.

Албатта, болалар билан ўқиш ва ишлаш осон бўлмади. Бу борада, менга қайнона-қайнотам, қайнсингилларим ёрдам беришди.

Ўқиш давримда иккита қиз фарзандимиз дунёга келди: Дурдона ва Соҳиба.

Турмуш ўртоғимни дўстлари, ўртоқлари, қариндошлари унинг исмини турлича айтишарди. Аҳад, Абдуаҳад, Абдулаҳад дейишарди. Синфдошлари уни Москвада ўқиганлиги учун “Москвич” деб ҳам атаб, ҳазил қилишарди.

Ўзлари “Менинг исмим Аллоҳнинг исмидан” дердилар ва доим исмларидан фахрланиб юрарди.

Унинг дунёвий таълимдан ҳам, диний таълимдан ҳам яхшигина хабари бор эди. Уйдаги кутубхонасида турли соҳаларга оид китобларни учратиш мумкин.

Мен 1992 йил ўқишни тамомладим, мактабга ишга жойлашдим, бу жараёнда билмаганимни турмуш ўртоғимдан сўраб ўрганардим. Айниқса, математика сирларидан сабоқ бериб турарди. Шунинг учун у нафақат турмуш ўртоқ, балки, беминнат устоз ҳам эди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирлари ва 90-йилларининг бошларида хўжайиним Москвага аспирантурага ўқишга кетди. Мени ва фарзандларимизни ота-онаси қарамоғида қолдиришга тўғри келди. Биз кам-кўстсиз яшадик. Турмуш ўртоғим ҳар йили 2-3 мартаба келиб кетар, қариндошларига турли совғасаломлар улашар, фарзандларига энг яхши кийимларни олиб келар (ҳалигача ўша сифатли кийимлар турибди, бу кийимлар укаларининг фарзандларини ҳам катта қилди) эдилар.

1993 йилда хўжайиним мени, ўғлим Жаҳонгир ва қизим Дурдонани Москвага дам олгани олиб борди. Эсдалик учун суратга ҳам тушган эдик. У киши Москвадаги ўртоқларига ва устозларига Ўзбекистондан кўплаб совға – саломлар олиб борар эди.

1994 йил хўжайиним Москвадан Ўзбекистонга келгач, биз оилавий шароит туфайли Жиззах шаҳрига кўчиб келдик. Фарзандларимни уларнинг катта отаси, қайнотам Келдиёр ота жуда яхши кўрарди, бир жойга борса, доим уларни эргаштириб юрарди, эркаларди. Шунинг учун қайнотам набираларини кўриб туришга тез-тез келиб турар, таътил вақтларида уларни қишлоққа олиб кетарди.

Ўқитувчилик фаолиятимни 1991 йилда Бахмал туманидаги 32-ўрта мактабда бошладим. Кейинчалик Жиззах шаҳридаги 19-ўрта мактабда ишладим. Ўғилларимиз ва қизларимиз ҳам улғайишиб, мактабни битиришгач, ўзларининг кучлари билан ўзлари хоҳлаган олийгоҳларга ўқишга киришди ва ўзлари танлаган касб эгаларига айланишди.

Дадаси билан биргаликда 3 ўғил ва 1 қизни тўйини қилдик. Шириндан шакар набираларимиз дунёга кела бошлади. Бизлар фарзанд ва набиралар қўйнида яшай бошладик. Лекин, ҳаётнинг турли хил синовларига бардош беришга тўғри келаркан.

Шу ўринда, қуйидаги сатрлар беихтиёр ёдимга тушди:

*Атиргул очилса-ю
Сўнмаса дейман,
Инсон туғилса-ю
Ўлмаса дейман.*

Мен учун ҳаётнинг қаторасига иккита қаттиқ зарбаси бўлди. 2015 йил 18 сентябрь куни хўжайиним иш жойидан Тошкентга семинарга жўнатилди. Шу куни уларнинг туғилган кунлари эди. Кечқурун уйга толиқиб келди, соат 8-00 лар атрофида уларнинг мазалари бўлмай, тўсатдан вафот этди. У киши шу куни 58 ёшга тўлган эдилар. Туғилган кун аза билан кутиб олинди. Мен учун ҳаёт тўхтагандай эди. Лекин, фарзандларим, отам ва оға-иниларимнинг насиҳатлари билан ўзимни

тутишга ҳаракат қилдим. Отам мендан доим ҳол-аҳвол сўраб турар эди.

2015 йил 27 октябрда отам ҳам тўсатдан 84 ёшида вафот этди. Умр йўлдошим ва отамнинг қабрлари Барлос қишлоғидаги Қиличлик ота қабристонига ёнма-ён жойлашди.

Уларнинг жойларини жаннатдан, охиратларини обод қилгин Аллоҳим!

Ана шундай оғир мусибатларни бошимдан ўтказдим. Худога минг шукр, 2016 йилда сабр-тоқат ила, кичик эркатой қизим Соҳибани акалари билан биргаликда кам-кўстсиз турмушга узатдик.

Мен турмуш ўртоғим ва устозим Абдулаҳад Сувонқулов билан 36 йил бирга умр кечирдим. Шу вақт давомида бир-биримизни умуман хафа қилмаганмиз. У киши: “Агар пенсияга чиқсам, бир кун ҳам институтда ишламайман, дам оламан, қишлоқда мазза қилиб, соқол қўйиб юраман”, дерди.

Домла бутун умр оиласининг, фарзандларининг камолини кўриш учун тинмай меҳнат қилди. Иккита ташкилотда ишлаб, ўзини қийнади. Ҳалол пул топиб, оила тебратди.

Инсон ҳеч қачон ёлғиз қолмасин экан. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз айтишаракан, қўшганинг билан қўша қари деб.

Ҳозир 10 нафар набиранинг бобоси ва бувиси бўлиб ўтирар эдик. Аллоҳдан фарзандларим, набираларим, келинларим доим соғ-саломат бўлишини тилаб қолардим.

Турмуш ўртоғим ҳаёти давомида қуйидаги шиорлари билан яшади:

1.Инсон ҳаётда фақат ўз кучи ва билимига таяниб яшаши, ишлаши керак.

2.Инсон ҳар бир нарсага сабр-тоқат ва матонат билан эришади.

3.Инсон қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани билан қадрланади.

Мен ана шундай инсон билан турмуш қуриб, бирга яшаганлигимдан фахрланаман.

Фикримча, умр йўлдошим ҳаётлик чоғларидаёқ ўзларига мустаҳкам ҳайкал ўрнатдилар. Уларнинг сермазмун ва бара-

кали ҳаёт йўли, тажрибалари келажак авлодлар учун ҳам ибрат мактаби бўлиб қолса, ажабмас.

Жалолиддин Жўраев

ЯХШИ ИНСОН ЁДИ

Инсонларни ҳаётда бору йўқлиги билинадиган ва билинмайдиган, оилада, қариндош-уруғлар ўртасида, жамиятда ўрни бўлган ва бўлмаганлар тоифасига бўлиш мумкин. Ҳеч шубҳасиз, Абдулаҳад тоғани ҳаётда, оилада, қариндош-уруғлар ўртасида ва жамиятда ўз ўрни бўлган кишилар қаторига қўшиш мумкин. У кишининг ўрни ҳамиша билинади. Айтайлик, тўсатдан уйга кириб келса, ўзига хос хушчақчақлик билан хол-аҳвол сўрашишлари доимо ёдимда.

Табиатан болаларга меҳрибонлиги, улар билан баҳслашиш ва ҳазиллашишлари хотирадан ўчмайди. Абдулаҳад тоға уйга кириб келганларида одатда оталари Келдиёр тоғага ўхшаб ёш болаларни атрофига йиғиб ўзаро баҳсга чорлашга жуда уста эдилар. Айтайлик, “Ким мана бу саволга жавоб бера олади? Ким кўп шеър билади? Ким мана бу саволга жавоб берса, у биринчи зўр бўлади!” деган болаларни қизиқтирувчи, ўзини кўрсатишга жалб этувчи савол ва чорловлари кўп бўлади. Шу сабабли бизга ўхшаган болаларга у кишининг келиши қизиқарли мусобақага айланиб кетарди. Тоғамнинг феълидаги тарбиячилик оддий савол беришлар билан чекланиб қолмасди. Берилган саволларга жавоб топиш йўлларини ҳам эринмай тушунтирардилар. Бу каби муҳитни ўзлари пайдо қилиб берганликлари сабабли катта бўлганимиздан кейин ҳам бемалол дўст, ўртоқ каби тортишиш, баҳслашишдан биз ҳам топ тормас эдик.

У киши математик олим эдилар. Албатта, математиканинг ҳар бир соҳага хос ўз ёндошувлари, ҳисоб-китобни чиқаришда ўта аниқликка эришиш учун бир нечта ёки битта формуладан фойдаланишнинг фақрли жиҳатлари борлигини оз-моз билсам ҳам, жаҳллларини чиқариш учун бир куни қитмирлик қилиб:

“Ўзи, математика деганингиз тўртта амалдан иборат бўлса, нима янгилик кашф қилиш мумкин ҳозирги замонда?”-деган эдим. Ўшанда эринмай бир қанча мисоллар асосида формулалару математик амалларнинг фарқларини кўрсатган эдилар. Қитмирлиқ қилиб берган саволининг жавоби муҳим бўлмаса ҳам, фидойи ва жиддийлик билан тушунтирганлари боис эшитишга мажбур бўлганман.

Айтганимдек, болалар билан муносабати, уларга фанни ўргатишда ҳам кўл келган, албатта. Ёш болаларни нимага интилувчанлигини яхши билган олим, “Болаларга математикани ўргатишнинг энг яхши йўли – воқелик билан боғлиқ масалаларни ечишга ўргатиш” дердилар. Бунинг учун жуда оддий, баъзида ўзимиз кунига эшитадиган гапларни айтиб, ўқувчининг билимини оширадиган мисолларни кўрсатиб берардилар.

Инсоннинг ёшликдаги ҳатти-ҳаракатларида унинг келгусидаги фитрати намоён бўлади. Шу боис “Бола бошидан” деган гаплар бекорга айтилмаган. Абдулаҳад тоғани эсласам, ана шу гаплар хаёлимдан ўтади. У кишининг келгусида кўплаб ишларга қодирлиги кўрсатадиган ҳаркатлари ва қатъияти ёшлигида намоён бўлганлигини катталаримиз кўп эслашади. Онам: “Абдулаҳад беш ёки олти ёшлар чамаси бўлса керак, онаси билан қишлоққа келган эди. Бир неча кун юриб, уйини, отасини соғинган бўлса керак, ҳеч кимга айтмай бир ўзи Булунғурга кетиб қолибди. Унинг бу ёшда, ёлғиз Булунғурга бориб қолганлигини билиб ҳамма ҳайратланган эди”, – деб хотирлайдилар.

Албатта, қариндош-уруғларнинг йиғинлари, тўй-маракаларида у кишининг ўрни бўларди. Даврага кириб келишлари билан кулгу-қаҳқаҳа авжига чиқар, айрим эринчоқ, ишдан қочган дангасаларга берадиган танбеҳлари, “Бу ишни мана бундай қилиш керак”, деб кўрсатган шижоатлари барчани жонлантириб юборарди. Ҳозир ҳам яқинлар йиғилиб қолсак, у кишининг бундай сўз ва ҳаракатларини хотирлаб, кулишиб оламиз.

Илмий иш қилаётганлигим сабабли суҳбатларимиз мавзуси илмга бурилган вақтлари кўп бўлган. 1994-1995 йиллар бўлса керак, ЎзР ФАнинг Файзулла Хўжаев кўчасидаги “Аспи-

рантлар уйи”да яшар эдим. Келиб қолдилар. Тезлик билан ташкилий ишларга киришиб кетдик. Ўзлари қандай қилиб палов тайёрлаш бўйича “мастер класс” кўрсатиб беришга қарор қилдилар. Шу жараёнда суҳбатимиз ҳам давом этди. Илмий ишлари тўғрисида, илмнинг машаққатли йўли ва истиқболларини гапириб бердилар. Кўплаб илмий иш қилган кишиларнинг қийинчиликлардан кейин қандай зафарларга эришганини мисол қилиб кўрсатдилар. Ўша пайтларда иқтисодий сабаблар туфайли айрим ёш олимлар бошқа соҳаларга ўтиб кетаётган эди.

Яқинларинг ҳақида нотаниш бўлган кишидан яхши сўзларни эшитиш кишига мароқ бағишлайди. Қайси йили эканлиги эсмида йўқ, бир йили Самарқандга тест синовларига кузатувчи бўлиб борган эдим. Кузатувчилар орасида математика фани бўйича таниқли олимлардан Маманазар Жумаев бор эканлар. Бир неча кун бирга бўлиб, у киши билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Суҳбатлар асносида ўзларининг ўрта мактаб учун ёзилган математика дарслигининг муаллифларидан бири эканликларини айтдилар. Мавзу шу соҳанинг билимдонларига бурилганда, Абдулаҳад тоға ҳақида тўлиб-тошиб гапира кетдилар. Анча яхши гап-сўзлардан кейин Абдулаҳад Сувонқулов менга ким бўлишини айтаган эдим, домла яна ҳам очилиб, ичларида йиғилиб қолган гапларни тўкиб ташладилар. Бундай кутилмаган ёқимли ҳолатлар ҳаётимда кўп бўлган.

Умуман, Абдулаҳад тоғада инсон қалбини ўзига тортиб оладиган магнит бор эди. Ана шу магнит ҳали ҳам сўнгани йўқ. Шу сабабли у кишининг инсонийлик характери ва қилган хайрли ишлари хотирамизда адабий қолади.

ҲУНАРЛИ, ҲУРМАТЛИ ВА МЕҲРИБОН ЗОТ

Мен оилада акамдан кейин иккинчи ўғил фарзандман. Биз оилада аҳил ва иноқ бўлиб, яшадик. Акам бош бўлиб, бизни билмаганимизни ўргатар, ҳаётий сабоқлари билан маслаҳатлар берарди.

1973 йил октябрда Бахмал туманига кўчиб келганмиз. Уйимизда меҳмондорчилик кўп бўларди. Ўша вақтларда кўп-қари уйинлари учун келадиган меҳмонларнинг бир қисми бизнинг уйимиздан бир кун жой оларди.

Янги уйимида ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп эди. Биз акам иккаламиз қурилишлардаги камчиликларни тўғри-лашга ҳаракат қилганмиз. 1979 йилда акам педагогика олий-гоҳини имтиёзли тамомлади. Ўша вақтларда қишлоғимиздаги 32-сонли ўрта мактабда ўқитувчилик қилиши билан бирга-ликда, синфдош дўсти Тоҳир Ибрагимов билан яхши идаги де-нарни ҳам эгаллаган эди. Улар одамларнинг уйлари низар, гул-ворга ўша пайтлар урфга кирган ҳар хил нақшлар расмини соларди. Бу эса қўшимча даромад эди.

Акам ўзимиз, ота-онамиз, ука-сингилларимиз билан бирга яшаган уйда ҳам деворга солган расми яқингача сақланиб турган эди. Шундай бўлсада, акам бутунлай тадбиркорлик ағишлади йўлидан кетмади, умрини таълим-тарбияга, илмга баъ ва малакали, эл суйган мутахассисга айланди.

Акам ҳар қандай ишда юксак масъулият ҳисси билан ёндашарди. У киши қишлоғимиздаги қаровсиз ётган ан жойни олиб, ажойиб стадион ва спорт масканига айлантиришга қаттиқ бел боғлади. Акамнинг саъй-ҳаракатлари билан бу қури-лиш бошланди. Спортли спорт анжомларини олиб келтирилди ва футбол майдони унинг чун керак бўлган чимни халқ ҳашари йўли билан кўчириб келганини ва ётқизилишида мен ҳам иштирок этганлигим ҳамон ётқизилди.

Футбол майдони ёнида эса, баскетбол, волейбол, унинг ҳам жойи сакраш жойи, турник, брус каби спорт турлари учун этилди. тайёрланиб ушбу спорт иншоотлари ҳам бунёд

Майдонининг юқори қисмида жойлашган клубда бильярд ва теннис учун жой қилиниб, спорт анжомлари ҳам олиб келинган эди.

Бу спорт майдони ҳар куни, соат 16-00 дан кейин одам билан гавжум бўларди. Чунки, ўша вақтларда ҳамма иш билан банд бўлар, бекорчиликка вақт бўлмас эди.

Акам ташкил қилган "Барлос" футбол командасида ўзи сардор бўлиб, бу жамоада Барлос қишлоғидаги Худойқулов Мўмин, Асомов Уммат, Дўлибоев Убайдулла, Қаххоров Мамаражаб (дарвозабон), Дўлибоев Мамарайим кабилар бўлишган.

Акам бу жамоа билан кўплаб зафарлар қучган, кўпинча районда ташкил қилинадиган футбол мусобақаларида 1-ўринни қўлга киритиб келишарди.

Ўша вақтларда Жиззахда спортчилардан ташкил топган "Сўғдиёна" футбол командаси ҳамда акам сардорлигидаги республикада анчагина ном қозонган "Барлос" футбол командаси билан ўйин ўйнашга қизиқиш пайдо бўлади ва улар мусобақа ўтказишга келишиб олишади. Гарчи, бу ўйинда "Сўғдиёна" футбол командаси ғолиб бўлган бўлса-да, улар "Барлос" футбол командасининг маҳоратига тан беришган ва яхши ўйин учун уларга миннатдорчилик билдиришган эди.

У киши нафақат қариндош-уруғларига, бошқаларга ҳам бирдек, меҳрибон, самимий бўларди. Одамларга яхшилик қилиб юрарди, маслаҳатлар беришдан чарчамасди. Менинг икки нафар фарзандимни ҳам ўқишга киритишда берган ёрдами ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, қилган яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз.

Акам ҳаётдан завқланиб, шукроналик билан одамларга яхшилик, меҳрибонлик қилиб яшади. Парвардигори олам гуноҳларини кечирсин, жаннатдан жой берсин, қабрларини мунавар қилсин!

ВАТАН АЗИЗ – ХОТИРА МУҚАДДАС

Умр – инсонлар хотирасида яхши ном қодирлиш, эзгу амалларни қалбларга муҳрлаш учун берилган имконият. Укам Абдулаҳад Келдиёр ўғлини эслаш унинг руҳини шод этишдан мақсад, энг аввало у чин садоқатли атрофдаги одамларнинг мушкулани осон қилишга ёрдам беришга одатланганлиги билан ажралиб турганини айтишдир. Фикр-мулоҳазалари қатъий, илмий ижодий ишларини ҳам сидқи дилдан бажарган укам Абдулаҳад ҳамма вақт чеҳраси очиқ, сўзи, иш ва дили бир инсон эди. У илмий, ижодий ишларидан чарчамас, янги ғояларни амалга оширишга киришганида унинг ўз касбининг маҳоратли математик, маҳоратли шахматчи, меҳрибон устоз, меҳрибон оилапарвар ота бўлган. Уч ўғил, икки қизнинг бахту иқболи, зиёли педагоглар бўлиб етишишлари, ҳаётда ўз ўринларини муносиб топишлари учун меҳнатини аямади. Факультет, институт ва маҳлла-кўйда ўз ўрнига қадрига эга намунали юксак кадр ва ҳурматга лойиқ устоз сифатида эслаш, хотирлаш ва қадрлашга муносиб.

Абдулаҳад инсон сифатида камтарин, меҳрибон, меҳнатсевар барчанинг корига ўз вақтида беминнат ёрдам бераолган мард инсон эди. Эсимда қизимнинг тўйида бошидан охири урф – одатларимизгача ўғиллари Шерзод, Жамшид, Жаҳонгирлар ҳамда умр йўлдоши Ҳанифалар билан ёрдам беришган. Ўшанда бекорга укам йўқда деб, нолиган эканман. “Абдулаҳад, укажон борингизга минг бора шукур” деганимни эслайман. Бизникида ифторлик қилаётган эдик. Ифторга вақт оз қолганда газ бирданига ўчиб қолди. “Ука ош нима бўлади, газ ўчиб қолди”, дедим куюниб. Абдулаҳад “Ҳозир-ҳозир”, деб ўғиллари билан ошнинг масаллиғларини олиб кетди. Ифтор намози ўқиб бўлгунча, қозонни кўтариб ошни тайёрлаб, олиб келишди. Қувонганимдан “Борингизга шукур!”, дея, такрорлаганим эсимда.

Чин инсонлар азиз, хотираси эса муқаддасдир. Умр инсонлар учун хотирада яхши ном қолдириши эзгу амалларни қалблардан қалбларга муҳрлаш учун берилгандек.

Бахтиёр Суванкулов

ҒАМХЎР ИНСОННИ ХОТИРЛАБ

Абдулаҳад акамни хотирласам кўп воқеалар ёдимга келади. Шулардан бири мана бундай бўлган эди:

Мен 1988 йили Белгород давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатиб, август ойида Жиззах давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультети, рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедрасига ишга жойлашдим. Ўша пайтда институт ёшларидан 10 та ўқитувчини Москвага 2 йиллик стажировкага юборишди. Шулар ичида акам ҳам бор эди. Шунда акам оиласини қишлоққа юбориб икки хонали уйини калитини менга берди. Мен шу уйда яшаб ишлай бошладим.

1989 йил сентябрь ойида ҳамма пахта теримига кетганда биз таътилга чиқдик. Шунда акамга телефон қилиб илмий иш бўйича ёрдам сўрадим. Акам Москвага келиб, илмий иш бўйича диссертация мавзусини танлаб раҳбар билан режасини келишиб олишим кераклигини айтди. 25 сентябрь куни Москвага етиб бордим. Акам ва институтимиздан кетган ёш ўқитувчилар Ўзбекистон Фанлар академиясининг 24 қаватли меҳмонхонасининг 15 қаватида яшар экан. Ўша вақтда меҳмонхонада яшаётган ўқитувчилардан анчасини эслайман. Рус тили ва адабиёти факультетидан Абдуваҳоб ака Зокиров (ҳозирда филология фанлари номзоди, доцент), Олег Алексеевич Ким (ҳозирда филология фанлари номзоди, доцент), Абдуназар Нурманов (ҳозирда педагогика фанлари доктори), Диёр ака Низомиддинов (ҳозирда филология фанлари доктори, профессор), Умумий техника фанлари факультетидан Ўткир Толипов (ҳозирда педагогика фанлари доктори, профессор, халқаро педагогика фанлари академияси академиги), Умумий педагогика



Домла умумтаълим муассасаларининг бошлангич синф ўқитувчиларига педагогик амалиёт бўйича услубий тавсиялар бермоқда. 2005 йил.



Домла ЖДПИ Бошлангич таълим факультети ўқув-услубий семинар йиғилишида. 2006 й.



**Домла А.К.Сувонкулов проректор Ғайрат Қодиров ва бошқалар билан Спартакиадада.
Тошкент вилояти, 2007 й.**



А.Сувонкулов касбдошлари билан Бахмал туманидаги ховлисида тўй тадбирида. 2009 й.



ЖДПИ Пахта мавсуми. Дўсглик тумани, 2010 й.



Домла Бахмал туманидаги ховлисида қурбон-ҳайити тадбирида. Ўртада қайнотаси Норбек Саримсоқов ва Қаюм Сувоиқулов, 2010 й.



Устоз ҳамкасблари даврасида. 2011 й.



Домла ўғлининг тўйида. Чапдан Холмухаммад Сувонкулов, Неъмат Асадов, Рашид Холмуродов, Жаббор Мамарозиқов, Муҳаммад Турсунмуродов, Норбек Саримсоқов, Қайом Сувонкулов, Абдулахад Сувонкулов, Абулқосим Мамарасулов. Жиззах шаҳри, “Ўрда” тўйхонаси, 2012 й.



**Устоз А.К.Сувонкулов дўсти Йўлдош Жураев (ўртада) ва бошқа қариндошлари билан.
ЎзМУ ҳовлисида. Тошкент, 2012 йил.**



**Математик А.К.Сувонкулов тарихшунос А.Холмуродов билан бир пиёла чой устида
дилдан суҳбатлашмоқда, 2012 й.**



Келдиёр Сувонкулов (Устознинг отаси) томонидан 1990-1993 йилларда барпо этилган масжид. Барлос қишлоғи. Ҳозирги ҳолати. 2019 й.



Спортчи А.К.Сувонкулов томонидан 1980-1982 йилларда барпо этилган стадион ва спорт комплекси. Ҳозирги ҳолати. Барлос қишлоғи. 2019 й.

ва психология кафедрасидан Мардон ака Тулибоев (ҳозирда педагогика фанлари номзоди, доцент) ва бошқа институтлардан борганлар ҳам кўп эди.

Менга ҳам ўша атрофдан квартира топиб беришди. Уларнинг маслаҳатига кўра Москва давлат педагогика университетининг Рус тилини ўқитиш методикаси кафедраси мудир профессор Михаил Трофимович Баранов билан илмий иш бўйича суҳбатлашдим. У агар мен икки йиллик стажировкага келсам, кафедра мени илмий раҳбар ва диссертация мавзуси билан таъминлашни айтиб, Жиззах давлат педагогика институти раҳбариятига расмий хат ёзиб бериди. Бундан мен жуда хурсанд бўлдим ва акамдан беҳад миннатдор эдим.

Ўша вақтда мен рус тилини ўқитиш методикасидан 3-4 курсларда (рус гуруҳ) маъруза ўқир эдим. Маърузаларимни тўлдириш учун бир ойдан ортиқроқ собиқ Иттифоқнинг энг катта кутубхонасида шуғулланиб жуда кўп материал тўплалдим. 7 ноябрь куни Бутун иттифоқ байрами муносабати билан Мардон ака Тулибоев иккаламиз Тошкентга учиб келдик. Шундан бери кўп йиллар ўтди. Эсимизда фақат ёрқин хотиралар қолди.

Кўплаб шогирдларнинг беназир устози бўлмиш Абдулаҳад акам ҳақида кўп ва хўб сўз юритиш мумкин, лекин мен ушбу жонкуяр ва тиришқоқ, меҳрибон ва талабчан, Бошланғич синфларда математикани ўқитиш илмини таниқли билимдони ҳақидаги фикрларни мухтасар қилган ҳолда таъкидлашни лозим деб биламан. Устоз Абдулаҳад акага ўхшаган мутахассисларнинг ўрнатилган фаолияти бошланғич таълим ўқитувчиларининг етук, баркамол устоз бўлишида, Бошланғич таълим методикаси кафедраси катта даргоҳ бўлиб шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

АМАКИМНИ ЭСЛАБ

Абдулаҳад акам бизга умри давомида ғамхўр, маслаҳатгўй, ҳар соҳада устоз бўлди, билмаганимизни ўргатар, тўғри йўл кўрсатар эди.

Акам ХХ асрнинг охирларида Москвага аспирантурага ўқишга кетганда Жиззах шаҳридаги квартирасини Бахтиёр акам ва менга ишониб топшириб, кетган эди. Мен ўшанда ЖДПИ нинг рус тили йўналишида ўқир эдим.

Акамнинг ўқишлари ҳам, ишлари ҳам домо аъло бўларди. Чунки, бунинг ортида машаққатли меҳнат, фидоийлик, етти ўлчаб бир кесиш каби ҳаётий қоидалар ётарди. Спорт унинг жону дили эди. Ҳа, акам илмда ҳам, спортда ҳам, ҳаёт йўлида ҳам, фарзандлар тарбиясида ҳам, оила ишларида ҳам, ўзаро ҳурмат ва иззатда ҳам ҳар томонлама ўрнатилган бўла оладиган устоз эди. У киши билан бир маротаба суҳбатлашган киши албатта, бирон яхши хусусиятни ўзлаштирар эди.

Акамдан анча кичкина бўлишимизга қарамасдан, у киши биз билан доим суҳбат қуриб, шахмат мусобақасини ўтказиб турарди. Хатто, шахмат ўйинида бизларни қийналмасин деб, акам ўзининг рухни ёки фарзинни олиб қўйиб, ўйнарди. Шунда ҳам бизлар қанча тирашмайлик, у киши доим ғолиб бўларди.

Акам қариндошларининг тўю маракаларида доим қатнашиб турарди ва ёрдамини аямас эди.

Абдулаҳад акам бизга доим қатъиятлилиқни, қийинчилиқни енгиб ўтиш йўллариини ўргатар ва бу соҳада дарс берар, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашар эди. Акам одатда ёз ойларида, асосан жума, шанба кунлари қишлоққа келарди. Биз акамни уйимизга меҳмонга чақирардик ва шахмат турнирларини ўтказардик.

Раҳматли акам ўз фанининг билимдони, ажойиб педагог олим эди. У кишида ҳар қандай саволга жавоб дарҳол тайёр турар эди. Шунинг учун ҳам ҳамма акамни ҳурмат қилар, кўриб қолса қаттиқ саломлашар эдилар. Биз акамизга доим ҳавас қилиб, яшаганмиз ва шундай акамиз борлигидан фахрланганмиз.

Акамдан кўп нарса ўрганса, бўлар эди. У кишида ўз фикрини ўқувчи, талаба ёки тингловчига ўта кучли етказа олиш кўникмаси, яхши мактаб таълими, ноёб хотира, кучли қобилият, сўзини билиб ишлатадиган оқиллик мужассам эди.

Мен акам билан боғлиқ хотираларимни доимо ёдимда сақлайман ва фарзандларимга, ўқувчиларимга ҳам фахр билан сўзлаб бераман.

Акамнинг жойлари жаннатда бўлсин, Аллоҳ уларни раҳмат қилсин!

Жамолiddин Жўраев

ЗУККО ОЛИМ ЭДИ

Ҳаётда шундай олимлар бўладикки, улар ўзларининг илм хазиналарини кўз-кўз қилишни, турли илмий мунозараларда ўз нуқтаи назари билан атрофдагиларда ўчмас из қолдиришни истамайдилар. Аммо, ўз мутахассисларига оид ҳар бир саволга камтаринлик билан жуда асосли, илмий, мантиқий жавоб берадилар. Тоғам, педагогика фанлари номзоди, доцент Абдулаҳад Сувонқулов ана шундай камсуқум, кенг мулоҳаза юрутувчи, математика ва уни ўқитиш методикаси соҳасини мукаммал эгаллаган зукко олим эди.

Абдулаҳад Сувонқулов яқин қирқ йиллик илмий-педагогик фаолиятида ўз мутахассислигига фидойи ва содиқ эканликларини исботладилар. Олим ўз эътиборини математикага ва математика ўқитиш методикасига қаратиб, бошланғич синф ўқувчиларига математикани ўқитишда осон ва самарали метод ва усулларини ўйлаб топди. Уларни амалиётга жорий қилиб, натижаларини эса ўз шогирдларида кўришга муваффақ бўлди.

У киши ўзининг “V-VI синф математика дарсларида иқтисодий таълим-тарбия бериш хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик ишини Москвада, 1990 йилларда бошлаб, 1995 йилда Тошкентда ҳимоя қилди. Шунингдек, кўплаб мақолалар ва медотик қўлланмалар муаллифидир. Илмий ишлари Россия ва МДХ давлатларининг илмий журналлари ва Республикамиз-

нинг нуфузли журналлари ва Халқаро конференция материалларида доимий чоп этилган. Жумладан, Россияда “Некоторые вопросы современного экономического воспитания школьников на уроках математики”, “Роль задач экономического воспитания учащихся 5-6 классов”, “Методические рекомендации для работы математических кружков» каби. Республикамиз журнал ва газеталарида “Бошланғич синф ўқувчиларининг санаш кўникмаларини шакллантириш”, “Ўнлик ичида номерлашни ўрганиш”, “3-синфда математик билими кучлироқ бўлган ўқувчиларга мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича топшириқ намуналари” каби мақолалари илмий жамоатчиликка маълум.

Абдулаҳад тоғам кўпинча бизнинг хонадонга ташриф буюриб, раҳматли отам, профессор Олимжон Жўраев билан турли илмий мавзуларда суҳбатлар қилиб туришар эди. Абдулаҳад домла математик бўлиши билан бирга мумтоз адабиётимиз вакиллари Алишер Навоий, Бобур каби ижодкорларнинг асарларини ҳам яхши кўриб ўрганганиданми, қачонки уйимизга келганларида мазкур алломаларнинг асарлари ҳақида икковлари муҳофиза қилишганларини гувоҳи бўлганман. Мен биринчи марта Умар Ҳайёмнинг аслида математик бўлгани ва рубойларини математика доир асарларининг хошиясига ёзганлигини суҳбатларнинг бирида домладан билганман. Домла миллий тарихимизга ҳам жуда қизиқар эди. Амир Темурнинг ибратли ҳаёти ва унинг авлодлари фаолиятига доир асарларни севиб ўқир эди.

Тоғамнинг қизиқмаган соҳаси йўқ эди, десам адашмаган бўламан. Айниқса, футбол ва шахматга жуда қизиқар ва ўзи ҳам институтда бўладиган мусобақаларда мунтазам қатнашиб турардилар. Элликдан ошган бўлса-да, йигирма ёшдаги йигитлардан кўра яхшироқ ўйнардилар.

Абдулаҳад домла учун каттами, кичикми бирдек эди. Барчага қўлдан келгунча ёрдамини аямай, хизматдан қочмас эдилар. Домладан кўп нарса ўрганса бўлар эди. Ўз фикрини ўқувчи ва тингловчига етказа билиш кўникмаси ўта кучли эди, яхши мактаб таълимини олган эди. У сўзини билиб ишлатарди,

ортиқча кераксиз сўз ва жумлаларни ишлатмас эдилар. Илоҳим жойлари жаннатта бўлсин!

Сайёра Сувонқулова

ОҚИЛ ВА ЭЪТИБОРЛИ ИНСОН

Акам ҳар бир нарсага эътибор билан қарарди. Айниқса, таълим –тарбияга. Абдулла Авлоний айтганларидек, “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат” дир. Шунинг учун акам тарбия масаласида нафақат бизларга, фарзандларига, ўқувчиларига, талабаларига қаттиққўл эди.

Акам Москвада ўқиб юрган вақтларида, бизларга турли хил совға-саломлар олиб келарди, одамларга меҳрибон бўлиб, юмшоқ муносабатда бўларди.

Акам бизнинг ўқишимизни назорат қилиб турарди. Бир куни рус тили ўқитувчимиз Арчабоев Нурмуҳаммад айрим сабабларга кўра, математика ўқитувчиси ўрнига дарсга кирди. Мен математикадан мисол ечиб келган эдим. Ўқитувчимиз хато ечилган мисолга “5” баҳо қўйган экан. Шу ўқитувчимиз акамга синглингиз “5” га ўқийди, деб айтган экан. Акам менинг дафтаримни текширди. Ўша “5” баҳо қўйилган мисолни тўғрилаб, “2” баҳога ўзгартирди ва ўқитувчингга кўрсат деди. Бу менга ва ўқитувчига қўйилган баҳо эди. Ўшанда мен 3-синфда ўқир эдим. Шунақа воқеалар ҳам бўлган.

Акам нафақат бизни, балки мактаб ўқитувчиларини ҳам назорат қилиб турарди.

Мен 1992-1994 йилларда Ғаллаорол туманидаги тиббиёт техникумида ўқиганман. Ҳамширалик мутахассилигини эгаллашимга акам катта ёрдам қилган эди. Ўша пайтларда акам Москвада бўлса ҳам, мени сўраб, ўқишимни назорат қилиб турарди.

Ўша вақтларда акамнинг менга 8-март байрами муносабати билан жўнатган табрик хатидаги ёзилган жумлалар ҳамон ёдимда:

лаб қилган яхшиликларини, “Ҳам илмий, ҳам ҳаётӣй йўлдаги ҳақиқӣй устоз” деб хотирлашади.

Отам узоқни кўра олиш қобилиятига эга инсон эдилар. У киши билан маслаҳатлашмай қилган ишимнинг юришмаганини бошимдан ўтказганман. Шунинг учун доим кулоқ солардим ва бунда фақат ютганман.

Отам Жиззах давлат педагогика институтида 30 йилдан ортиқ давр мобайнида, умрининг охиригача самарали фаолият олиб борди. Ҳатто, умрининг охириги куни ҳам, раҳбариятнинг топшириғи бўйича Тошкентда хизмат сафариди бўлган. Чунки, домла бошланғич таълим математикаси бўйича чиқадиган методик китобларга халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган эксперт комиссияси аъзоси бўлиб, ҳалол ва виждонан хизмат қилиб келди.

Отам бахтли оталар қаторида эди. Аммо, биз фарзандларини уйлантириб, ишларга жойлаштириб, уйлар қуриб бериб, ўзи учун энди роҳат олиб яшайман деб юрганда, ҳаётнинг бешавқат оғир синовлари 2018 йил 18 сентябрь куни (туғилган куни эди) 58 ёшида орамиздан олиб кетди. Ҳамиша отамизнинг охирати обод бўлишини, жойларини жаннатдан қилишини Худодан сўраймиз.

Отамнинг хотирасини биз фарзандлар ҳеч қачон эсимиздан чиқармаймиз. Мана шундай отанинг оиласида катта бўлганимиздан доимо ғурурланиб юрамиз, касбига содиқ инсоннинг хайрли ишларини давом эттиришни ўзимизга шараф, деб биламиз.

Дурдона Сувонқулова

ДАДАМ ҲАҚИДА АЙТАР СЎЗЛАРИМ...

Оталар номини қанча эъзозласак, шунча кам. Оталар фарзандларининг камоли деб, умрини меҳнатга, оиласига бахшида этади. Менинг дадам ҳам ана шундай фарзандлар камоли йўлида фидойи инсон эдилар.

Дадам ўз касбини оддий ўқитувчиликдан, кафедра мудири, доцент лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтган. У кишини халқ таълими соҳаси вакиллари устоз дейишади ва ўз ҳаловатидан кечиб, маориф учун кўп меҳнат қилганини таъкидлашади.

Устоз! Бу эҳтиром падари бузрукворимизга кўп йиллик самарали фаолияти, инсоний фазилатлари учун берилган юксак баҳодир.

Дамдамлар “Инсон қайси касбнинг эгаси бўлмасин, уни санъат даражасига кўтара олса, рўзғоридан қут-барака аримайди, эларо иззат-ҳурмат топади”, дердилар.

Дадамлар ўзлари ўқитувчи бўлганлари учунми, ўқитувчиларни улуғлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳурматини жойига қўйишни инсоний бурч деб, биларди.

Отажоним спортга қизиқардилар. Айниқса, футбол ўйнашни канда қилмасдилар. Шахмат бўйича вилоят ва Республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллаганлар. Улар олган фахрий ёрлиқлари ва тушган расмларини кўриб, кўзларимга ёш қалқийди.

1993-1994 йилларда отажоним Москвада аспирантурада ўқиётган кезларида бизларни, яъни онажоним, акам Жаҳонгир ва мени тамошага олиб бориб, у ердаги диққатга сазовор жойлар, музейларни кўрсатган эдилар. Биз бу саёҳатдан жуда мамнун бўлганмиз. Мен бунини ҳали-ҳанузгача Москва шаҳрига борганман деб, фахр билан айтиб юраман.

Отажоним ҳаммамизни олий ўқув юртларида ўқитганлар ва уйли-жойли қилганлар, бунга минг қатла шукр қиламиз.

Катта акам ички ишлар органи ходими, майор. Икки акам Жамшид (институтда) ва Жаҳонгир, мен ва сингилжоним Соҳиба (мактабда) дадамизнинг шарофати билан ўқитувчилик касбини эгалладик ва ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқдамиз.

Айни дамда отажоним ўқитган минглаб шогирдлари республикамизнинг турли жойларида халқ хизматида фаолият кўрсатиб келишмоқда ва улар устоз берган таълим-тарбияси ҳақида фахр билан гапириб беришади.

Биз фарзандлар отамиздан қандай яшашни, дунёга қандай назар ташлашни ўргандик.

Халқимиз “Жаннат оналар оёғи остида”, дейишади. Бироқ, ана шу жаннатга элтар йўл 50-60 ёшдан ошган чехраси нурли кекса оталаримизнинг бир ҳовуч дуосидир.

Мен дунёдаги энг бахтли фарзанд эканлигимни баралла айта оламан. Отажон, сиз бўлмаганингизда, мен ким эдимۇ биз ким эдик?

Мен сиздай ғамхўр отанинг қизи эканлигим, соғинч тўла кўксимни тўқинлантиради. Ёлғончи дунёдаги чин жаннатим, дуолари зарлардан аъло давлатим. Отажон, фарзандларим сиздек халқпарвар инсонлар бўлиб, улғайишини хоҳлайман. Оддийликни, яхши, эзгу ишлар қилиб, эъзозланишни, қадр топишни сиздан ўргандим.

Менинг бу дунёга келиб, топган ҳақиқатим, бахтим сиздай дарёдил отанинг қизи эканлигим. Охиратингиз обод бўлсин, Отажон!

ХУЛОСА ЎРНИДА

Домла Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёрович замондошлари наздида ҳаёти давомида яхши ном, яхши из қолдирган, қисқа, аммо, сермазмун умр кечирган, унутиш осон бўлмаган инсонлар қаторида қолди...

УНУТМОҚ ОСОНМАС БИЗЛАРНИ

Сояман ортингдан эргашган,
Ёстиқман тунлари дардлашган,
Тушингман ўнгингга алмашган,
Унутмоқ осонмас бизларни...

Юракка ёйсанчган камонман
Юзингга ранг сочган сомонман
Ёмонман, мен ўша ёмонман
Унутмоқ осонмас бизларни...

Афсусман эгилган бошларда
Тим қора ўйилган қошларда
Армонман кўздаги ёшларда
Унутмоқ осонмас бизларни...

Қалбингни тарк этса вафолар
Ўрнини эгаллар жафолар
Бу дардга йўқ эрур даволар
Унутмоқ осонмас бизларни...

Сояман ортингдан эргашган,
Ёстиқман тунлари дардлашган,
Тушингман ўнгингга алмашган,
Унутмоқ осонмас бизларни..

Муҳаммад ЮСУФ

ИЛОВАЛАР

Илова 1

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ “БАРЛОС” ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИДАН КЎЧИРМА №1

2017 йил 1 декабрь Бахмал тумани Барлос ҚФЙ

Кун тартиби: Бахмал тумани Барлос қишлоқ фуқаролар йиғинидаги футбол майдонида ном бериш ва спорт комплексини ривожлантириш масаласи

Ўтган давр мобайнида “Барлос” ҚФЙ томонидан кўчаларни ободонлаштириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ва бошқа фаолиятларни амалга оширишда муайян чоратадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, қишлоқдаги уйларни рақамлаш каби ишлар ҳам ҳокимият органлари кўмагида амалга оширилди.

“Барлос” ҚФЙ да жойлашган футбол майдони педагогика фанлари номзоди, доцент, ажойиб математик олим, минглаб ёшларга таълим тарбия бериб устозлик қилган ва спортнинг шахмат-шашка, айниқса футбол турининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Сувонқулов Абдулаҳад Келдиёровичнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги ва аҳолининг жонбозлиги эвазига бунёд этилди.

Бу ишлар А.К.Сувонқуловнинг 1980-1982 йилларда Жиззах вилояти Бахмал туман “Рассвет” совхози спорт ишлари бўйича маъсул ходими бўлиб фаолият юритган даврларига тўғри келади.

Қишлоқдаги ушбу футбол майдони айна вақтда эскирган ва таъмирлаш ишларига муҳтож ҳамда у ёшларимизнинг спорт билан янада фаол шуғулланишлари учун талабга етарлича жавоб бермайди.

Жиззах давлат педагогика институтида 2018 йил 9 май - хотира куни арафасида А.К.Сувонқулов таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб спорт турлари бўйича хотира турнирини

ўтказиш, сентябрь ойларида эса республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш ва хотира китобини нашр этиш бўйича тайёргарлик кўрилмоқда.

“Барлос” ҚФЙ да ҳам ушбу хотира кечасини муносиб ўтказишга кўмаклашиш ва шу аснода мавжуд спорт комплексини такомиллаштириш режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг тўртинчи устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Президентимиз Ш.Мирзиёев тмонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган улуғвор ғоя асосида мамлакатимизда спортни янада ривожлантиришга, ёшларнинг бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилган ва бунинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузурида Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори кабилар юртимиздаги маҳаллаларда ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, оммавий спортни янада ривожлантиришни назарда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонуннинг 11-моддаси 1-қисм 15-бандига кўра, фуқаролар йиғинлари “ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли худудни обо-

донлаштириш, кўкаламзорлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилади” ҳамда мазкур Қонуннинг 1-қисм 18-бандига биноан, “маъмурий-худудий бирликлар, маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ҳақида тегишли туманлар, шаҳарлар давлат органларига илтимосномалар киритади” деб белгилаб қўйилган.

Ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар Барлос ҚФЙ даги футбол майдонини ва ушбу майдон атрофидаги спорт комплексини таъмирлаш, уни ёшларимизнинг сеvimли майдонига айлантириш, уларни баркамол этиб тарбиялаш, уюштириш ҳамда бандлиги таъминлаш, оммавий спортни янада ривожлантириш масалалари бўйича барчамиздан улкан масъулият талаб қилади ва ёшларимиз камолоти учун янада фаол бўлишга ундайди.

Бу эса, мамлакатимизда спортга, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадларига тўла мос келади, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларга кўра, фуқаролар йиғини қуйидагича

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бахмал тумани “Барлос” ҚФЙ даги футбол майдонига “Абдулаҳад Сувонкулов” номини бериш ҳақидаги фуқароларнинг таклифлари маъқуллансин.

2. Бахмал тумани “Барлос” ҚФЙ даги футбол майдонини ривожлантириш, спорт комплексини таъмирлаш ишларига моддий ёрдам ва амалий кўмак бериш масаласи ҳомийлик маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

3. Мазкур масала бўйича ҳомийлик қилиш истагини билдирган “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Бахмал туман бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Жиззах вилоят Бахмал туман кенгаши ҳамда бошқаларнинг таклифлари инобатга олинсин.

4. “Барлос” ҚФЙ даги футбол майдонига “Абдулаҳад Сувонкулов” номини бериш ҳақидаги ушбу қарорнинг тасдиғи Бахмал туман ҳокимлигидан сўралсин.

5. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зим-
мамда қолдираман.

Йиғилиш раиси
Котиб

А.Алпомишов
Ў. Солиев

Хужмаглар

ПРОЛЕТАРИИ ВЕЛ СТИ СОБДИВИВІТЬСЯ!


ПОЧЕПНАЯ ГРАМОТА

ПРОФСОЮЗНИ КОМИТЕТ И СПОРТИВНИ КЛУБ ДИМЯНСКОГО РАЙОНА

НАГРАДИТЕ

Тов. Суванкулова А. за активное участие в олимпийско-массовой и олимпийской работе и за подготовку сборной команды Димянского районного комитета

Мельнев Л.А.

Председатель областного комитета:  П. Г. Г. Г.

Председатель областного комитета: У. У. У. У.

Димянск - 1988

Хужмаглар



А бағзылай манам А ДНУ профессор-физико-математика
Училища спортман Шатмантуну буйлап манам.
Товги Касата училища ўзбекистан собирини турун
улуғуламман адиратонду. Я. Эркинман. Эркинман
или турун роҳнат. Суванкулов А. А.
тоғдуриломангу

Мантуров директор, Мантуров, амир Мухомедов. Л. Н.
Мантуров директор, Мантуров, амир Мухомедов. Л. Н.

1988 йили

**А.К. СУВОНҚУЛОВ ТОМОНИДАН ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ВА
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ИШЛАР:**

I. Диссертация ва авторефератлар

1. V-VI синф математика дарсларида иқтисодий таълим-тарбия бериш хусусиятлари, 13.00.02 - ихтисослигида, Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун Диссертация. Т., 1994 й.
2. V-VI синф математика дарсларида иқтисодий таълим-тарбия бериш хусусиятлари., 13.00.02 - ихтисослигидаги п.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 1994 й.

II. Илмий – услубий мақолалар

1. Некоторые вопросы современного экономического воспитания школьников на уроках математики. НИИСиМО. АПН СССР (Сборник научных трудов). Москва 1989 г., -С. 18-21.
2. Ўқувчиларга иқтисодий билимлар беришда математика дарсларининг аҳамияти. // Ёш олимларнинг фан тараққиётидаги ўрни. Тўплам. Тошкент, 1990 йил. –Б. 43-46.
3. Роль задач экономического воспитании учащихся V-VI классов.// НИИСиМО. АПН СССР (Сборник научных трудов). Москва 1990 г.,-С. 22-25.
4. О воспитание экономической грамотности учащихся. НИИ ОСОРАО. АПН СССР (Сборник научных трудов). Москва, 1991 г., -С. 27-30.
5. Особенности применения задач экономического содержания. НИИ НОШРАО. (Сборник научных трудов). Москва, 1992 г.,-С. 12-15.
6. Математикадан синфдан ташқари машғулотларда ўқувчилар иқтисодий таълим-тарбиясининг мақсад ва вазифалари. Жиззах ҳақиқати газетаси, 1995 йил 25 апрель.
7. Бошланғич синф ўқувчиларининг санаш кўникмаларини шакллантириш.// Бошланғич таълим муаммолари, Мақолалар тўплами. Жиззах, 1999 йил.-Б. 44-47.

8. Ўнлик ичида номерлашни ўрганиш.// Бошланғич таълим журнали. Т., №1, 2000 й. -Б.18-19.

9. Мутахассис муаян мақсад билан тайёрланса... .// Бошланғич таълим журнали. Т., №2, 2001 й. -Б.13.

10. Математика дарсларида иқтисодий масалалар. Б.Тошмуродов билан ҳаммуаллифликда. // Бошланғич таълим журнали. Т., №4 2001 й.-Б. 26-27.

11. Ўқув адабиёти ва талаба.// Педагогика фанининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни. Илмий-услубий Конференция материаллари. Тошкент. 2003 й., -Б. 94-96.

12. 3-синфда математик билими кучлироқ бўлган ўқувчиларга мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича топшириқ намуналари. // Ҳ.Ҳамзаев ҳаммуаллифлигида. Педагогика фанининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни. Илмий-услубий конференция материаллари. Тошкент. 2003 й.,-Б. 50-57.

13. Бошланғич таълимда атроф муҳитни ўрганиш усуллари. // “Ёш авлодни экологик маданиятини тарбиялаш муаммолари”. Н.Сувонқулова ҳаммуаллифлигида. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Т. 2004 йил., - Б. 145-146.

14. Дидактик ўйин ўқитиш воситаси сифатида // Фан, таълим ва амалиёт мажмуасининг долзарб муаммолари. Маколар тўплами 2-чиқиши. Жиззах «Сангзор» нашр.- 2005 й., - Б.139-140.

15. Ўқитишда янгича ёндашув. // Д.Очилов ҳаммуаллифлигида. Талабалар соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти. Респ. конф. материал. Жиззах -2005 й.,-Б. 107-108.

16. Дарсда ўқувчилар фаоллигини ошириш йўллари. // Л.Маҳкамова ҳаммуаллифлигида. Ёшлар онгига МИҒ сингдиришда ижтимоий гуманитар фанларнинг вазифалари. Республика конференция материаллари. Жиззах, 2006 й.

17. Икки хонали сонни ўзлаштириш хусусиятлари.// Г.Бойназова, М.Рашидова ҳаммуаллифлигида. “Бошланғич таълимда инновацион технологиялар: муаммолар, ечимлар”

мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Жиззах 17-18.05 2006 йил, II қисм. –Б. 51-53.

18. Математикадан замонавий ўқув адабиёти яратиш муаммолари. // “Бошланғич таълимда инновацион технологиялар: муаммолар, ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Жиззах 17-18.05 2006 йил., III қисм. –Б.72-74.

19. Инновация – янгича ишлаш демакдир.// Бошланғич таълим журнали. Т., №5. 2006 й.

20. Муаммоли ўқитиш усуллари. // Бошланғич таълимда уқувчилар билими ва саводхонлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш Конф. мат. Жиззах ВПКМОКТИ, 2008 йил,-Б. 121-122.

21. Бошланғич синфларда интерактив методлардан фойдаланиш.// “Фан, таълим ва амалиёт мажмуасининг долзарб муаммолари”. Мақолалар тўплами 3- чиқиши. Т., 2008 й., -Б.31-33.

22. Ўқувчиларни математикага қизиқтиришда муаммоли таълим ва тест тизимидан фойдаланиш.// Асадов Н.Р., Хусанов Х.С. ҳаммуаллифлигида. Узлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-амалий муаммолари. Респ. илм-амал. конф. материал. 11 қисм.-Б. 11-12.

23. Бошланғич синф ўқувчиларида кўп хонали сонларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш кўникмаларини шакллантириш масалалари. // Бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида замонавий касбий таълим муаммолари. Респ. илмий анжумани материаллари. Гулистон, 2008 йил 20-21 ноябрь. -Б. 148-150.

24.Бошланғич таълимда дидактиканинг ўрни. Жўраева Н. ҳаммуаллифлигида. Малака ошириш тизими – таълим-тарбия самарадорлигини ошириш омили мавзусидаги вилоят илмий амалий конференция материаллари, Жиззах, 2009 йил. –Б.85-86.

25. Ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш. // Кульмурастов Т.Ф. ҳаммуаллигида. Совершенствование методики преподавания естественных и специальных дисциплин при подготовке высококвалифицированных специа-

листов. Сборник докладов Республикан – ская научно-методическая конференция. Джизак ВВАУ – 2009 г., -С. 37-38.

26. О методики совершенствования обучения естественно-математическим дисциплинам. Кульмуратов Т.Ф., Кульмуратова Д.М. ҳаммуаллифлигида. // Совершенствование методики преподавания естественных и специальных дисциплин при подготовке высококвалифицированных специалистов. Сборник докладов Республиканская научно-методическая конференция. Джизак ВВАУ – 2009 г., -С. 38-40.

27. Кўпайтириш жадвалининг ҳаётий тадбиқлари. Ҳамзаева Д. ҳаммуаллифлигида. // Олий математика ва физика фанларининг тадбиқий жараён-ларини ўргатиш мавзусидаги Республика илмий-услубий семинар мақолалари тўплами. Жиззах ҲАБЮ – 2011 йил., -Б.124-129.

28. Баркамол авлод таълим-тарбиясида кўпайтириш жадвалининг ўрни. Баркамол авлодни тарбиялаш ва юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги: тажриба, муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2011 йил 14 март., -Б. 432-434.

29. Сонларни рақамлаштиришни ўрганиш хусусиятлари. // Баркамол авлодни тарбиялаш ва юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги: тажриба, муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Жиззах, 2011 йил 14 март., -Б.432-434.

30. Математика дарсларида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш. // Математика ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари (назарий ва илмий-услубий мақолалар тўплами). Тошкент молия институти. 2012 й., -Б. 26-27.

31. Бошланғич синфларда математик кечаларнинг мазмуни ва шакли. // “Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари. (ЖДПИ профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларининг илмий мақолалар тўплами. 7 чиқиши) Тошкент., 2012., -Б. 252-255.

32. Уч хонали сонларни ўқиш ва ёзишни ўрганиш. // “Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари.

(ЖДПИ профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларининг илмий мақолалар тўплами. 8 чиқиши) Тошкент., 2013 й.-Б. 290-292.

33. Касбий фаолиятни шакллантиришда мустақил ишлашнинг ўрни. // “Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари. (ЖДПИ профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабаларининг илмий мақолалар тўплами. 8 чиқиши) Тошкент. 2013 й.,-Б. 292-293.

34. Математика ўқитишнинг мақсадини белгилаш. // “Олий ҳарбий билим юртларида таълим бериш жараёнида замонавий педагогик-ахборот технологияларини қўллаш масалалари ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-услубий анжуман материаллари, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти (ЖОҲАБЮ), Жиззах. 2013 й.,-Б. 166-168.

35. Интернетдан фойдаланиш мақсадини белгилаш йўллари. // Қори Ниёзий номидаги Ўз ПФИТИ Оммавий ахборот воситаларининг ёшларни маънавий ахлоқий тарбиялашга таъсири Муаммолар ва ечимлар (Республика имий-амалий конференция материаллари). Тошкент, 2013., -Б. 33 - 34.

36. Ёшларнинг таълим олишга оид ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари. Ж.Сувонкулов ҳаммуаллифлигида. // Филиал МГУ М.В. Ломоносова в городе Ташкенте Конституция республики Узбекистан Образование и воспитание молодежи (материали второй традиционной научно практической конференции) Т., 2013 й. -С.76-77.

37. Минг ичида сонларни ўрганиш. // Жиззах ВПКҚТМОИ Соғлом бола жамиятнинг мустаҳкам пойдевори . Республика илмий амалий конференцияси материаллари, 2014 й. 16-17 май.,-Б. 111-113.

38. Она тили дарсларида интерфаол усуллардан фойдаланишнинг афзалликлари. З.Атамуродова ҳаммуаллифлигида. // Жиззах давлат педагогика институти Умумфилологик тадқиқотлар, Муаммо ва ечимлар (профессор Х Жўраевнинг 80 йиллик юбилейига бағишланган илмий амалий анжуман материаллари) Тошкент 2014.,-Б. 54-55.

39. Ўйиннинг ақлий ривожлантиришдаги ўрни. Худойқулов А.С. ҳаммуаллифлигида. // Ёш олим ва талабалар-

нинг XXI аср интеллестуал авлод асри шиори остидаги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳудудий илмий амалий Конференцияси материаллари. Жиззах, 2014 йил, -Б.23-24.

40. Бошланғич синф математикасида кўрсатмали кўлланимларнинг ўрни. // Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда компетентлик ёндашув; муаммо ва ечимлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни қабул қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган Республика илмий амалий конференцияси материаллари, Жиззах 2014 йил 21 ноябр.

41. Графикавий кўникмаларни шакллантириш - самарали ўқитиш усули. Жумаева Н. ҳаммуаллифлигида. // Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш; муаммо ва ечимлар Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Иккинчи китоб, Тошкент, 2015 й.

42. Дидактик ўйинлар – таълим самарадорлигини таъминлаш воситаси. Асадов Н.Р. ҳаммуаллифлигида.// Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 4 китоб, Навоий, 2015 й.

43. Вақтни ўрганишда замонавий ўқитиш усуллариининг ўрни. Бошланғич таълим ва жисмоний маданият йўналишида сифат ва самарадорликни ошириш; Муаммо ва ечимлар, ЎРО ва ЎМТ вазирлиги миқёсида. 2015 йил 30 апрелда ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари, 2 қисм, Тошкент 2015 й.,-Б. 234-237.

III. Илмий –услубий, методик тавсияномалар

1.Методические рекомендации для работы математических кружков. // НИИ НОШРАО. Москва 1992 г., -С.83.

2.Бошланғич синф математика дарсларида қизиқарли масалалар ечишнинг таълимий аҳамияти. Б.Тошмуродов ҳаммуаллифлигида. // Жиззах ДПИ, 1996 йил. –Б.60.

3.Математик ўйин – таълим методи сифатида. Б.Тошмуродов ҳаммуаллифлигида. // Жиззах ДПИ, 1996 йил. – Б. 56.

4. Мактабда педагогик амалиёт бўйича ҳужжатлар. Х.Мелиев, Т.Абдуллаев, М.Мамаюсуповлар ҳаммуаллифлигида. // Жиззах ДПИ, 1997 йил. –Б.69.

5. Математика ўқитишда кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш. Б.Тошмуродов ҳаммуаллифлигида. // Жиззах ДПИ, 2000 йил. –Б.57.

6. Бошланғич синфларда математик кечани ташкил қилиш. Н.Абдуқодирова ҳаммуаллифлигида. // Жиззах 2004 йил. ЖДПИ босмаҳонаси -Б.64.

7. Бошланғич синф математика дарсларида дидактик уйинлар. Ҳ.Ҳамзаев ҳаммуаллифлигида. Жиззах, 2007 й. ЖДПИ кичик босмаҳонаси. –Б.50.

IV. Ўқув қўлланмалар

1. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикасидан амалий машғулотлар. Ш.Назарова ҳаммуаллифлигида. // Тошкент, 2006 йил. Фан ва технологиялар нашриёти, -Б.160.

2. Бошланғич синфларда математика дарслиги билан ишлаш. Жиззах., 2013 й.

3. Математика ўқитиш методикаси. // Бошланғич таълим ва СТИ талабалари учун ўқув-услубий қўлланма. Жиззах, ЖДПИ, 2015 й.

V. Маъруза матнлари

1. Математика ўқитиш методикаси. Бошланғич таълим мутахассислиги талабалари учун маъруза матнлари. Жиззах вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, 2008 й.

2. Математика ўқитиш методикаси фанидан маъруза матнлари. (Бошланғич таълим мутахассислиги тингловчилари учун). Жиззах вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти. Жиззах, 2012 й.

3. Математика фанини ўқитиш методикасидан бошланғич синфларда назорат ишларини ташкиллаштириш. Маъруза курси., Жиззах вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, 2012 й.

4. Математика ўқитиш методикаси. Бошланғич таълим ва СТИ талабалари учун маъруза матнлари. 1-қисм. Жиззах, 2014 й.

5. Математика ўқитиш методикаси. Бошланғич таълим ва СТИ талабалари учун маъруза матнлари. 2-қисм. Жиззах, 2015.

VI. Ўқув-услубий мажмуалар ва ишланмалар

1. Математика ўқитиш методикаси. Методик мажмуа, ЖДПИ, 2005 й.

2. Таълимда инновацион технологиялар. Математика ўқитиш методикаси фанида таълим технологияси. Технологик ишланма. Жиззах, 2011 йил.

3. Бошланғич синфларда математика ўқитиш услубиёти., ЖДПИ, ўқув-услубий мажмуа. Жиззах, 2012 й.

4. Математика ва математика ўқитиш методикаси. Жиззах вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, 2012 й.

5. Бошланғич синфларда математика ўқитиш услубиёти., ЖДПИ, ўқув-услубий мажмуа. Жиззах, 2013 й.

6. Математика ва математика ўқитиш методикаси. Жиззах вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, 2013 й.

7. Бошланғич синфларда математика ўқитиш услубиёти., ЖДПИ, ўқув-услубий мажмуа. Жиззах, 2014 й.

8. Математика ва математика ўқитиш методикаси. Жиззах вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, 2014 й.

9. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси фанидан тест саволлари. Ишланма. Жиззах, 2014 й.

10. Бошланғич синфларда математика ўқитиш услубиёти., ЖДПИ, ўқув-услубий мажмуа. Жиззах, 2015 й.

VII. Фан дастурлари

1. Математика ўқитиш методикаси фанидан фан дастури. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналиши учун, ҳаммуаллифликда. Тошкент, 2014 й., -Б.16.

2. Математика ўқитиш методикаси фанидан фан дастури. Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш йўналиши учун, ҳаммуаллифликда. Тошкент, 2015 й., -Б.16.

VIII. Педагогик амалиёт ишчи дастури ва ишчи ўқув дастурлар

1. Бошланғич синфларда математикадан синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш. Танлов курси бўйича ишчи дастур. ЖДПИ, 2005 й.

2. Бошланғич синфларда математика ўқитиш услуби. Ишчи ўқув дастури, ЖДПИ, 2007 й.

3. Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий ишлар йўналиши талабаларининг педагогик амалиётларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича педагогик амалиёт ишчи дастури. Жиззах, 2008 йил.

4. Математика ўқитиш методикаси фанидан ишчи ўқув дастури. ЖДПИ, Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси. Жиззах, 2012 й.

5. Дарслик билан ишлаш (1-4 синф математика дарсликлари учун) фанидан намунавий ишчи ўқув дастури. ЖДПИ, 2012 й.

6. Математика ўқитиш услуби фанидан ишчи ўқув дастури., Жиззах, 2014 й.

7. Математика фанидан намунавий ишчи ўқув дастури., 2-курс талабалари учун. ЖДПИ, 2014 й.

8. Математика фанидан ишчи ўқув дастури. Жиззах вилоят педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, 2015 й.

9. Математика ўқитиш методикаси модули бўйича ўқув дастури. Жиззах, 2015 й.

10. Математика ўқитиш методикаси фанидан таянч ўқув-мавзу режаси, Жиззах, 2015 й.

11. Математика ўқитиш методикаси фанидан ишчи ўқув дастури. ЖВХТХҚТМОИ, 2015 й.

IX. Услубий кўрсатмалар ва рисоалар

1. Мактабда педагогик амалиёт бўйича ҳужжатлар. М.Мамаюсупов, Т. Абдуллаев ҳаммуаллифлигида. // БТУ факультети талабалари учун услубий кўрсатмалар. ЖДПИ, 1994 йил, -Б. 72.

2. Стажёр ўқитувчилар учун методик кўрсатма. // М.Мамаюсупов, Ж.Лапасов ҳаммуаллифлигида, Жиззах, 1998 йил.

3. Математик ифодаларни ўрганамиз. Жалилов Б., Саримсоқова Х. ҳаммуаллифлигида. // Рисола., Жиззах ВПХМОҚТИ, ЖДПИ кичик босмаҳонаси, 2008 йил., -Б. 36.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
Домла А.К.Сувонкуловнинг ҳаёти ва фаолияти.....	5

I боб. УСТОЗЛАР ВА ҲАМКАСБЛАР ХОТИРАЛАРИ

Ғофуржон Мухамедов. Ориятли, оқибатли, тўғрисуз ва камтарин домла.	9
Тоир Қулмуродов. Истеъдодли шогирд.....	11
Йўлдош Жўраев. Москва илм ўчоқларида тобланган олим.....	12
Холбўта Тўрақулов. Касбга фидойиликда ибратли устоз.....	17
Турдикул Бобомуратов. Билсаларда, билмасаларда мақтовларга муносиб бўлгин.....	20
Фания Ахмедшина. Дўстлар ва шогирдлар меҳрини қозонган инсон.....	22
Ўткир Толипов. Олим ҳақида олтин сўз.....	26
Абдуназар Нурманов. Дўстим ажойиб спорт устаси эди.....	28
Маманазар Жумаев. Фидойи инсон абадий хотираси.....	29
Рашид Холмуродов. Илм ва маърифатга бағишланган умр.....	33
Ойбек Мамарахимов. Такрори йўқ касб эгаси.....	39
Фурқат Ахмедов. Тажрибали педагог ва ибратли инсон эди.....	43
Юсуф Усмонов. Нигоҳида қуёш борлигидай ҳақиқатни кўрдим.....	45
Бахтиёр Миркомиллов. Ибратли умр соҳиби инсон, шогирд, устоз ва дўст.....	47
Содиқ Усмонов. Ватанпарвар олим.....	48
Неъмат Кушвактов. Устозга эҳтиром.....	49
Низомиддин Усманов. Камтарин инсон, чин дўст, ҳақиқий олим эди.....	51
Ғайрат Қодиров. Халқ таълими жонкуяри эди.....	53
Сарвар Назарқосимов. Чироқ тутган инсон.....	55
Абдуваҳоб Эшмуродов. Қалби қайноқ мураббий.....	57
Неъмат Асадов. Илмий салоҳиятда беназир инсон.....	61
Элмурод Насруллаев. Самимиятга йўғрилган умр.....	62
Фурқат Тошбоев. Илм фидойиси хотирасига эҳтиром.....	64
Тўйчи Ахмедов. Абдулаҳад аканинг ибрати - ҳар биримиз учун ибрат.....	67
Абдуваҳоб Зокиров. Маслакдош дўст ва кўмакдош акани эслаб.....	70
Абдували Шамсиев. Илмга бахшида ҳаёт.....	71
Акбар Валиев. Умри боқий инсон.....	72

II боб. СИНФДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

Бегимқул Давлатов. Унутилмас кунлар.....	74
Лапас Бекбўтаев. Мактаб давридаги воқеалар.....	76
Шукур Бўрибоев. Қадрдон дўст.....	78
Тоштемир Отабоев. Болалик хотиралари.....	80
Эркин Хўжамов. Дўстим ҳақида хотираларим.....	82
Тохир Ибрагимов. Яхшидан боғ қолади.....	84

III боб. КУРСДОШ ДЎСТЛАР ЭЪТИБОРИ

<i>Умар Шодиев. Бетакрор дўст.....</i>	<i>86</i>
<i>Бўронбой Эшмаматов. Садоқатли ва самимий дўст.....</i>	<i>88</i>
<i>Насибулла Ҳодиев. Қалин дўст ва олижаноб инсон.....</i>	<i>90</i>
<i>Олимжон Умаров. Кучли хотира эгаси эди.....</i>	<i>91</i>
<i>Ўриш Холиқов. Азиз дўстим Аҳадга: умринг этади давом.....</i>	<i>92</i>
<i>Қизларсора Мустафоева. Улуғ инсон хотирасини ёдга олиб.....</i>	<i>93</i>

IV боб. МОҲИР ПЕДАГОГ ШОГИРДЛАР НАЗДИДА

<i>Даврон Алибеков. Фидойи устоз.....</i>	<i>94</i>
<i>Ҳақназар Ҳамзаев. Фидойӣ, самимий ва оқибатли устозим эди.....</i>	<i>95</i>
<i>Анвар Мажидов. Умрлар бўладики... ёхуд устозни хотирлаб.....</i>	<i>98</i>
<i>Ҳусниддин Шодмонов. Моҳир педагог.....</i>	<i>99</i>
<i>Ҳамид Содиқов. Инсон қадрӣ ҳамма нарсадан устун.....</i>	<i>102</i>
<i>Бобомурод Тошбоев. Устоз ҳақида хотиралар.....</i>	<i>103</i>
<i>Зухра Жабборова. Устозимни эслаб.....</i>	<i>106</i>
<i>Халима Шукурова. Касби қуёшим – устозим.....</i>	<i>108</i>
<i>Саодат Мамаюсупова. Методист олим.....</i>	<i>110</i>
<i>Дилшод Ҳайдаров. Илмга бахшида умр.....</i>	<i>111</i>
<i>Суннатулла Раимжонов. Санъатга ва спортга ошно қалб соҳиби эди... 113</i>	<i>113</i>
<i>Акрам Маҳамматов. Методика илмининг билимдони эди.....</i>	<i>114</i>

V боб. ҚАРИНДОШЛАРИ ЁДНОМАСИ

<i>Абулқосим Мамарасулов. Жиззах воҳасининг етук математиги.....</i>	<i>117</i>
<i>Қаюм Сувонқулов. Сулоламиз сайқаллари.....</i>	<i>122</i>
<i>Фотима Сувонқулова. Яхшилар ёди ўчмас бўлади.....</i>	<i>124</i>
<i>Ҳикматилла Ғанибеков. Эҳтиром.....</i>	<i>126</i>
<i>Икром Нормуродов, Мукалот Нормуродова. Қудамизни хотирлаб.....</i>	<i>128</i>
<i>Ҳанифа Саримсоқова. Умр йўлларимдаги йўлдошим.....</i>	<i>130</i>
<i>Жалолиддин Жўраев. Яхши инсон ёди.....</i>	<i>134</i>
<i>Маҳмуд Сувонқулов. Ҳунарли, ҳурматли ва меҳрибон зот.....</i>	<i>137</i>
<i>Нозбуви Бойчаева. Ватан азиз - хотира муқаддас.....</i>	<i>139</i>
<i>Бахтиёр Суванқулов. Ғамхўр инсонни хотирлаб.....</i>	<i>140</i>
<i>Аҳмад Сувонқулов. Амакимни эслаб.....</i>	<i>142</i>
<i>Жамолиддин Жўраев. Зукко олим эди.....</i>	<i>143</i>
<i>Сайёра Сувонқулова. Оқил ва эътиборли инсон.....</i>	<i>145</i>
<i>Жамшид Сувонқулов. “Ота” деган ном учун ибрат намунаси бўла олган зот.....</i>	<i>146</i>
<i>Дурдона Сувонқулова. Дадам ҳақида айтар сўзларим.....</i>	<i>148</i>

ХУЛОСА ЎРНИДА.....151

ИЛОВАЛАР.....152

Маънавий-маърифий, оммабоп нашр

ҲАЁТ ЗАРВАРАҚЛАРИДА КЕЧГАН САЛМОҚЛИ УМР

(Домла Сувоиқулов Абдулаҳад Келдиёровиқ замондоишлари хотирасида)

Мухаррир: Илҳом Йўлдошев

Техник мухаррир: Бехзод Болтабоев

Мусаххихалар: Дурдона Сувоиқулова, Соҳиба Сувоиқулова

Саҳифаловчилар: Шерзод Сувоиқулов, Жаҳонгир Сувоиқулов

Рассомлар: Розабону Муҳиддинова, Рухсора Абдулаҳадова

«MUMTOZ SO'Z»

оилавий корхонаси нашриёти

Манзил: Тошкент, Бешқайрағоч кўчаси, 156 уй.

Тел.: 99 847 12 12

Босишга рухсат этилди 25.09.2021

Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози

Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 10,0.

Шартли босма табоғи 10,75. Адади 100

«MUMTOZ SO'Z»

оилавий корхонаси босмахонаси

Манзил: Тошкент, Бешқайрағоч кўчаси, 156 уй.

Тел.: 99 847 12 12



ISBN 978 9943-6085-2-8



9 789943 608511